



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

*Салтанат ишларини қонун ва қоидалар, тўра ва тузукка солиб, салтанатим мартабаю эътиборини сақладим.*

**Амир ТЕМУР**



# СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИНИНГ СИРИ – АДОЛАТДА

**Қайси соҳа вакили бўлмасин Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳақида ўқиб-ўрганса ўзи учун кўплаб ибратли хусусиятларни ўзлаштириши мумкин. Жумладан, биз ҳуқуқшунослар учун ўрнатилган бўладиган томонлари уларнинг адолат йўлини маҳкам тутганларидир. Мен ўйлайманки, Темур бобомиз айнан шунинг учун ҳам катта натижаларга эришган. Чунки, адолатли инсон ҳеч қаерда қоқилмайди, бировга ноҳақ зулм қилмайди, ҳаёти мазмунли бўлади ва ўзига берилган озгина фурсати давомида фақат яхшилик ва эзгулик билан ном қолдиради. Бу хислатларнинг барчасини биз Соҳибқирон тимсолида кўришимиз мумкин.**

**Шунингдек, Амир Темур барчамиз учун ибрат бўладиган куйидаги амалларни ҳаёти шиорига айлантирган:**

*“Охирги саодатли фарзандлар ва яхши тилакли ва-зирларнинг оппоқ ёруғ дилларига маълум ва тушунар-ли бўлсинки, ўн икки ишни мен ўзимга шиор ва касб қилдим. Шу сабабдан Тангри таоло менга улуғлик ато қилиб, самовий қудрат билан кўллаб-қувватлади ва сул-тонлик мартабасига етказди. Ул жумладан бири шуки, адолат тарозисини кўлимга олдим, на кам қилдим, на ортик, ҳаммани ўлчовда баробар тутдим.*

*Иккинчидан, Худонинг бандаларига ҳақли равишда ҳукм қилдим ва ҳақ тарафига мойиллик кўрсатдим.*

*Учинчидан, бефойда ишдан қочдим.*

*Тўртинчидан, Худойи таолонинг бандаларига раҳм-шафқат қилдим ва ҳар ишда ҳаммага фойда етказдим.*

*Бешинчидан, ҳеч кишининг кўнглига озор бермадим.*

*Олтинчидан, ҳеч кимни даргоҳимдан қувмадим.*

*Еттинчидан, ёнимга кирган ва чиққанга йўл бердим.*

*Саккизинчидан, Худойи таолонинг иттипати бажо келтирдим.*

*Тўққизинчидан, Худойи таоло улуг этган одамларни улуғладим.*

*Ўнинчидан, дин ишини дунё ишидан илгари қўйдим.*

*Ўн биринчидан, рост сўз айтдим, рост сўз эшитдим.*

*Ўн иккинчидан, дин ва дунё ишини ростлик билан туздим”.*

Энди бу шиорларнинг шарҳига тўхталадиган бўлсак, ҳамма ишда ҳақиқатни гапириш ва бажариш бежизга Амир Темурнинг эзгу шиорларидан бўлмаган. Чунки, ҳақиқат қарор топишини билган фуқароларнинг қалбида подшоҳга, давлатга бўлган ишонч ва умид пайдо бўлади.

Амир Темур ўз вақтини бефойда нарсаларга сарф этмаган, аксинча ўз устида ишлаган, фойдали ишларни ўрганишга азму жазм этган. Бу жиҳатни бугун барчамиз ўзлаштиришимиз керак деб, ўйлайман. Чунки, аксар жиноятлар вақтини беҳуда ўтказишдан, илмсизлик, ху-нарсиялик бунинг оқибатида эса етишмовчилик ортидан жиноятга қўл урганлар ҳиссасига тўғри келади.

Соҳибқирон бобомиз бировга ноҳақ озор етказмаган ва дилдорларга мурасасиз бўлган. Даргоҳига умид ва ёрдам истаб келган кишиларни ноумид қилмаслик ас-лида катта савоб ишлардандир. Унинг ҳузурига ёрдам истаб келган ҳар бир одамнинг албатта тақдирлангани ҳақида тарихий манбаларда кўплаб маълумотлар учрай-ди. Соҳибқироннинг ушбу хислатлари суд тизими вакил-лари учун ниҳоятда ибрат, деб ўйлайман.

У киши Худого бандалик вазифасини ҳам маромида бажара олган, икки дунё саодатини маҳкам тутган одил ва доно ҳукмдордир. Унинг ушбу фазилатлари Соҳибқи-роннинг бошқа ҳукмдорлардан устунлигини оширади, унинг ўғитларининг на замон ва на маконда ортда қол-маслигини, ҳар бир давр учун муҳим таянч нуқтаси экан-лигини кўрсатади.

Амир Темур Худо азиз қилган бандалар – саидлар, авлиёлар, пирлар, олимлар, ўз соҳасининг энг уста ки-шилари доимо ардоқлаган. Зеро, улар жуда катта фи-дойиликлари, билим ва меҳнатлари эвазига ўз соҳаси-нинг пирига айланиб улгургандилар. Улар айни пайтда ўз даврининг шижоатли, азми қатъий кишилари эдилар. Амир Темур давлат бошқарувида улар билан доимо муҳим масалалар устида фикрлашган, пир устозлар-нинг доно сўзларини қалбига жо қилган. У олимлар ва ўз даврининг энг машҳур фозил кишилари билан битта муҳитда иш юритган, уларнинг маслаҳат ва дуоларини олган. Бу ҳолат Амир Темурнинг тўғри йўл тутишида ва адолатни таъминлашида муҳим омиллардан бўлган.

Рост сўзлаш, рост иш юритиш мураккаб иш ва айни пайтда жуда ҳам осон ишдир. Ростгўй ва ҳақиқатпарвар, иймони бутун ҳукмдор сифатида Амир Темур ўз даври-даги турли миллат ва элат вакилларига, оддий фуқаро-ларга ибрат ва намуна бўлган. Одамлар унга қараб ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солганлар ва ўз ҳукмдор-ларига, ўша даврнинг машҳур кишиларига тақлидан кўп хайрли ишларни қилишга ҳаракат қилганлар. Бугун биз ҳуқуқшунослар ҳам иш фаолиятимизда одил, ҳалол ва тўғри бўлсак, фуқароларимиз биздан ўрнатилган олишди ва давлатга ишончи ортади.

Худди шу маънода, Амир Темур “подшоҳларнинг хулқи бамисли шамол, авомники майсадир, шамол қа-ерга эсса майса ўша томонга эгилади”, деб фуқаролари ўзига тақлидан яхши ёмон тарафга ўзгариши мумкинли-гини яхши тушунган.

Авалло, у тартиб-интизомни, фидойиликни ўз аҳли оиласидан талаб қилган ва уларни ҳар тарафлама куч-ли инсон бўлиши учун жидду жаҳд кўрсатган. Ҳар бир шаҳарларда ва вилоятларда фаолият юритган ҳокимлик-лар, қозихоналар, мадрасалар, адлия бошқармалари давлат ва жамият ҳаётида адолат расм-русумларини ба-жариш билан бирга аслида тарбия ўчоқлари вазифасини ҳам ўтар эди.

**Низомжон МАҲМУДОВ,**

*жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман суди раиси.*

# “АДОВАТ ЭМАС, АДОЛАТ ЕНГАДИ”

*Тарихимизни, айниқса комилликда етук чўққиларни эгаллаган боболаримизнинг ҳаётини ўрганиш ҳар биримиз учун ибрат мактаби бўлади. Яъни, уларнинг ҳаёт йўли, қилган ишлари, илмий мактаби биздаги шижоатни, илм ўрганишга бўлган иштиёқни, ўзига ишончни оширади. Келинг, ҳозир биз ҳуқуқ соҳаси вакиллари учун катта намуна бўлаган Амир Темури бобомизнинг ҳаётига оид тарихий маълумотларга эътибор қаратсак.*

Темури асос солган давлатда ўрнатилган ҳуқуқий тизим ҳар доим устун бўлиб, унинг талабларига риоя қилиш барча учун мажбурий бўлган, тартибни бузган ва ўз вазифасини бажармаган кишиларга қаттиққўллик билан муносабатда бўлинган. Айниқса, давлат хавфсизлигини бузганлар қаттиқ жазоланганлар.

Соҳибқирон Амир Темури ислом ҳуқуқшунослик илмини ҳар томонлама ўзлаштирган ва бу соҳада у зот юксак даражага кўтарилиб, фатво бериш салоҳиятига ҳам эга бўлган экан. Амир Темури давлатида ислом ҳуқуқининг асосий қоидаларидан бири бўлмиш ва ҳозирда ҳам халқаро миқёсида қабул қилинган қоида, яъни “жиноятнинг шахсийлиги”га жиддий риоя қилинган, яъни жиноятчининг гуноҳи учун унинг қавм-қариндоши, оғанилари (жиноятда иштирок этмаган ҳолда) жавобгар бўлмаганлар, шунингдек, жиноятга қўл урган киши жазосиз қолдирилмаган ва гуноҳсиз кишини жазолашга йўл қўйилмаган. Амир Темури ушбу тамойилни давлат ҳуқуқий тизимининг асосий қоидаларидан бири деб билган. У “мен ҳар доим аскарларимни қонунга итоат қилиш руҳи билан тарбиялаб келдим, қонун бузувчиларни жазосиз қолдирмадим” деб таъкидлаган.

Эътиборимизни тортадиган томони шуки, Ибн Арабшоҳ Темури бобомизнинг лаёқати, инсоний қиёфаси ва адолатсеварлигини инкор қила олмаган ва уларни эътироф этишга мажбур бўлган. Қуйида эътиборингизга унинг китобидан айрим сатрларни келтириб ўтсак: “Ишларни бажаришда Темури ўткир фикр ва узоқни кўра билиш қобилиятига эга эди... Унинг тафаккур денгизи чексиз эди... Ҳар доим қонунларни ўз мамлакатида амалга ошириб турарди... Ҳикмат ва мунозарада Ибн Синони ортда қолдирар, мантқиқда юнонликларни соқит қиларди”. “У беҳуда сўзлаш ва ҳазилкашликни ёқтирмасди, ҳеч қачон ҳою ҳавасга кўнгили бермасди, тўғрилиқ ва ростликни ҳатто унинг зарарига бўлса ҳам яхши кўрарди... Унинг мажлисида носазо айтиш, қон тўкиш, асирликка олиш, ор-номусга тегиш ва ҳақорат қилишдан сўзлаш мумкин эмас эди... Темури етук ақл, ажойиб идрок, юксак бахту иқбол, келишган толе, изчил ирода ва қатъий фикр эгаси эди... Ниҳоят зийраклик билан ҳақни ботилдан ажрата олиб, ўз даҳоси билан ҳақиқий ўғит берувчини лаганбардордан фарқ этарди... Ўз ёрқин фикрлари билан порлоқ юлдузларга йўл кўрсатарди ва юлдузлар ўқи унинг раъйи (фикри) ва иродасига қараб, мақсадга бориб тегади деб ўйларди киши”.

Темури бобомиз Ибн Арабшоҳ эътироф этган олий хусусиятлар эгаси бўлишидан ташқари, шариат соқчиси ва адолат ҳомийси сифатида ҳукмронлик қилиб келган. Қуръони карим оятлари ва шариат таълимотининг руҳи унинг “Тузуқлар”ига сингиб кетган. Илоҳий йўлланмаларни назарда тутган ҳолда Соҳибқирон адолатнинг кучига, унинг ғалабаси ва энгилмаслигига чуқур ишонган эди. Қонун даражасига кўтарилган ушбу ишонч ва ақидани унинг “Тузуқлар”идаги ушбу қисқа сўзлардан англаш мумкин: “Адоват эмас, адолат енгади”, “қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган”, “мен салтанатимни Ислом дини, тўра тузуқлар асосида мустаҳкамладим”. Соҳибқирон ўз авлодларини ўч-интиқом олмасликка, ҳар доим тинчлик ва ярашиш йўлларини очиб қўйишга қақриб келган.

Шунинг учун Амир Темуридан кейин ҳам ватанпарварлик, адолатсеварлик, қонунга бўйсунуш Темурийлар давлатининг нуғути бўлмас аънаналарига айланиб қолган.

Чунончи, Ҳиндистондек катта ўлкада Бобурийлар империяси ҳудудида адолатни таъминлаш мақсадида Аврангзеб Оламгир назари остида “Фатвои Ҳиндия” деб аталган тўрт жилдлик ҳуқуқий кодекс яратилиб, Бобурийлар ҳокимияти тугагунга қадар бутун Ҳиндистон судларида расмий қонун сифатида ишлатилиб келинган.

Соҳибқирон Амир Темури асос солган буюк давлат ўзининг турли босқичларида, ҳам Турон, ҳам Хуросон, ҳам Эрон ва Ҳиндистон ярим оролида адолат меъёрларига асосланган тузум сифатида олам аҳлининг диққатини ўзига тортиб келиб, бугунга қадар ҳам ўз тарихий аҳамиятини йўқотмаган.

Амир Темурининг маслаҳатчиси ва Фарб мамлакатларига юборган элчиси (Султония усқуфи) ҳозирда Париж илмий кутубхонасида сақланаётган хотираларида Амир Темури ҳақида: “Темурибек форс, араб ва турк тилларини билади. Қуръон илми ва Ислом ҳуқуқшунослиги илмида шу қадар кучли олимки, ҳеч бир мусулмон олими у билан мунозара қилишга қодир эмас, у олим ва шоирларга катта ҳурмат билан қарайди. Бунинг сабаби шундаки, унинг ўзи олим ва донишманддир”, деб таъкидлаган.

Султония усқуфи таъкидлаганидек, Амир Темурининг Тузуқларига биноан, урушсиз таслим бўлган шаҳарларда бирон-бир навқар бирон бир кимсага, хусусан, аёл кишига тажовуз қилса ё бировнинг молини тортиб олса, бундай аскар ўлдирилган.

Амир Темурининг ҳуқуқий тизимида жиноятга қўл урган барча кишилар, кимлигидан қатъи назар, қонун олдида ҳеч қандай имтиёзсиз жавобгарликка тортилган.

Хулоса ўрнида Соҳибқирон ҳаётида бўлган бир воқеани баён этсак. Султониянинг ҳукмдори бўлмиш унинг ўғли Мироншоҳ ўзига яқин давлат арбоблари ва амалдорлари билан биргаликда маишатга берилиб, давлат ишлари ва раият аҳволи назоратсиз қолиб, зулму ситам ҳаддан ошади, давлат хазинаси тугаб, аҳоли оғир аҳволга тушади. Бундан хабар топган Соҳибқирон Султонияга лашқар тортиб бориб, беклар, амирлар, саркардалар кенгашини тузиб, улардан давлат хазинасини барбод қилиб, туну кун маишатга берилиб, раиятни оғир аҳволда қолдирган ҳукмдор ва уни бу йўлга бошлаган амалдорларни жазолаш ҳақида маслаҳат олгандан кейин, ўз ўғли Мироншоҳ ва уни бу йўлга солган барча амалдорларни қаттиқ жазолайди.

У ҳақиқи равишда “Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим”, - деган эди. Унинг “Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади” деган ҳикматли сўзларининг мазмунини ана шундай ҳодисалар мағзидан тушуниб олиш мумкин. Темури бобомизнинг юқоридаги каби фазилатларини барчамиз ўзимизга сингдириб, амалга тадбиқ қилсак, аввало ўзимизнинг, сўнгра жамият ва давлатнинг ҳаёти фаровон бўлади.

**Жонибек БОБОЕВ,**

*Тошкент вилояти Нурафшон туманлараро маъмурий суди раиси.*

## “ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

### Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

### ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Убайдулла МИНГБОЕВ

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДАРОВ

Худойкул АЗИЗОВ

Илхом НАСРИЕВ

Малика ҚАЛАНДАРОВА

Беҳзод МЎМИНОВ

Собир ХОЛБАЕВ

### Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

### Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

### Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй

**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 13.04.2024 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок.

Буюртма № 3. Адади 1990.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

# МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

6

“ИБРАТЛИ СУДЬЯ” ТАЖРИБАСИ – ОДИЛ СУДЛОВ  
ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

8

ДУНЁНИНГ МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ ЁХУД ТЕРРОР БАЛОСИ

МУЛОҲАЗА

9

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР ВА  
УНИВЕРСАЛ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТАСНИФИ

12

МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ УСУЛИ ВА МУАММОЛАРИ

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

13

ЗАМОНАВИЙ ЯПОНИЯ СУД ТИЗИМИ

15

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ  
ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА  
УНИ ЯРАТИШ ИМКОНИАТЛАРИ

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

18

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕРГОВ СУДЬЯСИНИНГ  
НАЗОРАТ ПРЕДМЕТИ ВА ДОИРАСИ

21

МУШОҲАДА

АЁЛЛАР РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ  
РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

23

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИДА МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ

25

ЯНГИ БОСҚИЧ

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР  
ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ

СУДЬЯ МИНБАРИ

26

НОТАРИУСЛАР ТОМОНИДАН ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ  
ДАЛИЛЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА

27

ЧЕТ ЭЛЛИК ТАДБИРКОРЛАРНИНГ  
ҲУҚУҚЛАРИ СУД ҲИМОЯСИДА

28

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚЛАРНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА  
ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

ТАДҚИҚОТ

30

МЕХНАТ СУДЛАРИ — ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

32

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

34

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯЛАРИДА ЙИГИЛИШ ҚАРОРЛАРИНИНГ ЎРНИ

35

ЖАРАЁН

ХАЛҚ БУГУНИДАН РОЗИ БЎЛСИН

НУҚТАИ НАЗАР

36

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

37

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

39

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШНИ КРИМИНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

40

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА СУДЛАРНИНГ ЎРНИ

41

МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

42

КОРРУПЦИЯГА МОЙИЛ ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

43

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АДВОКАТ МАҚОМИ ВА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ ИСЛОҲОТЛАРИ

44

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА ДОИР НИЗОЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИДА КЎРИЛИШИ

45

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИ ВА УЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИ)НИ ҚОНУНГА ХИЛОФ ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДАГИ НИЗОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

46

СУДЛАР ТОМОНИДАН ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ОФИРЛАШТИРУВЧИ ВА ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР

47

СУД МАЖЛИСИНИНГ ТАЙЁРЛОВ ҚИСМИДА ҲАЛ ҚИЛИНАДИГАН МАСАЛАЛАР

48

ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК МЕЪЁРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ДОЛЗАРЪЛИГИ

49

ТАРАФЛАРНИНГ HOҲИШ-ИРОДАСИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҲОЛАТЛАРГА КЎРА МЕХНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ

50

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА СУД ТОПШИРИҚЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ БЕРИШДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД

51

ЕРГА ОИД НИЗОЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

52

ОММАВИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

53

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА БОШҚА ШАХСЛАР ИШТИРОКИ

54

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН АЙРИМ МУАММОЛАР

55

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ: ЗНАЧЕНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ

ВАЖНАЯ ТЕМА

58

ОСОБЕННОСТИ ДОКАЗЫВАНИЯ В ХОДЕ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ ПО ФАКТАМ ПРИЧИНЕНИЯ ВРЕДА ЗДОРОВЬЯ ЧЕЛОВЕКА В ОБЛАСТИ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

61

ANALYSIS

FEATURES OF THE PRE-TRIAL PROCEDURE FOR RESOLVING ADMINISTRATIVE AND LEGAL DISPUTES



## “ИБРАТЛИ СУДЬЯ” ТАЖРИБАСИ – ОДИЛ СУДЛОВ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

*Бугунги кунда Судьялар олий кенгаши томонидан судьялар фаолиятини такомиллаштириш, замон талабларига мослаштириш борасида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда.*

2024 йил 6 апрель куни Кенгаш ташаббуси билан судьялар фаолияти самарадорлиги ҳамда одил судловнинг сифатини ошириш масаласи ибратли судьялар тажрибаси мисолида қизғин муҳокама қилиниши, биз судьялар учун ниҳоятда амалий аҳамият касб этди. Тадбирнинг ўзига хос хусусияти шунда бўлдики, ўзининг ҳалоллиги ва фидоийлиги, катта билим ва тажрибага эгаллиги билан “Ибратли судья” мукофотига сазовор бўлган судьялар намунали иш тажрибасини бошқалар билан ўртоқлашди. Ибратли судьялар мулоҳазаларига кўра, судьянинг фаолиятида ишни кўриб чиқишни режалаштириш адолатли қарор чиқариш омилларидан бири ҳисобланади.



Муҳокамада иштирок этган устозимиз Убайдулла Мингбоевнинг бугунги кун судьяси олдида турган масъулиятли вазифалар, судья деган ниҳоятда шарафли касб эгаси номини оқлаш борасидаги фикр-мулоҳазалари менда катта таассурот қолдирди.

Дарҳақиқат, одил судлов самарадорлиги биринчи навбатда судьяларнинг билим даражаси ва амалий кўникмаларига боғлиқ. Бироқ, судьялик учун шунинг ўзи кифоя қилмайди. Ҳалоллик, хушмуомалалик, матонатлилиқ ва илмга чанқоқлик каби хислатлар ҳам ушбу лавозим эгасига кўйилладиган асосий талабларга сирасига киради.

Мазкур талаблар судьялар фаолияти самарадорлигини очиқ ва шаффоф баҳолаш электрон рейтингининг асосий мезонлари ҳисобланадики, юқори рейтинг кўрсаткичларига эга судьялар



ҳақли равишда “Ибратли судья” мукофоти билан тақдирланиб келинмоқда.

Судьялар олий кенгаши томонидан амалиётга муваффақиятли жорий этилган мазкур шаффоф тартиб асосида кейинги уч йилда 50 нафар судья “Ибратли судья” мукофотига муносиб деб топилди. Бундай мақомга лойиқ кўрилган судьялар фаолияти ва тажрибалари билан яқиндан танишиш эса ҳеч қачон фойдадан холи бўлмаган.

Айни шу мақсадда ташкил этилган бугунги тадбирда “Ибратли судьялар”га минбар берилиб, уларга ўз тажрибалари билан ўртоқлашиш имкониятини ҳавола қилди.

Тадбирда сўз олган судьялар муваффақиятлари замирида устозларнинг ўғит-маслаҳатлари ётганини эътироф этган ҳолда ўз фаолияти ва тажрибалари мисолида вақтни тақсимлаш ва ундан унумли фойдаланиш, иш самарадорлигини оширишда кун тартибини тўғри режалаштириш-



ришнинг хос хусусиятлари, муайян ишлар бўйича суд ҳужжатларини қабул қилишда эҳтимолий хатоларнинг олдини олиш омиллари ҳақида ҳам сўз юритилди.



дан тортиб, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишгача тўхталдилар. Шунингдек, билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб боришда аҳамият берилиши лозим бўлган жиҳатлар, суд мажлисини бошқа-

Қайд этилдики, алоҳида ўрнатилган ва намуна кўрсатиб келаётган судьяларнинг фаолияти эътирофга лойиқ, албатта. Бироқ мақсад эътироф билан чегараланиш эмас, балки уларнинг шахсий тажриба, маслаҳат ва тавсиялари билан ёш ҳамкасбларини яқиндан таништириш, бунга имконият ва шароит яратган ҳолда одил судлов сифатини янада оширишдир. Чунки, бугун суд тизимида фаолият кўрсатаётганларнинг қарийиб 21 фоизини ушбу лавозимда бўлишнинг биринчи беш йиллик муддатига тайинланган судьялар ташкил этади. Бу ҳар беш нафар судьянинг бир нафаридан муваффақиятли ҳамкасблари тажрибаларини ўрганиш, уларнинг таклиф ва тавсияларига эҳтиёжи борлигини кўрсатади.

Муҳокамада иштирок этган судьялар бундай тадбир тез-тез ўтказилиб турилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.



**Назокат БАЙЗАКОВА,**  
Тошкент туманлараро  
иқтисодий суди судьяси.

# ДУНЁНИНГ МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ

## ЁХУД ТЕРРОР БАЛОСИ

**Сўнги пайтларда дунёнинг кўплаб минтақаларини қамраб олган терроризм ва экстремизм билан боғлиқ муаммолар фаол муҳокама қилинмоқда. Терроризм ва диний-экстремизмга қарши кураш Марказий Осиё минтақаси, хусусан, мамлакатимиз учун ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Хўш уларнинг бу қабиҳ ишларини бунчалик урчиб кетишига сабаб бўлган нарса нима экан? Бунга олиб борувчи йўлнинг бошида унинг тузоғига илинган инсонларнинг дунёвий ва диний билимларининг саёзлиги, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаслиги деган бўлардик. Яъни, ойдинроқ қилиб айтадиган бўлсак, инсон фитратида динга мойиллик бўлади, у аслан тоза бўлади. Агар инсон ўқиб-ўрганиб билимини мустаҳкамласа улар асло бу эгри йўлдан юришмайди. Бунинг акси бўлса билимсиз, дунёқарашни тор ёшларни йўлдан уриш осон бўлади.**

Айнан шундай ёшларнинг эътиборини ўзига тортиш мақсадида диний экстремистик ташкилотларнинг аксарияти ўз номини муқаддас Исломи дини билан боғлашга ҳаракат қилади. Улар ўзларини “нажот топган гуруҳ”, қолган мусулмонларни эса кофир деб ҳисоблайдилар.

Натижада бутун дунёда Исломи динига ва мусулмонларга нисбатан нафрат пайдо бўлади. Алал оқибат ўз-ўзидан диндан узоқлашиш ҳолати юзага келади. Бу эса терроризм тузоғига тушувчиларнинг сонини кўпайтиради.

Аслида эса “Исломи” сўзининг луғавий маъноларидан бири “тинчлик” бўлиб, у ҳеч қачон бузғунчиликка, қотилликка ундамаган ва ундамайди ҳам. Террорчилар эса бузғунчилик ва қотиллик, одамларни даҳшатга солишни ўзларининг мақсадларига айлантириб олганлар.

Аслида эса “Исломи” сўзининг луғавий маъноларидан бири “тинчлик” бўлиб, у ҳеч қачон бузғунчиликка, қотилликка ундамаган ва ундамайди ҳам. Террорчилар эса бузғунчилик ва қотиллик, одамларни даҳшатга солишни ўзларининг мақсадларига айлантириб олганлар.

Қуръони каримда бегуноҳ одамларнинг жонига қасд қилиш қораланади. Жумладан, “Нисо” сурасининг 93-оятда бундай марҳамат қилинади: “Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишидир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улан азобни тайёрлаб қўйгай”.

Ҳадисларда ҳам бу борада кўплаб хабарлар келган. Жумладан, Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳивасаллам: “Аллоҳ таолонинг наздида бир мусулмон кишининг ноҳақ қатл этилишидан кўра, ёруғ дунёнинг барбод бўлиб кетиши енгилроқдир”, дедилар”.

Ҳозирда дунёда кўплаб экстремистик ва террорчи ташкилотлар мавжуд бўлиб, афсуски, уларнинг муайян қисми Исломи дини ниқоби остида фаолият юритади. Дарҳақиқат, ҳозирги кунга келиб диний-экстремистик ташкилотлар кенг тармоқли тизимга айланиб улгурди. Бу чуқур ўйланган стратегиянинг бир қисмидир. Аввало, барча экстремистик ташкилотлар бир тадқиқот маркази, таъбир жоиз бўлса, “ғоявий лаборатория”лар маҳсулидир.

Шу ўринда, диний-экстремистик оқимларни бажарадиган вазибаларига кўра шартли равишда 3 гуруҳга бўлишимиз мумкин.

Биринчи гуруҳга кирувчи ташкилотларнинг асосий юкнамаси одамларни гўёки “исломлаштириш”, “тақвога чақиритиш”дан иборат.

Иккинчи гуруҳ ташкилотлари эса аҳолига мутаассиблик ғояларини сингдириш, улардан муайян ғоя ва раҳнамога

оғишмай, сўзсиз эргашадиган “кадр”ларни тайёрлаш билан шуғулланади.

Учинчи гуруҳга мансуб ҳаракатлар эса ҳеч қандай асоссиз мусулмон дийёрларни “куфр дийёри” деб эълон қилиб, у ердагиларни “ҳижрат” қилишга ундаш орқали турли низо ва фитна ўчоқларига жалб қилиш, қўлга қурол олиб тинч аҳоли ва бошқа дин вакилларини қириш орқали минтақада уруш оловини ёқиш, жиҳод тушунчасини нотўғри талқин қилиш орқали ёшларни қотилликлар қилишга чорлаш билан шуғулланадилар. Бу гуруҳга барча террорчи ташкилотларни киритишимиз мумкин.

Бугунги кунда диний-экстремистик, террористик гуруҳлар фаолиятида муҳим ўзгаришлар кузатилмоқда. Ўзбекистон ва бошқа давлатларда диний-экстремистик, террористик ҳаракатларга нисбатан олиб борилаётган муросасиз ёндашув натижасида гуруҳ аъзолари ўз ҳаракатларини очиқ намоён этишни маъқул кўрмай, аксинча, хуфёна тарғибот-ташвиқот ишлари орқали, жумладан интернет орқали ўз ғояларини тарқатиш билан фаолиятларини жадаллаштирмоқдалар.

Ғоявий жиҳатдан миллий манфаатларга зид бўлган диний мазмундаги маҳсулотларни республика ҳудудига олиб кириш ва тарқатишга уриниш ҳолатлари Ўзбекистонда ҳам кузатилмоқда. Бу каби экстремистик руҳдаги маҳсулотларнинг интернет ва бошқа йўллар орқали тарқатилиши аҳоли томонидан диннинг нотўғри талқин этилишига, кам маълумотга эга ўқувчилар маънавий онгининг бузилишига, турли эътиқод ва қарашларга эга бўлган одамлар, хусусан ёшлар орасида адоват ва хусумат уйғонишига замин яратмоқда. Шу билан бирга, бундай фаолиятлар ҳукуматга қарши йўналтирилган ва Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига муайян тарзда таҳдид солишни мақсад қилган.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, диний экстремизм тузоғига тушмаслик учун дунёвий ва диний билимларни чуқур ўрганишимиз керак. Шундагина бу бало бизга яқинлашмайди. Агар бу билимларни ўрганишдан қочадиган бўлсак, улар турли хил алдов йўллари билан ёшларимизни ўз домига тортаверишади.

**Хуршид ИБРАГИМХОДЖАЕВ,**

*жиноят ишлари бўйича*

*Учкўприк туман судининг судьяси.*



# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР ВА УНИВЕРСАЛ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТАСНИФИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада бола ҳуқуқларига оид халқаро меъёрлар, универсал халқаро ҳужжатлар таснифига доир масалалар ўрин олган бўлиб, муаллиф аввало универсал халқаро ҳужжатлар таснифининг зарурати, таснифлаш мезонлари ва шартлари, бу борадаги илмий жамоатчиликнинг қарашларига тўхталиб ўтган. Халқаро ҳужжатларнинг табиати ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини уларни таснифлаш орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлишини илгари суради.

**Калит сўзлар:** тасниф, сиёсий, ижтимоий, маданий, фуқаролик, императив, тавсиявий, асосий, тўлдирувчи, тадбиқ этувчи, доимий, муддатли, ҳудудлараро, соҳалараро, субъектлараро, саноат корхонаси, шахталар, карьерлар, материаллар қайта ишланадиган саноат тармоқлари.

Болаларнинг муносиб камол топиши ва ҳуқуқлари масаласи доимо халқаро ҳамжамият диққат эътиборида бўлиб келган. Таъкидлаш лозимки, бола ҳуқуқларига оид дастлабки ҳужжат 14 та моддадан иборат бўлган “Саноатда ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги Конвенция XX асрнинг бошларида, яъни 1919-йил 29 октябрда АҚШнинг Вашингтон шаҳрида Халқаро меҳнат ташкилотининг конференциясида қабул қилинди.

Мазкур конвенциянинг 2-моддасида биринчи мартаба “саноат корхонаси” жумласига таъриф берилиб, шахталар, карьерлар ва ердан фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича бошқа корхоналар, шунингдек маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган, ўзгартириладиган, тозаланадиган, таъмирланадиган, безатилган, тайёр, сотувга қўйиладиган, демонтаж қилинадиган ёки бузиладиган ёки материаллар қайта ишланадиган саноат тармоқлари, шу жумладан кема-созлик, шунингдек ҳар қандай турдаги электр энергияси ва ҳаракатлантирувчи кучни ишлаб чиқариш, ўзгартириш ва узатиш, шу билан бирга ҳар қандай бино, темир ёки трамвай йўли, бандаргоҳ ва бошқа қурилиш ишлари, шунингдек, ҳар қандай бундай ишлар ёки иншоотларни қуриш саноат ишлаб чиқариши сифатида белгиланди.

Шунингдек мазкур конвенция билан ҳар бир давлатнинг ваколатли органи саноатни савдо ва қишлоқ ҳўжалигидан ажратиб турадиган жиҳатларини белгилаши лозимлиги белгиланди.

Халқаро даражадаги болалар ҳуқуқларига оид биринчи ҳуқуқий ҳужжат — “Бола ҳуқуқлари Декларацияси” нинг қабул қилинишига 1920 йилда Қизил Хоч (Committee of the Red Cross (ICRC)) халқаро комитети томонидан “Болаларни қутқаринг” Фондининг ташкил этилиши ва 1923 йил 23 февралда Халқаро болаларни қутқариш иттифоқининг тўртинчи бош ассамблеяси томонидан болалар ҳуқуқларига оид Декларация қабул қилиниши асос бўлди.

1924 йил 26 сентябрда ушбу тарихий ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида биринчи мартаба болалар ҳуқуқлари халқаро жиҳатдан тан олинисига эришилди.

Айнан ушбу ҳужжат билан болалар ҳуқуқларининг фундаментал асоси шакллантирилиб асосан қуллик, болалар меҳнати, болалар билан савдо қилиш ва болаларга нисбатан жинсий тажовузга қарши чоралар белгиланди.

Ҳуқуқшунос О.С.Капинуснинг таъкидлашича ҳуқуқ нормаларини таснифлаш ҳар бир ҳуқуқий меъёрни тегишлилиги ва тартибга солиш мақсадларига кўра тизимлаштиришдан иборат. Одатда ҳуқуқий нормалар ҳоҳ у миллий ёки халқаро бўлсин, албатта энг биринчи навбатда мажбурият юкловчи, таъқиқловчи ва рухсат берувчи меъёрларга кўра таснифланиши лозим.

**Олимларимиздан А.Р.Мўминов ҳамда М.А.Тиллабаевларнинг таъкидлашича одатда халқаро шартномаларни қуйидаги мезонлар асосида классификациялаш қабул қилинган:**

- халқаро ҳужжатларнинг юридик кучи нуқтаи назардан: умумий номи кўпроқ “конвенция” номи билан аталувчи императив характер касб этувчи ҳужжатлар ва умумий номи “декларация”, “тавсиянома” каби номлар билан аталувчи тавсиявий характердаги ҳужжатлар;

- тартибга солиниши бўйича бола ҳуқуқларининг айрим соҳаларига бағишланган махсус ҳужжатлар ва бола ҳуқуқларининг барча соҳаларини қамраб олувчи умумий характер касб этувчи ҳужжатлар;

- аъзолик масаласи бўйича, барча давлатларни қамраб олишни мақсад қилган универсал халқаро шартномалар ҳамда муайян минтақа давлатларини қамраб олувчи минтақавий ҳужжатлар.

Хорижлик мутахассис Беван эса болалар ҳуқуқларига оид ҳужжатларни ўзини ўзи тасдиқловчи ва ҳимоя қилувчи каби икки гуруҳга ажратишни, О.А. Лаврищева эса халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидаларига мувофиқ бола ҳуқуқларига оид ҳужжатларни маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий (фуқаролик) ҳуқуқларига оид ҳужжатлар кўринишида таснифлашни илгари суради. Е.С. Переверзева эса болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган барча меъёрий ҳужжатларнинг мақсади, юридик кучи, соҳаси бўйича ва ушбу ҳужжатнинг амал қилиш ҳудудига кўра классификациялашни таклиф қилади.

N.Firhall бола ҳуқуқларига оид ҳар қандай халқаро-ҳуқуқий ҳужжат зарурийлиги билан бирга юқори, ўрта ва қуйи даражада классификацияланиши лозимлигини

таъкидлайди ва бунда унинг юқори, ўрта ва қуйи даражадалиги ҳуқуқни амалга оширувчи субъектлар билан эмас, аксинча мазкур ҳужжатда болаларнинг ҳуқуқлари қай даражада қамраб олинганлиги ва амалга ошириш механизми билан баҳоланиши лозимлигини илгари суради.

**Бизнинг фикримизча юқоридаги муаллифлар ҳар бирининг қарашларида ўзига хос объективлик мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, болалар ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидагича таснифлаш мумкин:**

*биринчидан, мазкур ҳужжатни қабул қилган органлар ва ташкилотларнинг мақоми ва амал қилиш доирасига кўра халқаро ва миллий;*

*иккинчидан, тадбиқ этилиш соҳасига кўра, сиёсий, ижтимоий, маданий, фуқаролик;*

*учинчидан амал қилишига кўра императив ва таъсирли;*

*тўртинчидан, мазмунига кўра асосий, тўлдирувчи ва тадбиқ этувчи;*

*бешинчидан, амал қилиш вақтига кўра доимий ва муддатли.*

Масалан, Европа Кенгашининг болалар ҳуқуқлари бўйича 2022-2027 йилларга мўлжалланган стратегияси барча болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, барча болалар тенг имкониятларга эга бўлишини ва жамиятга қўшилишини таъминлаш, болаларнинг технологиядан фойдаланишини ва хавфсиз фойдаланишини қўллаб-қувватлаш, суд жараёнларини болалар учун қулайроқ қилиш, ҳар бир болага овоз бериш, инқироз ва фавқулодда вазиятларда болаларни қўллаб-қувватлаш каби олти та мақсадни кўзлайди.

**Бола ҳуқуқларига оид универсал нормаларни ўз ичига қамраб олувчи ҳужжатларни ҳам ўз навбатида юридик фан тизимида умумий қоидага кўра қуйидагича таснифлаш мумкин;**

*- бола ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган алоҳида ижтимоий гуруҳлар (аёллар, ногиронлиги бўлган болалар) ҳуқуқларини тартибга солишчи халқаро шартномалар;*

*- муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳаси (жиноят, оила, фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқи) ни қамраб олувчи универсал ҳужжатлар;*

*- БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган вояга етмаган шахсларга нисбатан одил судловни амалга ошириш масалаларига оид ҳужжатлар;*

*- бола ҳуқуқларини махсус тартибга солишга қаратилган декларациялар ва конвенциялар.*

*Бола ҳуқуқлари соҳасида минтақавий халқаро ҳужжатларни ҳам қуйидагича классификациялаш мумкин:*

*- Европа минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар;*

*- Африка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар;*

*- Америка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар.*

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид минтақавий ҳужжатлар хусусида фикр юритилганда, юқоридаги манзарадан кўриш мумкинки, ҳозиргача мавжуд ҳужжатлар асосан Европа, Америка ва Африка қитъаларигагина тааллуқли, холос.

Халқаро хусусий ҳуқуқда хорижий ҳуқуқ нормалари мавзусида тадқиқот иши олиб борган В.Л.Толстых ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларини юқоридаги каби ҳуқуқий тизимлар асосида таснифлашни илгари суради ва ўз ўрнида халқаро ҳуқуқда барча ҳуқуқий тизимлар ёки ҳуқуқий нормалар андозаси асосан Европа континентидан олинишини таъкидлайди.

Бизнингча В.Л.Толстых фикрларини инкор этиб бўлмайди, чунки, халқаро ҳуқуқ меъёрлари бошқа ҳуқуқ меъёрлари (Рим, Миср ёки Хитой ҳуқуқи)дан фарқли равишда бирмунча кейинроқ шаклланган бўлсада, бироқ замонавий дунёнинг демократик тамойиллар устуворлигига қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Афсуски, болалар ҳуқуқларини таъминлаш мураккаб ва муаммоли бўлган, қолаверса ер юзи аҳолисининг энг катта қисмини қамраб олган, шунингдек энг кўп бола ҳуқуқлари бузилиши кузатилаётган Осиё минтақасига оид бундай ҳужжат ҳали ишлаб чиқилмаган. Бу эса мазкур минтақада инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмнинг йўқлиги ва бу соҳада давлатлараро минтақавий ҳамкорлик жуда ҳам суст эканлиги билан изоҳланади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби универсал ҳужжатлари борки, уларда баён этилган ҳуқуқлар барча болаларга ҳам тааллуқлидир.

Бола ҳуқуқларига оид ҳужжатларни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари асосида кўриб чиқсак қуйидагича таснифлаш ҳолати вужудга келади.

Аввало, БМТнинг ЮНЕСКО, ХМТ каби ихтисослашган ташкилотлари ҳужжатлари. Масалан, 1960 йилдаги “Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция”, “Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисидаги 138-сонли конвенция”, “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва уларни тугатиш бўйича тезлик билан чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги 182-сонли конвенция”, “Меҳнат соҳасида асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар ва уларни амалга ошириш механизми тўғрисида”ги ХМТнинг 1998-йил 19-июнда қабул қилиниб, 2022 йилда тўлдиришлар киритилган Декларацияси, шунингдек, ХМТнинг 79-сонли “Болалар ва ўсмирларнинг sanoатдан ташқари ишларда тунги меҳнати чеклаш тўғрисидаги конвенция”си ва 90-сонли “Sanoатдаги ўсмирларнинг тунги ишлаши тўғрисидаги конвенция”си кабилар. Бундан ташқари, бола ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган алоҳида ижтимоий гуруҳлар (аёллар, ногиронлиги бўлган болалар) ҳуқуқларини тартибга солишчи халқаро шартномалар ва муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳасини (жиноят ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи) қамраб олувчи универсал ҳужжатлар ҳам шулар жумласидандир.

Навбатдаги таснифга БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ювенал юстицияга оид ҳужжатларни

киритишимиз мумкин. Буларга мисол сифатида 1985 йилдаги “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари” (“Пекин қоидалари”), 1990 йил 14 декабрда Бош Ассамблеянинг 45/112-сонли резолюцияси билан қабул қилинган “Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари” (“Ар-Риёд дастурий принциплари”), 1990 йил 14 декабрда Бош Ассамблеянинг 45/113-сонли резолюцияси билан қабул қилинган “Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари” ни келтириш мумкин.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 1990-йил 1-декабрдаги 45112 қарори билан қабул қилинган ва эълон этилган “Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари” ҳам мавжуд.

Мазкур категориядаги ҳужжатлар ювенал юстиция соҳасидаги халқаро стандартларнинг асоси бўлиб хизмат қилади, яъни ювенал юстиция соҳасидаги халқаро стандартлар – балоғатга етмаган бола тўғрисида, у содир этган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида, унинг жиноий ва бошқа хил юридик жавобгарлиги, давлатнинг бундай ҳуқуқбузарликка нисбатан жазолаш ёки шу каби мажбурий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш кўринишидаги муносабати ва ниҳоят, жиноий юстиция таъсир доирасига тушиб қолган балоғатга етмаган бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилиш концепциясининг асосий меъёрлари тўғрисидаги юридик доктринанинг асосий қоидаларини ташкил этади.

**Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг таснифи биринчидан, бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва тўғри тушунишга ёрдам берса;**

**иккинчидан,** бола ҳуқуқларига оид халқаро шартнома-ларни таснифлаш, улар асосида қабул қилинган ёки халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига мувофиқлаштирилган миллий қонун ҳужжатларини ва уларнинг нормаларини ўрганишни осонлаштиради. Бу эса, халқаро нормалар асосида миллий қонунчиликни такомиллаштиришни, янги механизмларни имплементация қилишни, уларни амалиётда қўллашга оид тартибларни ишлаб чиқиш, тадқиқ қилиш ва ўрганишда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади;

**учинчидан,** мазкур классификациялаш асосида дунё миқёсида бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий базанинг ривожланиш ҳолатини кўриш мумкин, бунга универсал миқёсда, ҳамда минтақавий миқёсда ривожланиб бораётган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш орқали эришишимиз мумкин, шу билан бирга бу ривожланиш бир текисда ҳар бир минтақада ҳам бир хил кетмаётганлигини кўриш имконини яратиб беради. Шунингдек, шу билан бирга, турли минтақалардаги давлатларнинг сиёсий, иқтисодий тузумидаги фарқлар, уларнинг диний ва маданий хилма-хиллиги каби омиллар бу соҳадаги давлатларнинг минтақавий интеграциясига таъсир қилувчи омиллар эканлигини тушунишга ёрдам беради;

**тўртинчидан** эса, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни классификациялаш орқали келгусида ҳудудлар, соҳалар ҳамда субъектлараро ва ваколатли органлараро камчиликларни аниқлаш, уларни қиёсий таҳлил қилиш, мавжуд бўшлиқларни тўлдириш имкони вужудга келади;

**бешинчидан,** айтиш керакки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида бир жиҳати уларнинг кодификацияланмаганлиги бўлиб, ҳар бир ижтимоий муносабат ёки фавкулдда ҳолатга оид протокол ёки қарор қабул қилинади ва бу ўзига хос процедураларни талаб этади, айнан халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни классификациялаш келгусида нафақат мазкур ҳужжатларни, балки ижтимоий муносабатларни ҳам башорат қилиш фаолиятини ривожлантиришга, халқаро ташкилотлар ва миллий механизмлар ўртасидаги алоқаларнинг мустақамланишига хизмат қилади.

**Шахноза ГАНИБАЕВА,**

Юристлар малакасини ошириш маркази  
доценти, юридик фанлар номзоди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Geneva Declaration of the Rights of the Child, 1924. <https://www.humanium.org/en/geneva-declaration>.
2. ILO Declaration on Fundamental Principles and Rights at Work. <https://www.ilo.org/declaration>.
3. Капинус О.С. Теория государства и права : учебник / отв. Ред. О.С.Капинус; науч. ред. И.В.Гончарев, А.А.Опалева. Москва: Проспект, 2022. -512 с. –С. 186-189.
4. Лобанова Т.В. Правовое положение ребенка в России и Великобритании (Англии): теоретико-правовой анализ: дис. ... канд. юрид. наук. Уфа, 2006. 171 с.
5. Leitfaden für Kinder und Jugendliche zur Strategie des Europarats für die Rechte des Kindes (2022-2027). <https://rm.coe.int/coe-children-deutsch>
6. Лаврищева О.А. Классификация прав ребенка: теоретико-правовой аспект // Аграрное и земельное право. 2019. № 11(179)
7. Муминов А.Р., Тиллабаев М.А. Бола ҳуқуқлари: Дарслик / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: “Адолат” нашриёти, 2014. – 696 бет.-Б. 70.
8. N.Firhall. Children’s Views on Children’s Rights: A Systematic Literature Review // In: The International Journal of Children’s Rights. Online Publication Date: 12 Nov 2021. [https://brill.com/view/journals/chil/29/4/article-p835\\_835.xml](https://brill.com/view/journals/chil/29/4/article-p835_835.xml).
9. Переверзева Е.С. Международный опыт обеспечения защиты прав несовершеннолетних // Фундаментальные исследования. – 2015. – № 2 (часть 10) – С. 2282-2285.
10. Convention against Discrimination in Education (1960). <https://unesdoc.unesco.org>.
11. C138 - Minimum Age Convention, 1973 (No. 138).<https://www.ilo.org>.
12. C182 - Worst Forms of Child Labour Convention, 1999 (No. 182).
13. C079 - Night Work of Young Persons (Non-Industrial Occupations) Convention, 1946 (No. 79).
14. C090 - Night Work of Young Persons (Industry) Convention (Revised), 1948 (No. 90).
15. Толстых В.Л. Курс международного права : учебник, - Москва : Проспект, 2019, -736 с. –С. 525-527.
16. United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (The Beijing Rules) Adopted 29 November 1985 BY General Assembly A/RES/40/33.
17. United Nations Guidelines for the Prevention of Juvenile Delinquency (The Riyadh Guidelines) Adopted 14 December 1990 BY General Assembly resolution 45/112.
18. United Nations Rules for the Protection of Juveniles Deprived of their Liberty <https://www.ohchr.org/>
19. <https://www.ilo.org/dyn/normlex>. C005 - Minimum Age (Industry) Convention, 1919 (No. 5)

## МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ УСУЛИ ВА МУАММОЛАРИ

**Маънавий зарар – шахсга ҳуқуқбузар томонидан етказилган азоб бўлиб, камситиш, таҳқирлаш, умидсизлик, қўрқув, оғриқ, нафас қисшиши ва бошқа кўринишларда намоён бўлади.**

**Шу ўринда муҳим бир савол тугилади. Хўш, маънан азоб кўрган шахснинг зарарини қоплаш қандай усулда амалга оширилади?**

ФКнинг 1022-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, маънавий зарар пул шаклида қопланиши белгиланган. Лекин ФКнинг 100-моддасида фуқаро ўзининг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахсларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли эканлиги, манфаатдор шахсларнинг талабига кўра фуқаронинг шаъни ва кадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилиши ва башарти, фуқаронинг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий-ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий-ахборот воситаларида раддия берилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Фикримизча, агар инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати оммавий-ахборот воситалари, жумладан турли хил интернет тармоқлари орқали таҳқирланган, ерга урилган бўлса ўша интернет тармоқларида ёки оммавий-ахборот воситаларида раддия берилмас экан, шаъни топталган инсонга қанча пул берилмасин унга етказилган маънавий зарарнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди ва бу инсон энг аввало ушбу ҳолатда раддия ҳамда кечиримни талаб қилади.

Демак, бундан кўриниб турибдики, етказилган маънавий зарар фақат пул шаклида эмас, балки бошқа моддий шаклда, масалан, жабрланувчининг ҳаётини эҳтиёжини қондирувчи ашёнинг топширилиши ёки унга нисбатан турли хил хизматларнинг бажарилиши орқали ҳам қопланиши мумкин.

Айтилик, зарар етказувчи корхона оғир молиявий инқирозни бошдан кечирмоқда ва айнан пул шаклида маънавий зарарни қоплаш учун айланма воситалар мавжуд эмас. Ушбу ҳолатда жабрланувчи билан ҳуқуқбузар ўртасидаги келишувга мувофиқ маънавий зарар бошқа моддий шаклда (масалан: компьютер, телевизор, музлаткич ва х.к.) ёки номоддий шаклда (масалан: раддия, кечирим) билан ҳам қопланиши мумкин. Қолаверса, айрим фуқароларнинг иқтисодий аҳволи қийинлиги маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ суд қарорларининг ўз вақтида ундирилмай қолишига олиб келмоқда. Судлар жавобгарнинг молиявий аҳволи билан боғлиқ ижро босқичида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарориди ҳуқуқбузарнинг мулкий аҳволига таъсир қилмайдиган ва ундирилиши аниқ бўлган суммани кўрсатишлари лозим. Демак, маънавий зарарни ундириш амалиётида фақат пул шаклини эмас, балки бошқа моддий ва номоддий шакллардан ҳам фойдаланиш, бу борада тарафлар ўртасидаги келишувларга йўл қўйиш жисмоний ва руҳий азоблар учун тўлов белгиланиши реал ва муносиб усули ҳисобланиши мумкин.

МДҲга аъзо давлатларнинг фуқаролик қонунчилигида ҳам бу борада турлича ёндашувлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Масалан, РФ ФКнинг 1101-моддаси биринчи қисмига кўра, маънавий зарар учун тўлов пул шаклида амалга оширилиши белгиланган. Шунингдек, РФ МКнинг 237-моддаси биринчи қисмида ҳам иш берувчининг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати натижасида ходимга етказилган маънавий зарар учун тўлов пул шаклида қопланиши мустаҳкамланган. Рус олимлари маънавий зарар учун тўлов ундириш жараёнида ҳуқуқий муносабатлар 1992 йил 3 августгача вужудга келган бўлса тўлов пул ва бошқа моддий шаклда ундирилиши мумкин, агар ҳуқуқий муносабат 1995 йил 1 январдан кейин вужудга келган бўлса тўлов фақат пул шаклида ундирилиши

белгиланганлигига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайдилар. Беларусь Республикаси МКнинг 434-моддасига кўра маънавий зарар бошқа турдаги зарарларнинг ундирилишидан қатъий назар пул ёки бошқа моддий шаклда ундирилиши белгиланган.

Демак, маънавий зарарни қоплашнинг турли муқобил усуллари жабрланувчига таклиф қилиниши лозим. Бундай усуллар ҳам моддий ҳам номоддий бўлиши мумкин.

Судлар маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишларни кўришда жабрланувчининг хоҳишини ҳам инобатга олишлари лозим бўлади. Бизнингча, ҳар доим ҳам пул компенсациясини тўлаш жабрланувчиларни қониқтиравермайди ва маънавий зарарни пул билан қоплаш ҳар доим ҳам тўғри ечим бўлавермайди.

Россия Федерациясининг ЖПК 136-моддасида реабилитация этилган шахсдан унга етказилган зарар учун прокурор давлат номидан расмий равишда кечирим сўраши белгиланган. Демак, инсон кўрган маънавий зарарнинг қопланишида кечиримнинг ўрни беқиёс эканлигини ушбу қонун нормаси ҳам кўрсатиб турибди.

Маънавий зарар учун тўлов ундириш шаклини белгилашда тарафларнинг ўзаро келишувга эришишлари учун имконият яратилиши мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблайман. Маънавий зарар учун тўлов миқдорини аниқлаш жараёнида судлар жавобгарнинг молиявий аҳволи билан боғлиқ масалаларга эътибор бериши муҳим ҳисобланади. Зотан, ФКнинг 1022-моддасига кўра, маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозимлиги ҳақида кўрсатма берилади. Ўз навбатида, зарарни қоплаш миқдорининг оқилона ва адолатли бўлиши жавобгарнинг молиявий аҳволини ҳам эътиборга олишни тақозо этади.

Ўқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ФКнинг 1022-моддаси 1-қисми қуйидаги таҳрирда: “Маънавий зарар пул билан қопланади” деган жумлалар иккинчи хатбоши билан “**Маънавий зарар етказилган шахс қуйидагилардан бирини; компенсацияни (пул шаклида), моддий қийматга эга бўлган ашёни, кечирим сўрашни, раддия беришни ва қонун йўл қўйган бошқа усулларда кўрган маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга**”, деб тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, жабрланувчига етказилган маънавий зарар қандай усулда қопланмасин ушбу жабрдийданинг руҳий азобларига малҳам бўлиши, унинг жамятга аввалгидек киришиб кетишига ёрдам бериши зарур.

**Лола САИДОВА,**

*Тошкент шаҳар “ADVOKAT LOLA SAIDOVA”*

*Адвокатлик бюроси адвокати.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. 7-е перераб. и доп. Автор коммен. А.Б.Борисов. –М.: Книжный мир, 2007. –942 с.
2. Комментарий к Трудовому кодексу Российской Федерации. Под ред. проф. В.И. Шкатуллы, 4-е изд., изм. и доп. –М.: Норма, 2006. –230 с.
3. Трудовой кодекс Российской Федерации. С измен. и доп. на 15 окт. 2007 г. –М.: Эксмо, 2007. –211 с.
4. Трудовой кодекс Республики Беларусь от 26 июля 1999 г. № 296-З. Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 80, 2/70.

# ЗАМОНАВИЙ ЯПОНИЯ СУД ТИЗИМИ

*Дунёнинг энг илгор ва тараққий топган давлатларидан бири бўлган Япониянинг суд-хуқуқ тизими ўзига хослиги билан ажралиб туради.*

*Бугунги кунда Японияда беш турдаги судлар мавжуд бўлиб, суд тизими Олий суд, юқори инстанция судлари, округ судлари, умумюрисдикция ва оилавий судлардан иборат.*

Суд тизимида Олий суд раиси ва 14 нафар олий суд судьялари, 8 та йирик шаҳарлардаги юқори судларнинг раислари, 1385 нафар юқори, округ ва оилавий судьялар, 806 нафар умумий юрисдикция судлари судьялари ва 735 та судьяларнинг ёрдамчилари бор.

Судья ёрдамчилари олий маълумотли ҳуқуқшунос ёшлар орасидан тайинланади. Улар суд ишларида ҳайъат таркибида иштирок этишади, ҳозирда махсус қонунга мувофиқ камида беш йил судья ёрдамчиси бўлиб ишлаган ва Олий суд томонидан тегишли аттестациядан ўтган судья ёрдамчиси якка тартибда ўзига берилган ишларни кўриб чиқиши мумкин.

Японияда судьялар ушбу лавозимида тайинлангунга қадар, судья ёрдамчиси, прокурор ёки адвокат бўлиб камида 10 йил ишлаган бўлиши лозим. Шунингдек, судларда судья ва унинг ёрдамчисидан ташқари, суд тергов (ёки тадқиқот) бўлими ходимлари, суд котиблари, оилавий судларнинг ходимлари, суд стенографлари ва суд хизматчилари ҳам бўлиб, булар жами 22000 штат бирлигини ташкил этишади.

Суд тергов бўлимидаги ходимлар судья кўрсатмаси билан муҳокама қилинаётган иш бўйича текширувлар ўтказишади. Суд тергов бўлими ходимлари биздаги эксперт-мутахассисларга ўхшаш бўлиб, улар одатда ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва солиқлар бўйича мутахассислардан иборат. Суд тергов бўлими ходимлари Токио, Осако ва бошқа йирик шаҳар судларида фаолият юритишади, чунки бу шаҳар судларида кўплаб мураккаб ишлар кўрилади.

Оилавий судларнинг тергов ходимлари кўпроқ ижтимоий соҳа вакиллари бўлишади, яъни психолог, социолог ва педагоглар. Улар оилавий судларга тааллуқли оилавий низоларни ҳал этиш ёки вояга етмаган шахсларни реабилитация қилиш ҳамда уларнинг тарбияси бўйича тегишли текширишларни ўтказиб, судга ўзларининг асослантирилган хулоса ва тавсифларини беришади.

Суд котиблари тегишли имтиҳонларни топширган, юриспруденция бўйича маърузалар ва амалий машғулотлардан, суд ёзувлари ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсларидан ўтганлар ичидан танлаб олинади. Котиблар биздаги судья ёрдамчиларининг вазибаларни бажаришади, яъни улар суд жараёнларида иштирок этиб, судьяга суд ҳужжатларини тайёрлашда кўмаклашади, суд жараёни ҳақида тарафларга хабар беришади ва судьянинг ишларни мазмунан кўриб

чиқиш билан боғлиқ топшириқларини бажаришади.

Суд стенографлари суд мажлиси ва жараёнларнинг стенография ёзувларини юритиш учун масъул ҳисобланишади. Бундан ташқари, Япония суд тизимида суд хизматчилари ҳам бўлиб, улар асосан суд девонхонаси ва архив ишларини юритишади.

Худди биздагидек, Японияда ҳам судларда давлат айблови прокурорлар томонидан амалга оширилади. Судда иштирок этувчи прокурорлар суд биносида ишлашади, шу ерда хизмат хоналарига эга. Прокурорлар судга жазо масаласида фикрини баён этишади ва суд қарорларининг бажарилишини назорат қилишади. Шунингдек, прокурорлар маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий ишларда ҳам иштирок этиб, ўз ваколатларини амалга оширадilar.

Умуман, прокурорлар судда давлат айбловларини кўйиш бўйича белгиланган ваколатларга эга, яъни улар айбловни қувватлаши ёки ундан воз кечиши ҳам мумкин, агар прокурор давлат айбловидан воз кечса жиноят иши судда шахсга жазо тайинланмай тугатилади.

Японияда адвокатлар судларда тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишади, томонларга маслаҳатлар беришади, улар ўртасида шартномалар тузишда иштирок этишади. Бундан ташқари, адвокатлар низоларни судга қадар ҳал қилиш, низолашаётган тарафларни яраштириш чораларини кўриш ҳуқуқига эгадирлар.

Одатда жиноят содир бўлганда полиция жиноятни фош этиш, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, уларни қидириш, далилларни тўплаш бўйича суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб боради. Жиноят содир этган шахс ушлангач полиция томонидан ҳибсга олиниб, иш прокурорга юборилади.

Штат прокурорлари жиноят иши бўйича полицияга кўшимча тергов ҳаракатларини ўтказишни буюриши ёки ўзи тергов ўтказиши мумкин, Японияда прокурорлар барча турдаги жиноятларни тергов қилиш ҳуқуқига эга.

Тергов якунлангач давлат прокурорлари (юқори прокурор) жиноят ишини ва далилларни текшириб чиқиб, айблов қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилади ва жиноят ишини судга юборади. Кўп ҳолларда прокурорлар томонидан кам аҳамиятли, шунингдек, вояга етмаганларга оид ишлар ва жиноят содир этган шахснинг содир этган жиноятига иқрорлиги туфайли ишни судга юбормай ҳаракатдан тугатиш амалиёти қўлланилади.

Полиция шахсни жиноят содир этганликда гунонлаб ушлагач 48 соат ичида уни ва унга оид

жиноят ишини прокурорга топширади. Прокурор иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, агар шахсни қамоққа олиш зарур деб ҳисобласа, судга санкция олиш учун мурожаат этади. Японияда ҳибсга олиш муддати ўн кун бўлиб, агар зарур сабаблар мавжуд бўлса прокурор ҳибсга олиш муддатини яна ўн кунга узайтириш тўғрисида судга мурожаат қилиши мумкин.

Давлат прокурорлари судга ёзма айблов хулосасини тақдим этиш орқали давлат айбловини кўзғатади. Давлат айбловининг икки тури мавжуд бўлиб, прокурор тўлиқ суд жараёни ўтказилишини сўраб, бу ҳақда судга илтимоснома киритиши (бунда биздагидек Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жараён ўтказилади) ёки ишни соддалаштирилган тартибда кўриб, айбланувчига жарима солиш билан боғлиқ суд жараёни ўтказилишини сўраши мумкин. Давлат айбловини прокурор қўлагани сабабли унинг илтимосномаси одатда судлар томонидан қаноатлантирилади.

Суд муҳокамаси ҳақида тарафларга хабар берилади ва айбланувчига айблов хулосаси нусхасини ҳам суд юборади. Судланувчи биринчи суд мажлисига чақирилади, зарур бўлса суд томонидан унга расмий ҳимоячи тайинланади. Сўнг, суд тарафларнинг фикрини эшитади, далилларни текширади ва томонларнинг якуний нутқини тинглаб, ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага киради. Судья маслаҳатхонадан чиқиб ўзининг ҳукмини эълон қилади ва судланувчи шахсга жазо тайинлайди, шундан сўнг ҳукми қабул қилиш сабаблари, унинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқи судланувчига тушунтирилади.

Япония суд тизимининг яна бир ўзига хос жиҳати бу – оилавий судларнинг мавжудлигидир. Бу судлар оилавий масалалар билан боғлиқ ишларни, эр-хотин ва қариндошлар ўртасидаги муаммоларни кўриб чиқади ва уларни яраштириш чораларини кўради. Яраштириш жараёнлари кўпинча судга қадар бўлади, агар тарафлар ярашмаса судья суд жараёнида ҳам уларни яраштириш ва оилани сақлаб қолиш имкониятларидан фойдаланади.

Оилавий судьялар оила, фарзанд, мол-мулк ва никоҳ билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишади. Бу тоифадаги ишлар ёпиқ судларда соддалаштирилган тартибда кўрилади.

Вояга етмаганлар ишлари ҳам оилавий судлар томонидан кўриб чиқилади. Япония қонунларига мувофиқ жиноят содир этганда 14 - 20 ёш оралиғида бўлган шахслар вояга етмаганлар ҳисобланади.

Жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларнинг ишлари одатда полиция, прокуратура ёки болаларни сақлаш марказлари томонидан оилавий судларга юборилади. Оилавий судлар судьялари вояга етмаганларга оид ишларни қабул қилганда, ишнинг юрисдикциясини, ёшга бўлган талабларни ва жиноят ёки ҳуқуқбузарлик ҳолатини текширади. Агар ушбу талаблар бажарилган бўлса, судья оилавий суд-

даги тергов ходимларига тегишли тартибда тергов ўтказишни буюради.

Оилавий суднинг тергов ходимлари (экспертлар) психология, социология, педагогика ва бошқа йўналишлар бўйича ўз тажрибаларидан фойдаланиб вояга етмаган шахсни, унинг ота-онаси, васий ёки бошқа манфаатдор шахсларни суд идорасига чақиришади, иш тафсилотлари ва бошқа ҳолатлар бўйича сўровлар, психологик тестлар ўтказишади. Шунингдек, экспертлар вояга етмаган шахснинг тарбияланиш муҳити, унинг руҳияти, ўқиши, касбга йўналтирилгани, яқинлари ва бошқа ҳолатларни ўрганишади, вояга етмаган шахс яшайдиган уйга ташриф буюришиб, у ердаги шароитларни ҳам кўриб чиқишади.

Экспертлар тергов (тадқиқот) натижалари ҳақида хулосаларини тузиб, судьяга вояга етмаган шахс ва унга оид иш бўйича тўлиқ асослантирилган маълумотларни топширишади ҳамда суд муҳокамасида бу хулосаларни баён этишади. Лозим бўлса, ишни кўриб чиқаётган судья вояга етмаганнинг жисмоний ва руҳий ҳолатини тўлиқроқ ўрганиш ёки уни бошқа таъсирлардан ҳимоя қилиш учун ушлаб туриш ёки тўрт ҳафтагача ҳибсга олиш ҳақида қарор қабул қилади. Айрим ҳолларда судья суд тергови ходимларининг фикри билан ишни муҳокама этмай ҳам қайтариши мумкин.

Судья ишни кўриб, вояга етмаган судланувчига синов муддати белгилаши, унга васий тайинлаши ҳамда вояга етмаганни васийнинг тўлиқ назорати остига топшириши ва унинг хулқини тузатиш, реабилитация қилиш ёки вояга етмаган шахсни тўрт ойгача махсус мактабга юбориб, уни тарбиялаш чораларини кўриш ҳақидаги қарорлардан бирини қабул қилади.

Японияда ҳам судларда жамоатчилик вакиллари суд жараёнларида иштирок этишади, одатда бу комиссия фуқаролик ва оилавий ишларда қатнашади. Комиссия аъзолари бенуқсон характерга ва чуқур тушунчага, кенг билим ва тажрибага эга бўлган фуқаролар орасидан танланади.

Умуман олганда, Япония ва бизнинг суд-ҳуқуқ тизимларимизда ўхшаш жиҳатлар кўп. Шу билан бирга, Япония суд тизимида катта ўрин тутган оилавий судлар ва уларнинг фаолиятини ўрганиб Ўзбекистонда ҳам ушбу судларнинг жорий этилгани мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз, чунки жамиятнинг дастлабки бўғини бўлган оила ва унинг ҳаётимизда тутган ўрни жуда юқори, шунингдек, юртимизда давлат ҳам оила институтига катта эътибор қаратган. Вужудга келган низо ва келишмовчиликларнинг оила иштирокчилари ҳамда малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда оилавий судлар томонидан ҳал этилиши жамиятдаги кўплаб муаммоларнинг ҳал этилиши ва содир этилиши мумкин бўлган кўплаб жиноятларнинг олдини олишда муҳим омил бўлади.

**Зафаржон ОМОНОВ,**

*жиноят ишлари бўйича Кува тумани судининг раиси.*

# ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ЯРАТИШ ИМКОНИАТЛАРИ

*Халқаро ҳуқуққа кўра, қийноқлар – инсониятга қарши жиноятдир. Бу борада қабул қилинган барча ҳужжатларда қийноқлар қатъиян тақиқланади ҳамда қийноққа солиш ҳолатини оқлашга ҳеч қачон йўл қўйилмайди, дейилади.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай ноқонуний усулларни қўллаган шахсларни муқаррар жавобгарликка тортиш, қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш, у билан боғлиқ мурожаатларни тезкор ва холисона кўриб чиқиш, озодликдан маҳрум этилган шахслар сақланадиган жойларга мониторинг таширфларини мунтазам амалга ошириш бўйича самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш зарурати юзага келган.*

Озодликдан маҳрум этилган шахслар сақланадиган жойларга мониторинг таширфларини мунтазам амалга ошириш орқали қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларининг олдини олиш, мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда айбдорларни жазолаш тизимини янада такомиллаштириш назарда тутилади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний асосларини такомиллаштиришга қаратилган кўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ. Бунда қийноқларнинг олдини олиш бўйича ушбу механизмни такомиллаштириш зуруриятини қуйидагилар билан асослаш мумкин.

**Биринчидан**, мамлакатимизда қийноқларнинг олдини олиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириладиганига қарамадан, қийноққа солиш билан боғлиқ ҳолатларнинг учраб туриши фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқараётгани қийноқларнинг олдини олишнинг амалдаги механизмларини такомиллаштириш ва янги механизмларни жорий этишни тақозо этмоқда.

**Иккинчидан**, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича ва Қийноққа қарши қўмиталарининг Ўзбекистон Республикасининг даврий ҳисоботларини кўриб чиқиш яқунлари бўйича берган якуний мулоҳазаларида қийноққа солиш ҳолатлари тўғрисида хабар бериш тизимини такомиллаштириш орқали қийноқларнинг олдини олиш бўйича бир қатор тавсиялар назарда тутилган.

**Учинчидан**, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг Ўзбекистоннинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бажарилиши бўйича тақдим этган бешинчи даврий ҳисоботи юзасидан тақдим этган Якуний мулоҳазалари бўйича берган 25.b. ва 25.d. тавсияларида қийноққа солиш жиноятини содир этган шахсларни жазога тортиш ва жабрланувчилар томонидан қийноққа солиш ҳолатлари тўғрисида хабар беришнинг самарали механизмларини жорий этиш назарда тутилган. Қийноққа

қарши қўмитанинг Ўзбекистонда Қийноққа қарши конвенциянинг бажарилиши бўйича тақдим этган бешинчи даврий ҳисоботи бўйича берган якуний мулоҳазаларида (46.а. – f. тавсияларида) қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний ва ташкилий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялари берилган.

**Тўртинчидан**, қийноқ билан боғлиқ ҳолатлар мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузига, шу жумладан иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги ўрнига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларнинг қонуний асосларини яратиш эса мамлакатнинг халқаро имиджига ижобий таъсир кўрсатади.

**Бешинчидан**, Ўзбекистон БМТ Тараққиёт дастурининг Инсон камолоти индексида 101-ўринни, Жаҳон банкининг бошқарув сифати индикаторларининг сиёсий барқарорлик ва зўравонлик йўқлиги субиндикатори бўйича 130-ўринни, қонун устуворлиги субиндикатори бўйича 168-ўринни, “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳуқумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индексининг асосий (фундаментал) ҳуқуқларнинг таъминланганлиги индикатори бўйича эса 107-ўринни эгаллаб турибди.

Миллий превентив механизми фаолиятини йўлга қўйиш борасида хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенцияга доир Факультатив протоколнинг (кейинги ўринларда – Факультатив протокол) 3 ва 17-моддаларида ҳар бир иштирокчи давлат миллий даражада қийноқларнинг олдини олиш учун бир ёки бир нечта мустақил миллий орган – миллий превентив механизм (МПМ) ташкил этиши, қўллаб-қувватлаши ёки тайинлаши лозимлиги белгиланган. МПМ давлат томонидан Факультатив протокол талабларини амалга ошириш учун ташкил қилинган ташкилот ҳисобланади.

Факультатив протоколда МПМнинг маълум бир шакли ёки тузилмаси назарда тутилмаган. Бунда дав-

латларга бир ёки бир нечта МПМ ташкил этиш ёки амалдаги муассасаларга унинг ваколатларини бериш белгиланган. Бироқ, Факультатив протоколда МПМ эга бўлиши керак бўлган минимал талаблар мавжуд. Булар, мустақиллик (идоравий, вазифа ва ваколатлари) ҳамда етарли ресурсларга эга бўлиши (молиявий, ташкилий ва ходимлари) лозимлиги.

Инсон ҳуқуқларини рағбатлантирувчи ва ҳимоя қилувчи миллий институтларнинг мақомига оид принциплари (Париж принциплари) га мувофиқ, молиявий мустақиллик МПМ учун фундаментал талаб бўлиб ҳисобланади. Бусиз МПМ ўз ваколатларини амалга ошира олмайди ва қарорлар қабул қилишдаги мустақиллигидан тўлиқ фойдалана олмайди.

Хорижий мамлакатларнинг аксариятида МПМ уч хил шаклда фаолият юритади: “Омбудсман +” ва алоҳида муассаса ёки инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт. Бир қатор мамлакатларда, хусусан, Қозоғистон, Арманистон, Дания, Словения, Молдавия, Украина, Сербияда МПМ Омбудсман + моделида фаолият юритади. Бунда МПМ ваколатлари Омбудсман томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Ушбу моделда нафақат Омбудсман ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга ташриф буюриши ва мониторингни амалга ошириши, балки Омбудсмандан ушбу ваколатни олган фуқаролик жамияти институтлари ҳам ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга ташриф буюриши ва у ерда инсон ҳуқуқлари таъминланганлигини мониторинг қилиши ва аниқланган ҳолатлар бўйича Омбудсманга хабар бериши ёки ўзлари мустақил вазиятни яхшилаш бўйича маҳаллий ижро этувчи органларга тавсиялар бериши мумкин.

**Словенияда** Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсман МПМ ни амалга оширувчи этиб белгиланган. Бу ерда МПМ ваколатларини амалга оширишга ёрдамчи сифатида 6 та жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатади. Булар: Тинчлик институти, Ахборот-ҳуқуқий маркази ноҳукумат ташкилоти, Словения Қизил хоч ташкилоти, Примус институти, Янги парадокс ва Словения пенсионерлар ассоциациясидир. Ташриф буюрувчилар жамоаси Омбудсман вакили, мустақил эксперт ва ноҳукумат ташкилоти аъзоларидан иборат бўлади.

**Украина** Олий Радаси томонидан 2012 йил 2 октябрда қабул қилинган “Украина Олий Радасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Вакилга Факультатив протоколга мувофиқ МПМ функциялари юклатилди. МПМ функцияларини бажариш учун Вакил шартнома асосида (пуллик ёки бепул) нодавлат ташкилотлари вакиллари, экспертлар, олимлар ва мутахассисларни (чет эллик бўлиши ҳам мумкин) мунтазам озодликдан маҳрум қилиш муассасаларига ташриф буюриш учун жалб қилади.

**Янги Зеландияда** Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия МПМ функциясини амалга оширишни мувофиқлаштирувчи орган сифатида белгиланган, шунингдек, махсус тоифадаги ҳибсхоналарни текшириш ва мониторинг қилиш учун яна тўртта МПМ тайинланган. Булар: Омбудсман, Болалар ҳуқуқлари бўйича вакил, Полиция ҳаракатлари бўйича шикоятларни кўрувчи мустақил орган, Ҳарбий жиноят-ижро муассасалари инспектори.

**Қирғизистонда** МПМ функциялари Қирғизистон Республикасининг Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазонинг олдини олиш Миллий маркази томонидан амалга оширилади. Миллий марказ мустақил орган бўлиб, фаолиятини мустақил ташкил этади ва амалга оширади. Миллий марказ фаолияти республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Қирғизистон қонунчилиги Миллий марказга ўз фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағлар миқдорини белгилаш ва харажатлар сметаси доирасида маблағларни мустақил равишда тасарруф этиш ваколатини берган.

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмига қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Миллий превентив механизми – бу қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм иштирокчиларининг жазони ижро этиш муассасаларига мунтазам мониторинг ташрифларини мустақил амалга ошириш тизимидир”.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистонда қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий тизимни умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқлаштириш масаласи кўтарилган. Мазкур долзарб масала Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида ўз аксини топган. Мамлакатимизда Миллий превентив механизми иштирокчилари қуйидагилардан иборат:**

- *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва унинг ҳузуридаги Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари;*
- *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани);*
- *Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази.*



**Миллий превентив механизм иштирокчилари ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ваколатларга эга:**

биринчи ваколати озодликдан маҳрум этиш жойларига мунтазам мониторинг таширфларини амалга оширади;

иккинчи ваколати озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш имконини берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди;

учинчи ваколати озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш имконини берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқиши мажбурий бўлган тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этади;

тўртинчи ваколати мониторинг таширфлари амалиётини умумлаштиради ва озодликдан маҳрум этиш жойларида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилади;

бешинчи ваколати қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш соҳасида амалдаги қонунчилик ёки қонун лойиҳаларига таклифлар тайёрлайди;

олтинчи ваколати инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузаларини тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнида иштирок этади.

Миллий превентив механизм иштирокчилари қийноққа солишнинг олдини олиш борасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг миллий институтлари билан ҳамкорлик қилади.

**Миллий превентив механизм иштирокчилари ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

мониторинг таширфлари амалга ошириладиган жазони ижро этувчи муассасалар ва органларда сақланаётган шахслар ва уларнинг сони тўғрисида маълумот олиш;

мониторинг таширфлари амалга ошириладиган жазони ижро этувчи муассасалар ва органларда сақланаётган шахсларнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга оид мурожаатлари,

шунингдек уларни сақлаш шартлари билан боғлиқ маълумотларга эга бўлиш;

мониторинг таширфлари амалга ошириладиган муассасалар ва органларда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари қўлланилган деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, бундай шахслар ва (ёки) уларнинг қонуний вакиллари билан гувоҳларсиз, шахсан ёки керак бўлганда, таржимон орқали суҳбатлар ўтказиш;

мониторинг таширфлари амалга ошириладиган жазони ижро этувчи муассасалари ва органларига монеликсиз таширф буюриш;

қийноқ ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан фойдаланганлик тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида биз одамнинг қадр-қиммати ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррардир”.

**Азимжон САИДОВ,**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистранти.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. БМТ ҳужжати CAT/C/UZB/5 // www.ohchr.org
2. Саидов А.Х. Қийноқлар – инсониятга қарши жиноят. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2021. – 40 бет. (“Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари” туркум рисолалар).
3. Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенция ва Қийноқларга қарши БМТ Қўмитасининг умумий тартибдаги мулоҳазалари: ҳужжатлар тўплами/Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов – Т.: Baktria Press, 2014. – 28-35 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги 392–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган 669–II-сонли Қонуни таҳририда) 209-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 169-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 29 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги УРҚ-917-сон Қонунининг 20-моддаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2024 й., 03/24/917/0170-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги ПҚ-4056-сон қарори билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисида Низомнинг 12-банди // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.03.2022 й., 07/22/180/0240-сон.

# ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕРГОВ СУДЬЯСИНING НАЗОРАТ ПРЕДМЕТИ ВА ДОИРАСИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноят процессида тергов судьясининг назорат предмети ва доирасига оид масалалар кўтарилган. Суд тизимини янги босқичга олиб чиқиш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришнинг асосий ўзига хос хусусиятлари, назорат предмети ва доирасига оид алоҳида масалаларга тўхтаб ўтилган. Шунингдек, суд назоратига оид илмий-назарий қарашлар муҳокама қилинган.

**Калит сўзлар:** суд, прокурор, назорат, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, адолат, ислохотлар, қонунийлик, тенглик ва тортишувчанлик принциплари, предмет.

Суд ва прокурор назорати механизмлари юзасидан бир қанча ҳуқуқшунос олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Бу эса жиноят ишлари бўйича суд ва прокурор назорати фаолияти миллий қонунчиликда тарихан шаклланган деб ҳисоблашга имкон беради. Аммо, терговга қадар иш юритиш, апелляция, кассация ва тафтиш қилиш жараёнида суд назоратини амалга ошириш билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжудлиги ҳақида Б.Мўминов ўз тадқиқотларида келтириб ўтган. Жумладан, жиноят ишини судга қадар юритиш жараёни устидан суд назорати механизмлари яратилмаганлиги жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятлари чекланишига сабаб бўлганлигини эътироф этиш жоиз.

Мазкур масала юзасидан ўтказилган сўровларда қатнашган респондентларнинг 87% суд назорати предмети ва чегараларини аниқлаш билан боғлиқ масалалар алоҳида қийинчиликлар туғдириши ҳақида фикр билдирганлар, чунки ЖПКда суд назорати механизмлари мавжуд эмас.

Тергов судьясининг назорат предмети ва доирасига оид масалалар юзасидан тадқиқот олиб борган З.Ф.Иноғомжонова суд назорати судгача бўлган босқичда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, жиноят ишини юритишга тўсқинлик қилиш, далилларни тўплаш, шунингдек, жиноят ишини юритувига масъул бўлган мансабдор шахсларнинг ҳаракати ва қарорлари устидан берилган шикоятга нисбатан рад этиш тарзидаги фаолиятини суд назоратининг предмети сифатида баҳолаган.

Шу ўринда тергов судьяси назорати предмети ва доираси каби масалалар борасида хориж тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, Молдова Республикаси ЖПКнинг 8-боби “Судгача бўлган процессуал ҳаракатлар устидан суд назорати”, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 8-бўлими “Судгача бўлган иш юритишда суд контроли”, деб номланган. Ушбу давлатлар жиноят процессуал қонунчилигида суд контролига оид масалаларни таҳлил қилиш жараёнида қуйидагилар аниқланди: биринчидан, суд контроли яхлит тизим (боб, бўлим ёки моддалар кетма-кетлигида ажратилган) сифатида тузилишига (модел) эгаллигини кўришимиз мумкин, иккинчидан, уларнинг ўзига хослиги шундаки, юқорида келтирилган икки давлат тергов судьясининг контролга доир ваколатлари ва масалалари жуда ўхшашдир. Аммо, Украина Республикасининг жиноят процессуал қонунчилиги (247-модда) ва Қозоғистон Республикасининг жиноят процессуал қонунчилиги (55-модда) тергов судьяси назорат масалаларини алоҳида боб ёки бўлим сифатида ажратмаган, аксинча тергов судьясининг ваколатлари тўғрисидаги қондалардан келиб чиқиб, суд назорати предмети белгилаб берган. Ушбу ваколатлардан келиб чиққан ҳолда, судгача бўлган иш юритиш устидан суд назорати функциясини амалга оширадиган суд ҳокимиятининг мустақил вакили сифатида қаралади. Суд назорати бўйича Қирғизистон ва Молдова Республикаларининг қонунчилик меъёрларини ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган учта ваколатлар гуруҳига ажратиш мумкин: а) суд санкцияси (ажрим) бериш; б) исботлаш доирасидаги ваколатлари; в) жиноят ишини юритувчи органларнинг ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини суд томонидан текширишга тааллуқли масалалар.

Суд санкцияси ёки эҳтиёт чораларини қўллаш билан боғлиқ суд назорати дастлабки тергов иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган айрим тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатларини амалга оширишга санкция бериш ҳамда процессуал мажбурлов чораларини қўллашга доир суд фаолиятини ўз ичига олади. Чунончи, қамоққа



олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида кўрсатилган. Олий суд Пленуми қарорининг “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 1-бандида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларида мустаҳкамланган қоидаларига мос бўлиб, жиноят ишида таъқиб қилинаётган ёки гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси самарали бўлишига эришишга қаратилганлиги айтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 7-бандида гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим элементларидан бири қонун томонидан унга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья)нинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан белгиланган тартибда шикоят бериш ҳуқуқининг берилишидир.

Шу боис, бизнингча тарафларнинг судга далилларни тақдим этиши ва материаллар билан танишиши, судда томонларнинг важларини эшитиши ҳақиқатан ҳам суд назорати жараёнида содир бўлиши лозим, чунки Қонунда томонларнинг суд муҳокамаси бошланишидан олдин (эҳтиёт чорасини қўллаш) тергов судьясига тақдим этилган барча материаллар билан танишиш ҳуқуқи тўғридан-тўғри назарда тутилмаган. Кўпгина ҳолларда тарафлар томонидан судга тақдим этилган материаллар билан танишиш ҳақиқатда суд муҳокамаси давомида амалга оширилади. Яъни, шикоятнинг суд томонидан кўриб чиқиши тайинлангунга қадар эътироз билдиришга ёки кўшимча материаллар тақдим этишга ҳақли эмас, тергов судьясига бундай ваколатларининг берилиши келгусида тақдим этилган материаллар билан танишиб чиқишга имкон беради.

Айтиш жоизки, жиноят ишини кўзғатиш босқичида тезкор-қидирув, дастлабки тергов органларининг фаолиятини назорат қилиш муҳим ҳисобланади. Негаки, жиноят иши кўзғатиш босқичида жиноят белгиларининг мавжудлиги (йўқлиги) тўғрисидаги масала тўғри ҳуқуқий баҳоланиши лозим. Чунки айнан шу босқич иш бўйича кейинги тергов ҳаракатларини олиб бориш истиқболга таъсир қилади. Бу ўз навбатида, далилларни тўплаш ва қонунийлаштириш учун кенг имкониятлар яратади. Бундан ташқари, жиноят ишини кўзғатиш босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тезкор-қидирув, дастлабки тергов ҳаракатларни амалга оширишда шахс ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказишнинг олди олинади, яъни айбсиз шахсни била туриб жиноий жавобгарликка тортиш ёки уни ноқонуний равишда озод қилиш, ашёвий далилларни йўқотиш ва бошқалар билан боғлиқ кабилар. Демак, назорат жиноят ишини кўзғатиш босқичида ҳамда дастлабки

тергов босқичида оқибатларга олиб келадиган ҳаракатлар устидан амалга оширилиши мумкин.

Назорат фаолияти мазмунининг бундай тузилиши жиноят иши бўйича судгача бўлган иш юритишда назоратнинг узлуксизлик хусусиятга эга эканлигини ҳамда назорат ваколатли шахсларнинг хоҳишидан қатъий назар амалга оширилишини назарда тутди. Бу хусусият назорат элементлари сифатида фаолиятнинг императив хусусияти мавжудлигини билдиради.

Н.Ковунтон ва Р.Ярцевларнинг таъкидлашича, суд назоратининг хусусиятлари умумий тамойилларга асосланиши лозим, яъни қонун устуворлигини таъминлаш; ҳуқуқбузарликларга тез ва самарали жавоб бериш; шахснинг бузилган ҳуқуқларини уларни чеклашнинг конституциявий белгиланган имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тиклаш; тезкор-тергов қарорларни қабул қилиш ҳолатларини ҳар томонлама текшириш ва тўлиқ ўрганиш; назорат фаолияти натижалари бўйича асослантирилган қарорлар қабул қилиш. Албатта, суд назорати жараёни шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида эътироф этилади.

## ЯХШИ БИР ДАЛИЛ

*Кунлардан бир кун Халифа Маъмун вазири Ҳасан Солдан сўради:*

*– Биздан олдин ўтганларнинг сўзлари бизга хужжат – йўлланма бўляпти. Биз унга кўра амал қиляммиз. Бунинг сири нимада экан?*

*Вазир шундай деб жавоб берди:*

*– Агар улар чиройли сўз ва ишонарли далил бўлмаганида, бизгача етиб келмасди. Яхши бўлгани учун ҳам биздан олдингилар кўриб, ишониб қабул қилишган... Бу шуни кўрсатяптики, аجدодларимиз яхши, рост ва мустаҳкам сўзлашар экан.*

*Халифа Маъмуннинг бу жавобдан кўнгли тўлди ва шундай деди:*

*– Яхши сўз айтилган жойида қолмас, асрлардан ошар, ҳеч қачон толмас.*

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорларининг қонунийлиги ва асослилигининг суд томонидан назорат қилиниши ҳақиқатни рўёбга чиқаришдир, аммо тергов судьяси ваколатларини дастлабки тергов органларининг ваколатлари билан алмаштирмаслик лозим, балки унга тергов судьяси томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган муҳим институт ёки механизм (ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва қарорларнинг асослилиги ва қонунийлигини текшириш, тортисувчанликни таъминлаш, далилларни тақдим этишда тенглик, шикоят қилиш конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш) деб қараш лозим.

Шундай қилиб, тергов судьяси ваколатларини суриштирувни, терговни олиб борадиган мансабдор шахс ваколатлари билан алмаштирмаслик лозим. Бу ҳақда Л.В.Головко, тергов судьяси ва прокурор назорат ваколатлари ўртасидаги фарқ улар фаолиятининг мақсадларига боғлиқлиги, тергов судьяси шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилса, прокурор оммавий манфаатларни таъминлаши ҳақида фикр юритган.

Б.Мўминовнинг таъкидлашича, суд назорати чегараси деганда ишнинг суд назорати тартибидан кўриб чиқиш мумкин бўлмаган ҳолатларини тушуниш лозим. Суд назоратининг функцияси ва жиноят процессидаги ролини аниқлаш учун суд назорати чегарасини аниқлаш жуда муҳим.

Агарда тергов судьясининг вазифасини таҳлил қиладиган бўлсак, тергов судьяси жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги, ишончлилиги, холислиги, далилларга объектив баҳо бериши ва асослилигини суд томонидан назорат қилишдан иборатдир.

### 3. Иноғомжонова ҳам ўз тадқиқотларида суд назоратининг прокурор назоратидан фарқли жиҳатларини очиб берган:

- а) суд назорати прокурор назорати ўрнини боса олмайди ва унга халал бермайди;
- б) суд назорати прокурор назорати элементларини такрорламайди;
- в) суд назорати прокурор назоратидан ваколати, мақсади, вазифаси, моҳияти, тааллуқлилиги, объекти ва чегарасига кўра тубдан фарқ қилади;
- г) дастлабки терговдаги суд назоратида судья терговчининг фаолиятига аралашмайди;
- д) суднинг ваколати прокурорнинг мажбурлов чоралари қўллашга руҳсат олиш масаласида илтимос билан мурожаат қилишига, тушган шикоят, аризаларни холисона ҳал қилишига боғлиқ. Суд назорати бошқа назоратлардан қонун бузилишининг олдини олиши, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши ва назоратнинг давомийлиги билан фарқ қилади. Шунини таъкидлаш лозимки, прокурор

*топширик, кўрсатма, буйруқ, протест келтириши, қарор чиқариши мумкин, лекин биронта ҳуқуқий ҳужжатни бекор қила олмайди ёки ижросини тўхтата олмайди. Қонунда бундай ваколат прокурорга берилган эмас.*

Тергов судьяси томонидан назоратни амалга ошириш чегаралари бевосита унинг предметиға боғлиқ, яъни суд қарори билан амалга ошириладиган ва унинг чегарасидан ташқарига чиқиш ҳуқуқига эга бўлмаган процессуал ҳаракатлар доираси билан боғлиқ.

Юқоридагиларни умумлаштириб хулоса қилишимиз мумкинки, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув, дастлабки тергов устидан тергов судьяси назорати предметиға инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов органи томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш, агарда бузилиш фактлари аниқланган тақдирда прокурорга бу ҳақда хабар беришни назарда тутати.

**Бахтиёр ИБРОХИМОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори, 19.12.2003 йилдаги 17-сон.
2. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари Юридик фанлари доктори дисс. автореф. -Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2006.- 106 б.
3. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари Юридик фанлари доктори дисс. автореф. -Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2006.- Б. 289.
4. Ковтун Н.Н., Ярцев Р.В. Судебный контроль за законностью и обоснованностью действий и решений должностных лиц, осуществляющих уголовное судопроизводство России (глава 16 УПК РФ). Н. Новгород: Изд-во Волго-Вятской акад. гос. службы, 2007. С. 3 - 4.
5. Л.В.Головко. Новая роль судьи при производстве полицейского расследования в уголовном процессе постсоветских государств //Зангер. Вестник права Республики Казахстан. №1 (102), январь, 2010. - С.82-83.
6. Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори... диссер. Тошкент. 2020. Б. 29.
7. Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори... диссер. Тошкент. 2020. Б. 73.
8. “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори, 14.11.2007 йилдаги 16-сон.
9. Спиринов А.В. О теоретических основах разграничения прокурорского надзора и процессуального (ведомственного) контроля в досудебных стадиях уголовного судопроизводства // Вестн. Урал. юрид. ин-та МВД России. 2016. № 1. С. 54 - 60.
10. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-ХV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 28.12.2023 г.).
11. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.07.2021 г.).
12. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года № 4651-VI (с изменениями и дополнениями по состоянию на 09.12.2023 г.).

# АЁЛЛАР РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

**Жиноятчилик муаммоси азалдан жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ҳуқуқшунос олимлар, турли соҳа мутахассислари эътиборини ўзига жалб этиб келган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Айниқса, жиноятчилик оламида аёллар томонидан рецидив жиноятларнинг содир этилиши аянчли ҳолатдир.**

“Рецидив” атамаси латин тилидан (recidivus) сўзидан олинган бўлиб, сўзма-сўз таржима қилинганда “қайтувчи, қайта бошланувчи” деган маъноларни англатади.

Ўрганишлар давомида аёллар рецидив жиноятчилигининг ривожланиш босқичларини қуйидаги олтита даврга бўлиб ўрганилди.

Биринчи давр (қадимги Ўрта Осиё мил. ав. III-II минг йилликлар). Мамлакатимизда мил. ав. III-II минг йилликларда Зардуштийлик динининг вужудга келиши натижасида аёллар ҳақида “Авесто”да эътироф этилган. Хусусан, “Авесто”да гуноҳкор инсон гуноҳдан покланиши учун жазо тариқасида ўзининг энг ёш ва энг соғлом бокира қизини бутун зеб-зийнатларга буркаган ҳолда ибодатгоҳлардаги роҳибларга олиб келиб бериши керак бўлган. Шу билан бирга, бу қиз ўзининг 15 ёшгача бўлган синглисини ҳам ўзи билан олиб келиши мажбурий ҳисобланган.

Иккинчи давр (Ислом ва Европа давлатларида аёлларни жазолаш VIII асрдан XIX асрнинг 50 йилларигача). Тарихий асарларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, VI асрнинг охиригача Саудия Арабистонида аёлларга нисбатан оғир жазоларни тайинлаш амалиёти мавжуд бўлган. Жоҳилият даври араблар қиз фарзанд кўришса уни шаҳар ташқарисига олиб чиқиб, тириклайин кўмиш одатлари бор эди. Ислом дини пайдо бўлганидан сўнг, аёлларга нисбатан бўлган эътибор анча юксалиб, Саудия Арабистонида ҳамда кейинчалик араблар томонидан босиб олинган барча давлатларда жамият ҳаётида аёлларнинг ўрни ва нуфузи ортиб борган.

Профессор А.Г. Закированын тадқиқот ишида хотин-қизларни кўздан яшириш ҳақидаги шариат талабларига риоя қилиш учун баъзан ҳеч қандай куракда турмайдиган ишлар қилинган. Масалан хотин-қизларнинг кўчага чиқа олмаслиги учун қосибларга хотин-қизлар пойафзални тикиш қатъиян ман этилганлиги ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муайян даражада чекланганлиги қайд этилган.

XVIII–XIX асрларда Бухоро амирлигида ҳукмрон бўлган Амир Музаффар даврдан бошлаб амирликдаги барча жиноий ишлар қозилар томонидан ҳал қилинган. Барча фуқаролик, хўжалик ва жиноий ишлар Қуръон асосида кўриб чиқилган ҳамда жазолар тайинланган. Масалан, фоҳишалар мушук билан бир қопга солиниб, таёк билан калтакланган. Қоп ичида калтаклар зарбидан мушук жон ҳолатда аёлни тирноқлари билан тимдалайди. Натижада, бутун танаси тирналган ҳолатда фоҳиша аёл халқ орасига қўйиб юборилади.

Учинчи давр (Чор Россияси мустамлакачилиги даври XIX асрнинг 50 йилларидан ва XX асрнинг 17 йилларигача). Россия империяси Туркистон ерларини босиб олганидан сўнг, аёллар ва эркаклар томонидан содир этилган жиноятлар учун суд қилиниши ва озодликдан маҳрум қилиш

жазоси содир этган ижтимоий хавfli қилмишига яраша турмаларда ўташ амалиёти жорий этилган.

Россия империясига қарашли Варшава қамоқхонасида тўқув ва темирчилик устахоналари мавжуд бўлган. Маълумотларга кўра, уларда 1898 йилда 19164 нафар маҳкум сақланган. Улардан 17154 нафари эркаклар, 2010 нафари аёллар ташкил этган.

Россия империясида 1883 йилда 767 қамоқхона мавжуд бўлган, унда 671750 нафар маҳкум сақланган, шундан 583514 эркак, 88236 аёл бўлган. 1884 йилда эса 705237 маҳкум бўлиб, шундан 613957 эркак ва 92128 аёл маҳкумлар сақланган. Эътиборли томони шундаки, 1917 йилда турмаларда 94297 нафар маҳкум сақланган. Шундан, 12710 нафарини аёллар ташкил этган.

Юқоридаги маълумотлар таҳлилидан аёлларнинг эркакларга нисбатан сони кам эканлигига қарамасдан, уларнинг умумий жиноятчилик таркибида маълум миқдорда улуши борлигини кузатиш мумкин.

Тўртинчи давр (Собиқ Иттифоқ даври 1928 йилдан 1991 йилгача). Маълумотларга кўра, 1921–1953 йилларда қамоқхоналар тизими орқали жами 7,6 миллион киши жазо муддати ни ўтаган. Махсус контингентнинг максимал даражага келиши 1950 йилларнинг бошларида урушдан кейинги жиноий қонунчиликнинг қаттиқлашиши ва 1946–1947 йиллардаги очарчиликнинг ижтимоий оқибатлари натижасида ошиб кетган. Мисол учун 1946–1950 йиллар ораллигида Собиқ Иттифоқ қамоқхоналарида сақланган маҳкума аёлларнинг умумий сони қуйидагича бўлган: 1946 йил 211946 киши; 1947 йил 437127 киши; 1948 йил 477648 киши; 1950 йил 521588 киши.

Ҳатто Қозоғистонда 1937 йил 15 августдаги НКВДнинг “Ватан хоинларининг оила аъзоларини қатағон қилиш операцияси” (Об операции по репрессированию жен и детей изменников Родины) тўғрисидаги 00486-сонли буйруғи асосида “АЛЖИР” (Акмолинский лагерь жён изменников Родины) ташкил этилиб, унда қатағон этилганларнинг аёллари қамоқ жазосини ўташган.

Тарихчи Никита Петровнинг тадқиқотларида келтирилишича Собиқ иттифоқ даврида қамоқхоналарда 1948 йилнинг 1 январидан 1949 йилнинг 1 мартигача судланган болали аёллар сони 138 фоизга, ҳомилдор аёллар эса 98 фоизга ошган, қамоқхоналарда сақланаётган маҳкума аёллар умумий сонининг 6,3 фоизини болали ва ҳомилдор аёллар ташкил этган.

Бешинчи давр (мустақиллик даври 1991 йилдан 2017 йилгача). Аёллар жиноятчилигининг сабаблари ва унга имкон берган омилларни илмий жиҳатдан ўрганиш янги босқичга кўтарилганлигини кузатиш мумкин. Мазкур муаммонинг у ёки бу жиҳатлари бир қатор криминолог олимлар томонидан тадқиқ этилиб, бу борада турлича фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Хусусан, аёллар рецидив жиноятчилигини ўрганган олимлар ўз тадқиқот ишларида аёлларнинг эркаклардан кўра кўпроқ ахлоқий фазилатларга эга эканликлари, қонунга итоаткорлиги, табиатан юмшоқлиги, тажовузкор эмаслиги, ижтимоий хулқ-атвор меъёрларига нисбатан талабчанликлари туфайли улар томонидан нисбатан камроқ жиноятларнинг содир этилиши аниқланган.

Профессор Қ.Р.Абдурасулова таъкидлаганидек, эркаклар ва аёллар жиноятчилигининг фарқларини тушунтиришда улар ўртасидаги жиноятчиликнинг ижтимоий ва биологик хусусиятлари сабабларига жиддий эътибор берилган. Умуман олганда, бундай фарқлаш аънанасига кўра жиноий хулқ-атворни тушунтириш нисбатан умумий ёндашувларга ҳам хосдир.

Аёллар жиноятчилигини ўрганган криминолог олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда қайд этиш жоизки, аёлларнинг биологик хусусиятларига қараб улар томонидан содир этилган жиноятларни фарқлаш мумкин. Мисол учун, қасддан одам ўлдириш жиноятларини содир этган аёллар эркакларга қараганда тажовузкорлик билан жиноят содир этишмаган.

Ўрганишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аёллар томонидан амалга оширилган жиноятларнинг аксарият қисми узоқ давом этган адоват ёки маънавий-руҳий бузилишларнинг оқибатида содир этилган.

Олтинчи давр (2017 йилдан ҳозирга қадар). Аёллар рецидив жиноятчилигининг олдини олишга 2017 йилдан бошлаб янада жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сон қонунлари аёлларга қаратилган эътиборнинг ортиб бораётганлигини ифода этади.

Ўтган қисқа давр мобайнида жазони ижро этиш муассасаларидан 700 нафардан ортиқ маҳкума аёллар Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони билан афв этилди. Бундан ташқари, муассаса ходимларининг тақдимномаларига асосан сайёр судлар ўтказилиб 3410 нафар маҳкума аёллар жазодан озод этилган.

Жиноятларнинг олдини олишда қилмиш учун тайинланган жазонинг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Айрим ҳолларда аёлларга нисбатан кўп енгиллик яратилаётгандек туюлади. Р. Имамовнинг фикрича “Қонунда назарда тутилган қоидаларни бузиб, жазо тайинлаш аввало, шахсда жиддий норозилик кайфиятини туғдиради, Жиноят кодекси 42-моддасида назарда тутилган жазонинг мақсадига эришишга тўсқинлик қилади”.

Бироқ, маҳкума аёлларга жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилик ҳужжатларида бир қатор енгилликлар берилган. Масалан, аёллар ўта оғир жиноят содир этганлиги учун узоқ муддатга (20-25 йил) жазодан озод этилмаслиги ёки умрбод озодликдан маҳрум этиш жазолари мутлақо қўлланилмаслиги, суд томонидан аёлларнинг махсус тартибли жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўташи белгиланмаслиги ва суд томонидан ўта хавфли рецидив дея топилмаслигининг ўзи ҳам аёлларга берилаётган катта имкониятдан бири десак муболаға бўлмайди.

## Аёллар рецидив жиноятчилиги назариясининг ретроспектив таҳлили қуйидаги йўналишларни аниқлашга имкон беради:

- қадим ва ўрта асрларда жиноят ҳақидаги дунёқарашлар шафқатсиз диний тамойилларга асосланиб, аёл киши омма олдида халқнинг нафратига дучор қилинган ва ўлим жазосига тортилган;

- янги даврда жиноят ҳуқуқининг гуманитар классик мактаби вужудга келди, унинг вакиллари эркак ва аёлнинг қонун олдида тенглигини талаб қилдилар.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, аёллар рецидив жиноятчилигининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихини аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг турлари эркакларникидан кескин фарқ қилмаслиги ва бунинг учун тарихдан аёлларга ўта оғир жазолар қўлланилганлигини, кейинчалик қонунларнинг ишлаб чиқилиши натижасида аёлларга енгилроқ жазолар тайинлаш бошланганлиги бироқ, аёллар рецидив жиноятчилиги камаймаётганлигини, уларни бартараф этиш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида дифференциация қилиш чора-тадбирларини белгилаш зарур.

**Иззатилла НАСИРОВ,**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abdurasulova Q. R. “Ayollar jinoyatchiligi va ularning oldini olish muammolari”. O'quv qo'llanma / Mas'ul muharrir: yu.f.d.prof. M.H.Rustamboyev. – T.: TDYI nashriyoti, 2009. –3 bet.
2. ГУЛАГ (историко-социологический аспект) // [https://scepis.net/library/id\\_937.html](https://scepis.net/library/id_937.html) (маълумотлар манбасига мурожаат этилган вақти: 26.06.2023й.).
3. Georges Chapouthier, To what extent is moral judgment natural ?, European Review (GB), 2004, Nr12(2), pp179-183. (маълумотлар манбасига мурожаат этилган вақти: 03.02.2023й.).
4. Детков М.Г. Исполнение наказания в дореволюционной России: Организационно-правовые аспекты становления и развития системы исполнения наказания в виде лишения свободы: Учеб. пособие. М.: ВНИИ МВД СССР, 1990. С. 47.
5. Дешков М.Л. Указ. Работа. – С. 47-48
6. Детков М.Г. Содержание пенитенциарной политики Российского государства, и ее реализация в системе исполнения уголовного наказания в виде лишения свободы в период 1917 – 1930 годов. М.: РИПК МВД РФ, 1992. – С. 5. Об эьом см. также: Зубков А.К., Калинин Ю.И., Сысоев В.Д., Пенитенциарные учреждения в системе Министерства юстиции России. История и современность. – М.: Норма, 1998. – С. 21.
7. Джураева Н. Д. Совет даври катагонлик сиёсатининг хотин-қизлар тақдирига салбий таъсири //Взгляд в прошлое. – 2022. – Т. 5. – №. 10.
8. Жохилият даврида дунё ва Арабистондаги аҳвол // <https://siyarat.uz/maqola/1063> (маълумотлар манбасига мурожаат этилган вақти: 26.06.2023й.).
9. Женское лицо ГУЛАГа // <https://novayagazeta.ru/articles/2009/04/08/43275-zhenskoe-litso-gulaga> (маълумотлар манбасига мурожаат этилган вақти: 26.06.2023й.).
10. Закирова А.Г. Рашк туфайли содир этилган жиноятларга қарши кураш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва виктимологик жиҳатлар): Юрид.фан доктори.... дис. – Тошкент, 2004. –Б. 33.
11. Карпушина М.В. Рецидивная преступность женщин,освободившихся из мест лишения свободы,и ее предупреждение: дис.... канд. юрид. наук. - Рязань, 2013. – 17 с.
12. Касимов А.Б. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини олдини олиш //Та'лим фидойилари. – 2022. – Т. 21. – №. 6. – С. 76-79.
13. Петров Н.В., Кокурин А. И. ГУЛАГ: Главное управление лагерей. 1918-1960. – М., 2000.
14. Руссо Ж.-Ж. Избр. Соч. Т. I. М., 1961. С. 554-557. Мужчина и женщина. Диалог или соперничество? Книга I. М., 2004. – 430 с. [https://www.inafan.ru/sites/default/files/page\\_file/mwt1.pdf](https://www.inafan.ru/sites/default/files/page_file/mwt1.pdf) (маълумотлар манбасига мурожаат этилган вақти: 19.04.2023й.).
15. Тюрменная статистика России за 1883-1885 годы // Юридический вестник. Т. XXVI. Москва, 1887. – С. 532- цитируется по: Власов В.И., Гончаров Н.Ф., Уголовные наказания в России. – Домодедово: РИПК МВД РФ, 1997. – С. 95.
16. Яковлев А.М. Теория криминологии и социальная практика. М., 1985. 23 б.
17. <https://ahlisunna.uz/zardoshtiyarga-raddiya/> (электрон базага мурожаат этилган вақти: 06.03.2023й.).
18. <https://shosh.uz/buhoro-amirligi-avvali-va-ohiri/> (маълумотлар манбасига мурожаат этилган вақти: 03.02.2023й.).
19. <https://uzbaza.uz/zakovat-savollari-javoblari-bilan> // (маълумотлар манбасига мурожаат этилган вақти: 03.02.2023й.).
20. [https://lex.uz/docs/4494709\\_URQ-561-қонуни](https://lex.uz/docs/4494709_URQ-561-қонуни) (маълумотлар манбасига мурожаат этилган вақти: 06.10.2023й.).

# ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИДА МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал мажбурлов чораларининг қўллаш тартиби юзасидан миллий ва хорижий тажрибалар таҳлил қилинган. Шунингдек, амалиётда мажбурлов чораларининг қай даражада қўлланилаётганлиги суд амалиёти мисолида далилланган. Бундан ташқари, фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг бошқа ҳуқуқий асослари аналогияси ва ундаги асослар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** суд-ҳуқуқ соҳаси, суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, демократик асослар, мажбурий келтириш, фуқаролик суди, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон.

Фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал мажбурлов чораси сифатида мажбурий келтириш чораси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/1, 2-сон қарори билан тасдиқланган “Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 декабрдаги 1024-сон қарори билан тасдиқланган “Суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан амалга оширилади.

Мажбурий келтириш чораси бир қанча ҳолатлар юзасидан амалга оширилади. Хусусан, алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келиши (ФПК 186-моддаси). Суд алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келишини шарт деб топиши мумкин. Агар бундай ҳолда жавобгар суд томонидан узрсиз деб топилган сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, у мажбурий тартибда келтирилади. Бундан ташқари, 222-модда. Гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимоннинг суд мажлисига келмаганлиги оқибатларида ҳам мажбурий келтириш ўз аксини топган бўлиб, унга асосан, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон суд мажлисига суд узрсиз деб топган сабабларга кўра келмаса, уларга нисбатан ушбу Кодексда назарда тутилган процессуал мажбурлов чоралари (огоҳлантириш, суд жаримаси) қўлланилиши мумкин. Агар чақирилган гувоҳ иккинчи чақирув бўйича суд мажлисига келмаса, у суднинг ажримига биноан мажбурий тартибда келтирилиши мумкин.

Шунингдек, ФПКнинг 313-моддасига кўра, фуқаролик судида ишни кўриб чиқиш босқичида суд фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ишни албатта мазкур фуқаронинг, прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўради. Агар фуқаро суд мажлисига келмаса, ушбу Кодекс 186-моддасининг қоидалари қўлланади.

Бугунги кунда суд амалиётларида уй-жойдан кўчириш, никоҳдан ажратиш, шахсий мулкларни ўзгаришнинг ноқонуний эгалигидан олиш тўғрисидаги ишлар

бўйича тараф (жавобгар)ни мажбурий келтириш ҳақидаги ажримлар чиқарилмоқда.

Иш ҳолатидан келиб чиқиб, суд жавобгарнинг суд мажлисида шахсан ўз иштироки лозим деб топса унинг суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаслигини мазкур фуқаролик ишини кўришни қасддан чўзиш деб баҳолаб, уни навбатдаги суд мажлисига яшаш ва иш жойи бўйича ҳудудий ички ишлар органи ходимлари томонидан мажбурий тартибда келтиришни ҳамда ички ишлар органига келгусида сарф-харажатларни ундиришни сўраб судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтириши лозим.

Бундан ташқари, огоҳлантириш ва суд мажлиси залдан чиқариб юбориш каби мажбурлов чоралари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 145-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унда суд мажлисида белгиланган тартиб қоида бузса суд мажлисига раислик қилувчи томонидан огоҳлантирилади.

Ишни кўриш вақтида тартибни бузган шахсни раислик қилувчи суд номидан огоҳлантиради.

Прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмасалар, улар огоҳлантирилдилар. Мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига яна итоат этмасалар, агар уларни ишга зарар етказмай туриб бошқа шахс билан алмаштириш мумкин бўлмаса, ишни кўришни суднинг ажрими билан кейинга қолдириш мумкин. Айни вақтда суд бу ҳақида тегишлича юқори турган прокурорга ёки адвокатлар малака комиссиясига маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 166-моддасида суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан кўриладиган чоралар назарда тутилган бўлиб, унга кўра, суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан кўриладиган чоралар у қўлланиладиган шахслар тоифасига қараб қуйидагича кўриниш олади:

биринчидан, ишни кўриш вақтида тартибни бузган шахслар раислик қилувчи томонидан суд номидан огоҳлантирилади;

иккинчидан, ишда қатнашаётган шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тартибни тақдоран бузган тақдирда суднинг ажримига биноан, ишни кўришда ҳозир бўлган фуқаролар эса, раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залдан чиқариб юборилади;

учинчидан, суд ишни кўришда ҳозир бўлган фуқаролар, агар улар тартибни бузсалар, энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади;

тўртинчидан, прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмасалар, улар огоҳлантирилади. Агар мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига яна итоат этмасалар, уларни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа шахс билан алмаштиришнинг имкони бўлмаса, суднинг ажримига биноан ишни кўриш кейинга қолдирилади ва айни вақтда суд бу ҳақда тегишлича юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар малака комиссиясига маълум қилади;

бешинчидан, суд мажлисида тараф ёки учинчи шахс тартибни бузса, суд тартиббузарни иш кўриладиган ҳамма вақтга ёки унинг бир қисмига мажлис залидан чиқариб юборади. Суд мажлисида ҳар икки тараф (учинчи шахслар) тартибни бузса, суд ишни кўришни кейинга қолдириши мумкин.

Юқорида келтирилганидек, суд мажлисида тартиб-қоидани менсимасан ҳолда уни бузувчиларга нисбатан кўриладиган процессуал мажбурлов чоралари тартиб қайси процесс иштирокчиси томонидан бузилишига кўра турлича асосларга эга. Яъни, жарима солиш фақат суд мажлисидаги тартибни бузган ишни кўришда ҳозир бўлган фуқароларга нисбатан қўлланилган. Процесс иштирокчиларига нисбатан эса огоҳлантириш, суд мажлиси залидан чиқариб юбориш, иш кўришни кейинга қолдириш, юқори турувчи прокурорга (прокурорнинг ҳаракатлари юзасидан) ёки адвокатлар палатасига (адвокатнинг процессуал тартибга риоя этмаганлиги учун) маълум қилиш процессуал чораларнинг бошқа турлари қўлланилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 145-моддасига асосланган ҳолда судда раислик этувчи томонидан суд мажлиси тартибини бузаётган шахс ёки шахслар оғзаки ёки ёзма равишда огоҳлантирилади. Бу огоҳлантириш суд мажлиси баённомасига киритилиши суд мажлиси котиби томонидан таъминланади.

Огоҳлантирилган шахслар суд мажлисида қайта тартиббузарлик содир этганда раислик этувчи ушбу шахсларни суд мажлиси залидан чиқариб юбориши мумкин.

Раислик этувчи томонидан суд мажлисидан чиқариб юбориш юзасидан ажрим (ишда қатнашаётган шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тартибни такроран бузган тақдирда) қабул қилинади ёки фармойиш (ишни кўришда ҳозир бўлган фуқаролар) га асосан мазкур мажбурлов чораси амалга оширилади.

Мазкур мажбурлов чорасининг ўзига хос томони шундаки, агар суд мажлиси давомида оммавий тартибда қоидабузарлик ёки суд мажлиси тартиб қоидаларини менсимаслик ҳаракатлари ёки ҳолатлари кузатилса, раислик этувчи томонидан суд мажлиси кейинга қолдирилади.

Суд амалиётидан мисоллар сифатида келтириш мумкинки, 2023 йилнинг 14 апрель куни фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судида даъвогар Й.Ф.нинг жавобгар Х.Н.га нисбатан никоҳ-

дан ажратиш ҳақидаги ишда адвокатни жавобгар куракда турмайдиган ҳамда ҳақоратомуз гаплар билан ҳақоратлагани учун ва давогарга нисбатан кўпол сўзларни қўллагани учун судда раислик қилувчи томонидан огоҳлантирилган.

Шунингдек, 2023 йил 3 март куни фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судида даъвогар Р.А.нинг жавобгар Шайхонтоҳур туман ҳокимлигига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси кўриб чиқилган. Унда кўшимча жавобгар сифатида Р.Б. жалб қилинган. Ушбу кундаги суд мажлисида жавобгар Р.Б. суд залидаги тартиб-қоидага риоя қилмаган ҳолда шовқин кўтарганлиги ҳамда раислик этувчининг ишга ойдинлик киритиш учун берган саволига чалғитувчи жавоблар берганлиги учун ушбу жавобгарга нисбатан раислик этувчи томонидан мажбурлов чораларидан огоҳлантириш ва суд залидан чиқариб юбориш қўлланилган.

Раислик этувчи томонидан суд тартиб-қоидасини бузган шахс иш кўриладиган барча вақтга ёки унинг маълум бир қисмига нисбатан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Кўрилаётган ишнинг маълум бир қисмидан вақтинчалик чиқарилиб юборилган шахс суд мажлиси залига қайтадан қўйилганда раислик қилувчи уни залда бўлмаган вақт давомида қилинган процессуал ҳаракатлар ҳақида маълумот беради ҳамда улар билан таништиради.

Ишни муҳокама қилиш вақтида тартибни бузган шахсни раислик қилувчи суд номидан огоҳлантиради. Гарчи у оғзаки эълон қилинсада, ёзма ёзилади ва суд мажлиси баённомасига киритилади.

Ушбу мажбурлов чораларининг ўзига хос томони шундаки, огоҳлантириш ёки суд залидан чиқариб юбориш мажбурлов чораси ишда қатнашаётган прокурорга ёки адвокатга нисбатан қўлланилса, ушбу ҳолат юзасидан ажрим чиқарилиши билан бирга раислик этувчининг фармойишига бўйсунмаганлиги учун шахсларга уларнинг юқори турувчи органларига юбориш учун хусусий ажрим чиқарилади.

**Рисолат АБДУЛЛАЕВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси,*

**Сардора ЖАЛИЛОВА,**

*Қашқадарё вилояти юридик техникуми ўқитувчиси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гражданский процесс: Учебник для студентов юридических вузов. Общая часть / С.А.Марилова; под. ред. Ш.Ш.Шорахметова; М-во юстиции РУз, Ташк. гос. юрид. ин-т. — Т.: Издательство ТГЮИ, 2011.— 597 312 с.
2. См.: Бутнев В. В. Гражданская процессуальная ответственность. Ярославль, 1999. С. 31,42, 45;
3. Суд — шундай ҳокимиятки...//Тўпловчилар: Ш.Акбаров, А.Жумаев/. — Т.: “Шарқ”, 1999. 66-бет.
4. Фуқаролик процесси: ўқув қўлланма / М. М. Мамасиддиқов. —Тошкент: Бактрия пресс, 2014.
5. Шорахметов Шоакбар Шорустамович, Тошкент Давлат юридик институти-нинг “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Дарслик). —Т.: “Адолат”, 2001.
6. Эсанова З. Фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал мажбурлов чоралари: асослари, тартиби, бу соҳадаги янгиликлар //Review of law science. — 2018. — №. 4.



## ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ

**Жиноят процессуал кодексининг 13-бўлими “Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш” деб номланган бўлиб “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш” деб номланган 60-бобнинг 548-564-моддаларини ўз ичига олган.**

Жиноят қилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби умумий қоидалар, шунингдек ушбу Кодекснинг 548 — 564-моддалари асосида белгиланади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларга тўхталадиган бўлсак, суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, ушбу Кодекснинг 82 — 84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, қуйидагилар исботланиши лозим:

- 1) вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, кун);
- 2) вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;
- 3) унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- 4) қатта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

Вояга етмаганнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганда унга ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлар тушунтирилади. Қонуний вакил ўз ҳаракати билан вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказди деб ҳисоблаш учун асос бўлса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан вояга етмаганнинг қонуний вакили ишда қатнашишдан четлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолда вояга етмаган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқа қонуний вакилга ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакилига топширилади.

Шунингдек, вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилишдан бошлаб, суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради. Шу мақсадда вояга етмаган шахсга ва унинг қонуний вакилига ўзлари хоҳлаган ҳимоячини таклиф этиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилади. Агар ҳимоячи вояга етмаган шахснинг, унинг қонуний вакили ёхуд бошқа шахсларнинг топшириғи ёки розилиғи билан чақирилмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлашга мажбур.

Суд вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар кўриладиган вақт ва жой ҳақида уларнинг ота-онасини, ота-она ўрнини босувчи шахсларни, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхона, муассаса, ташкилот ва болалар масалалари бўйича комиссияни, зарур бўлса бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қилади. Суд бу ташкилотларнинг вакилларини, судланувчининг васий ёки ҳомийсини суд мажлисига чақиришга ҳақлидир.

Вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилиш ҳимоячи, қонуний вакил иштирокида амалга оши-

рилади. Ҳимоячи ва қонуний вакил гумон қилинувчи ёки айбланувчига саволлар беришга ҳақли. Сўроқ яқунлангач, ҳимоячи ва қонуний вакил баённома билан танишишга ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақли. Вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишнинг умумий давомийлиги кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда олти соатдан ошмаслиги лозим.

Сўроқ қилиш жараёнида суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра ёхуд вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячисининг, қонуний вакилнинг илтимосига биноан педагог ва (ёки) психолог иштирок этиши мумкин. Педагогнинг ва (ёки) психологнинг иштирокини таъминлаш жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг зиммасига юклатилади. Педагог ва (ёки) психолог суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан гумон қилинувчига ёки айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги ҳақида ўз фикрларини ёзма шаклда баён этишга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар суриштирувчи, терговчи томонидан педагогга ва (ёки) психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади.

Суд зарурат бўлганда вояга етмаган шахснинг жинояти тўғрисидаги ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида болалар масалалари бўйича комиссияга хабар беради. Суд шунингдек, бу комиссия вакилларини гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун суд мажлисига чақиришга ҳақлидир.

Бундай судланувчиларга нисбатан ҳукм чиқаришда суд Жиноят кодексининг 457-моддасида кўрсатилган масалалардан ташқари, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбур.

Вояга етмаган шахсни Жиноят кодекси 87-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиб, материалларни болалар масалалари бўйича комиссияда кўришга топшириш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаган шахсга нисбатан ишни кўришда Жиноят кодекси 87- моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда суд вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани муҳокама этиши шарт. Суд мажбурлов чорасини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида асослан-тирилган ажрим чиқаради. Мажбурлов чорасини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги ажрим устидан умумий тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

**Сардор БОБОҚУЛОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



**Жалолиддин АББАСОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро суди судьяси

## НОТАРИУСЛАР ТОМОНИДАН ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ ДАЛИЛЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА

*Нотариуснинг ваколатлари ва фуқароларга кўрсатадиган юридик хизматларидан бири далилларни таъминлаш ҳисобланади. Нотариус фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра судда ёки маъмурий органда юригиладиган иш юзасидан, агар далил тақдим этиш кейинчалик мумкин бўлмай қолади ёки қийин бўлади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлганда далилларни таъминлайди. Нотариуслар томонидан далилларни таъминлаш бўйича гувоҳларни сўроқ қилиш, ашёларни кўздан кечириш, шунингдек экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Нотариуснинг далилни таъминлаш чораси сифатида экспертиза тайинлаши билан нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тақдим этилган ҳужжатларнинг асл бўйича шубҳа пайдо бўлганда экспертизага ҳужжатларни юбориши ҳар хил ҳуқуқий ҳаракатлардир.*

**Нотариус фаолиятида экспертизага мурожаат қилиш асослари сифатида қонунчиликда куйидагилар белгилаб қўйилган:**

- нотариал идорага мурожаат қилинганда тақдим қилинган ҳужжатларнинг айнанлигига шубҳа туғилса мазкур ҳужжатларни экспертизага юбориш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин;

- далилларни таъминлаш мақсадида экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, нотариат тўғрисидаги қонунчиликка кўра, нотариус экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Нотариуснинг мазкур қарорини ижро қилиш механизми албатта экспертиза тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланиши лозим. Ҳўш, бу масала экспертиза тўғрисидаги қонунчиликда қанчалик тартибга солинган? Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига кўра, суд экспертизаси фуқаролик, иқтисодий, жиноят иши (шу жумладан, терговга қадар текширув материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича тайинланади. Шунингдек, “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомда экспертиза ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар ва ҳолатлар белгилаб қўйилган. Унга кўра, экспертиза тадқиқотларини ўтказувчи ташкилотлар, муассасалар томонидан терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарори (ажрими)га кўра ёки адвокат сўровига асосан ёхуд жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин.

Юқоридаги экспертиза ўтказиш тартибини белгиловчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларда нотариат жараёнида экспертиза ўтказиш масаласи умуман тартибга солилмаганини кўрдик. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, миллий қонунчилигимиздаги ушбу бўшлиқни тўлдирish бўйича таклифлар ишлаб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, Россия Федерациясининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни 103-моддасига асосан, нотариус далилларни таъминлаш мақсадида гувоҳларни сўроқ қилади, ёзма ва ашёвий далилларни текширади, экспертиза тайинлайди.

Венгрия нотариат қонунчилигида эса нотариус далилларни таъминлайди, жумладан экспертиза тайинлайди. BALÁZS & KOVÁTSITS Legal Partnership ҳуқуқшунослар юридик ҳамкорлиги жамоаси ўзининг расмий сайтыда қурилиш ишлари билан боғлиқ суд ишларига оид маълумот эълон қилган. Унга кўра, Венгрияда суд ишлари узоқ вақт давом этади. Айниқса қурилиш соҳасидаги кейсларни кўриб чиқиш кўп вақт талаб этади. Шу сабабли ушбу ҳуқуқшунослар жамоаси келажакдаги суд ишлари қисқарок ва истиқболли бўлиши учун бир неча воситалардан фойдаланишади. Жум-

ладан улар, нотариусга суд экспертизасини тайинлаш бўйича мурожаат қилишади. Венгрияда суд ишларидан олдин нотариус томонидан экспертиза тайинлашнинг афзаллиги шундаки, қурилишнинг исталган босқичида қурилиш ишлари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида экспертиза тайинлиниши мумкин. Мазкур ҳуқуқшуносларнинг таъкидлашича экспертиза қурилиш тугаганидан сўнг тайинланса унда баҳсли вазиятни қайта тиклашнинг имконияти бой берилиши мумкин. Нотариус тайинлаган экспертиза суд экспертизаси билан бир хил юридик кучга эга ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, нотариуслар томонидан экспертиза тайинлаш келажакда судларнинг фуқаролик ва иқтисодий низоларни тўғри ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли, нотариус томонидан экспертиза тайинлашнинг ҳуқуқий асослари ҳам қонунчилигимизда аниқ ўрнатилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Тўғри, экспертиза “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ фуқаро ёки жисмоний шахснинг ўзи экспертиза муассасаси билан тузилган шартномага мувофиқ экспертиза тадқиқотлари ўтказилиши мумкин. Мазкур ҳолатда экспертиза тадқиқотлари натижаси бўйича эксперт ҳулосаси эмас, балки мутахассис фикри расмийлаштирилади. Ундан ташқари жисмоний ва юридик шахслар адвокатга мурожаат қилгандан сўнг адвокат сўрови бўйича ҳам экспертиза ўтказилиши мумкин. Нотариусга мурожаат қилинганда нотариус тўғридан-тўғри экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Нотариуснинг далилларни таъминлаш, хусусан экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилиши ва бу қарор суд-экспертиза муассасалари томонидан экспертиза ўтказишга асос бўлиши тартиби экспертизага оид қонун ҳужжатларига киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз ва “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 3 бандига қуйидаги иккинчи хатбоши киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

*Нотариуснинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорига кўра тадқиқотлар иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий судларда кўриладиган ишлар бўйича мазкур иш бўйича судда иш кўзга тилинганидан қатъий назар, давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан амалга оширилади.*

Шунингдек, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни 17-моддасининг биринчи қисми қуйидаги мазмунда баён қилиниши таклиф қиламиз:

*Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими, нотариуснинг қарори суд экспертизасини ўтказиш асосларидир. Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади.*

## ЧЕТ ЭЛЛИК ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ СУД ҲИМОЯСИДА

*Иқтисодиёт соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг, шунингдек чет эл тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш механизми янада такомиллаштириш билан бирга, Кодексдаги меъёрларнинг замон талабларига мос чуқур таҳлил ва илғор хорижий амалиётга асосланган ҳолда ишлаб чиқилганлиги давлатимизнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.*

Чет эл тадбиркорлик фаолияти субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “чет эллик шахслар”, “чет эллик инвесторлар”, “чет эл ташкилотлари”, “чет эл фуқаролари”, “норезидентлар”, “чет эл юридик шахслари” шаклида учрайди.

Чет эллик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларидаги ҳуқуқий мақоми Иқтисодий процессуал кодексининг “Қонун ва суд олдида тенглик” тамойили билан белгиланади, яъни судда низоларни ҳал қилиш юридик шахсларнинг мулкчилик шаклидан, қаерда жойлашганлигидан, кимга бўйсунушидан қатъи назар, фуқароларнинг эса жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

Мазкур меъёр иқтисодий низоларини кўриш жараёнида чет эл тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистон тадбиркорлари сингари ҳуқуқларга эга бўлиши ва улар билан бир хил мажбуриятларни бажаришини белгилаб беради.

Бундан ташқари, ИПК нинг 245-моддасида чет эллик шахсларнинг иқтисодиёт соҳасида ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодий судларга мурожаат қилиши мумкинлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқаролари билан тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишлари ва процессуал мажбуриятларни ўз зиммасига олишлари белгилаб берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, чет эл тадбиркорлик субъектларининг процессуал ҳуқуқий ҳолати мамлакатимизда миллий режимга асосан белгиланади.

Чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ИПК нормалари қўлланади. Бу эса ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларнинг олдини олади.

Иқтисодий процессуал кодекс чет эллик шахсларнинг ҳам низода тараф сифатида иштирок этиши мумкинлигини назарда тутди. Яъни ИПКда иқтисодий судлар ўзига тааллуқли ишларни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўриши белгилаб берилган.

Бу эса, иқтисодий судларнинг чет эл юридик шахслар иштирокидаги низоларни кўриш ваколатини билдиради. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал қонунчилигига кўра, чет эл тадбиркорлик субъектлари

иқтисодий судларда тараф сифатида иштирок эта олади. Иқтисодий процессуал кодекснинг 239-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий судлари чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни куйидаги ҳолларда кўришга ҳақли эканлиги белгилаб берилган унга кўра:

- жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган ёки яшаётган бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жавобгарнинг мол-мулки бўлса;
- чет эллик шахсларнинг филиали ёки ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса;
- низо Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажарилган лозим бўлган ёки бажарилган шартномадан келиб чиққан бўлса;
- талаб чет эллик шахс томонидан ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлган бошқа ҳолат билан мол-мулкка зарар етказилиши туфайли юзага келган ёхуд зарар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юзага келган бўлса;
- низо Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асоссиз бойлик орттиришдан юзага келган бўлса;
- ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги иш бўйича даъвогар Ўзбекистон Республикасида турган бўлса;
- низо Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилган қимматли қоғозларнинг муомаласи билан боғлиқ муносабатлардан юзага келган бўлса;
- юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги иш бўйича аризаuchi ушбу фактнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжудлигини кўрсатаётган бўлса;
- низо Ўзбекистон Республикаси ҳудудида номлар ва бошқа объектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлардан юзага келган бўлса;
- бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки фуқароси билан чет эллик шахс ўртасида ушбу Кодекснинг 241-моддасида белгиланган қоидалар бўйича тузилган битим мавжуд бўлса.

Мазкур асослардан бирининг мавжудлиги иқтисодий судларнинг чет эллик шахслар иштирокидаги низоларни кўриб чиқиши мумкинлигини англатади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси чет эл тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди, шунингдек давлатимизнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

**Илёс ТЕШАЕВ,**

*Хоразм вилоят суди раисининг ўринбосари.*

# КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚЛАРНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

## АННОТАЦИЯ:

*мақолада даъвои таъминлаш чораси институтининг зарурияти ва аҳамияти, корпоратив низоларни судда кўришда даъвои таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари борасида фикр мулоҳазалар юритилган. Шунингдек, бу борадаги суд амалиёти ўрганиб чиқилиб, қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида таклифлар берилган.*

**Калит сўзлар:** корпоратив низо, суд орқали ҳимоя қилиш, даъвои таъминлаш чораси.

Процессуал қонунчиликда даъвои таъминлаш чораси институти мавжуд бўлиб, унинг вазифаси суд ҳужжатининг ижросини таъминлаш, яъни келгусида чиқариладиган суд ҳужжатининг ижросини таъминлашни кафолатлашдан иборат. Ҳуқуқшунос В.Ведяхин даъвои таъминлаш чораларини “превентив хусусиятга эга бўлган ҳуқуқий мажбурлов чоралари” деб таърифлайди. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 93-моддасида даъвои таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилиши тўғрисида тушунтириш берилган. Иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичи деганда, даъво аризаси иш юритишга қабул қилинишидан бошлаб, суд ҳужжатининг ижро этилгунига қадар бўлган тўлиқ жараён қамраб олиниши тушунилиши лозим. Эътиборли жиҳати шундаки, иш юритиш тўхтатилган тақдирда, иш юритиш тиклангунига қадар суд бирор-бир процессуал ҳаракатни амалга оширишга ҳақли эмас, бироқ даъвои таъминлашга қаратилган ҳаракатлар бундан мустасно.

ИПКнинг 94-моддасида жавобгарга тегишли мол-мулкни ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш, жавобгарга муайян ҳаракатларни бажаришни тақиқлаш, бошқа шахсларга низо предметида алоқадор бўлган муайян ҳаракатларни бажаришни тақиқлаш, даъвогар низолашаётган, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат бўйича ундиришни тўхтатиб туриш, мол-мулкни хатлашдан озод қилиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилган тақдирда, мол-мулкни реализация қилишни тўхтатиб туриш каби бошқа чоралар ҳам кўрилиши мумкинлиги қайд этилган.

Ушбу чоралар иқтисодий судларга тааллуқли бўлган барча ишларни, шу жумладан корпоратив низоларга ҳам тааллуқлидир.

Корпоратив низоларнинг ўзига хослигини, жамиятдаги иштирокчилик билан боғлиқлигини (акция, улуш, пайлар бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш) инобатга олганда, суд томонидан даъвои таъминлаш чораларини қўллаш юридик шахснинг фаолиятини сезиларли даражада қийинлаштириши, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин. Даъвои таъминлашнинг мақсади бошқа шахснинг ўз қонуний фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ва уни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш эмас балки ариза берувчининг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Бошқа низолар сингари корпоратив низоларда ҳам даъвои таъминлаш чоралари арз қилинган талабларга мос келиши, яъни бевосита низо предметида боғлиқ, даъво талабларига

мутаносиб, суд ҳужжати ижросини таъминлаш учун керакли ва етарли бўлиши лозим. Бироқ, суд амалиёти ўрганиб чиқилганда, айрим ҳолларда судлар томонидан даъво предметида боғлиқ бўлмаган даъвои таъминлаш чораси қўлланилганлик ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Жумладан, даъвогар “Buxara Royal Elite” МЧЖ (матнда МЧЖ деб юритилади) иштирокчиси Г.Д.нинг жавобгарлар “Buxara Royal Elite” МЧЖ иштирокчиси Қ.Э. ва МЧЖга нисбатан МЧЖга улуш сифатида киритилган 177 946 848 сўм миқдоридagi мулкнинг қийматини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган ишни кўриш жараёнида, суд томонидан даъвогарнинг МЧЖ балансидаги мулкдан фойдаланишга таъқиқ солиш ва хатловга олиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган. Натижада суд ҳужжатида асосан МЧЖ балансидаги Шофиркон тумани, Қалмақон МФЙ Навоий кўчасида жойлашган 85,08 кв.метрдан иборат озиқ-овқат савдо дўкони хатланиб, ундан фойдаланишга тақиқ қўйилган (қулфлаб, муҳрлаб қўйилган).

Гарчи даъвои таъминлаш чораси низо предметида боғлиқ бўлмаса-да, суд томонидан ариза қаноатлантирилиб, процессуал хатоликка йўл қўйилган. Мазкур ажрим кейинчалик юқори инстанция суди томонидан бекор қилинган бўлса-да, бир ой давомида озиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг чекланишига, аксарият қисмининг истеъмол муддати ўтишига ва ўз-ўзидан манфаатдор шахс ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлган.

Улушнинг мансублиги тўғрисидаги низони кўриб чиқиш жараёнида низонинг предметида бевосита боғлиқ бўлган ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги улушларини хатлаб қўйиш тўғрисидаги даъвои таъминлаш чораси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу талаб жамиятда шахснинг иштирок этиш ҳуқуқини таъминловчи улушнинг сотилиши ёки сотишдан бошқа усулда бегоналаштирилишининг олдини олишга қаратилган бўлади. Яъни, агар суд ҳужжатида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, жамиятни бошқариш ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга, жумладан умумий йиғилишларда иштирок этишга, уларда овоз беришга, имтиёзли ҳуқуқларни амалга оширишга, жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Амалиётда даъвои таъминлаш борасида энг кўп учрайдиган талаблардан бири иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказишни тақиқлаш. Жамият ўз фаолиятини умумий йиғилиш томонидан қарорлар қабул қилиш орқали амалга ошириши ва бундай даъвои таъминлаш чораси билвосита жамиятнинг фаолиятини амалга оширишни тақиқлашни аналатади. Бундай чора ўз мазмунига кўра аризачининг манфа-

атларини ҳимоя қилишга эмас, балки бошқа шахсни ўз қонуний фаолиятини амалга ошириш имконияти ва ҳуқуқидан маҳрум этмасликка қаратилган даъвони таъминлаш чораларининг мазмунига зид ҳисобланади. Акциядорлик жамияти бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш, жамият акциялари билан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, акциядорлик жамиятининг акцияларини чиқаришни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги, шунингдек бошқа низолар бўйича жамиятга, унинг органларига ёки иштирокчиларга навбатдаги ёки навбатдан ташқари умумий йиғилишни ўтказишни тақиқлаш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг йиғилиш ҳуқуқини кафолатлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларида назарда тутилган ҳуқуқларига зид бўлиб, жамиятнинг бошқарув органлари қарори устидан шикоят қилмаётган акциядорларнинг ҳуқуқлари бузулишини инобатга олиб, судлар томонидан қаноатлантирилиши рад этилиши лозим.

Масалан, Тошкент туманлараро иқтисодий судида даъвогар “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази” МЧЖнинг жавобгар “ВМКВ-Agromash” АЖга нисбатан жавобгар акциядорларининг 2021 йил 17 майдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида қўшимча акциялар чиқариш орқали жамият устав капиталини ошириш ҳамда қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвоси бўйича қўзғатилган ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида даъвогар томонидан даъвони таъминлаш мақсадида “ВМКВ-Agromash” АЖ зиммасига 2022 йил 2 июнда ўтказилиши лозим бўлган умумий йиғилиш мажлиси ўтказишни тақиқлаш мажбуриятини юклашни сўраган. Суднинг ажрим билан аризани қаноатлантириш асосли равишда рад этилган.

Суд амалиётида юридик шахсга, унинг органларига ёки иштирокчиларига, шунингдек бошқа шахсларга ушбу юридик шахс органлари томонидан қабул қилинган қарорларни ижро этишни тақиқлаш сингари даъвони таъминлаш чорасини учратиш мумкин. Фикримизча, агар асослар мавжуд бўлса, судлар томонидан даъвони таъминлаш чораси сифатида юридик шахсларнинг ҳар қандай қарорини ижро этишга тақиқ қўйилиши мумкин. Қарор келгусида муайян ҳаракатлар (дивидендлар тўлаш, устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш, таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш) ни амалга оширишни назарда тутса, ушбу ҳаракатларни бажаришни тақиқлаш чораси кўрилиши мумкин. Шунингдек бошқа шахсларга ушбу юридик шахс органлари қарорида назарда тутилган ҳаракатлар бажарилган бўлса ёки уларнинг ижросини амалга ошириш бошланган бўлса, судлар даъвони таъминлаш чораси сифатида талаб қилинган тақиқ чорасининг амалга ошириш ва самаралилик даражасини аниқлаб, кейин тўхтаб қилишлари лозим.

Гарчи судда ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 5-бандида қайд этилган қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларни жойлашти-

риш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан келиб чиқадиган низолар сон жиҳатдан кўп бўлмаса-да, бу турдаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида қимматли қоғозлар эгаларини регистрларига ва (ёки) депозитарийга акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ёки ўтказиш тўғрисидаги ёзувларни киритишни, шунингдек қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) муомаласи билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш даъвони таъминлаш чорасини кузатиш мумкин.

Даъвони таъминлашнинг бундай чораси фуқаролик муомаласидаги қимматли қоғозларнинг мавжудлиги, уларнинг эркин муомалада бўлиши ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг рўйхатга олиниши билан боғлиқ.

Қимматли қоғоз билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан олувчига ўтади.

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши (пайдо бўлиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши) регистрларда акс эттирилган маълумотлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бундай даъвони таъминлаш чораси қимматли қоғозлар бозорида иштирокчилар ўртасида низолар (қимматли қоғознинг бир шахсдан бошқасига, кейин учинчи шахсга ўтиб кетишининг олдини олишга қаратилган) келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган.

Иқтисодий суд даъвони таъминлаш бўйича бир вақтнинг ўзида бир нечта чора кўриши, шунингдек қўлланиладиган чораларни бирлаштириши мумкин. Масалан, иштирокчининг МЧЖ устав капиталдаги улушига (улушнинг бир қисмига) тақиқ қўйиш ва рўйхатдан ўтказувчи органга ушбу улушни бегоналаштириш билан боғлиқ ёзувлар киритишни тақиқлаш шулар жумласидандир.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек корпоратив низолар бўйича суд ҳужжатлари ижросининг самарали таъминланишига эришиш ва бу борадаги суд амалиётини унификация қилиш мақсадида ИПКнинг 214-моддаси мазкур мақолада санаб ўтилган даъвони таъминлаш чоралари рўйхатига киритилиб, уларни амалиётда қўллаш бўйича Пленум қарорларида тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корпоратив низолар бўйича даъвони таъминлаш чоралари корпоратив муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этиши билан бир қаторда, бундай чораларнинг кўрилиши корпоратив муносабатларни чигаллаштириб, юридик шахснинг фаолияти тўхтаб қолишига сабаб бўлмаслиги лозим.

**Мақсудбек САИДОВ,**

*Ғиждувон туманлараро иқтисодий судининг судьяси, ю.ф.ф.д. (PhD).*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ведяхин В.М., Шубина Т.Б. Защита права как правовая категория // Правоведение. 1998. №1. – 69-б.
2. Гессен И. В., Жуйков В. М. Судебная реформа в прошлом и настоящем. М.: ГОУ ВПО “Российская академия правосудия” 2007. 415 с.
3. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 4-1001-2206/5660 сонли иши.
4. Ғиждувон туманлараро иқтисодий судининг 4-2003-2101/26-сонли иши.
5. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravo-na-ispolnenie-sudebnogo-akta/viewer>.

## МЕҲНАТ СУДЛАРИ – ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

### АННОТАЦИЯ:

мақолада меҳнат низоларини самарали ҳал этиш бўйича хорижий ва ҳамдўстлик давлатларининг судларни ихтисослаштиришга оид тажрибаси илмий-амалий жиҳатдан ўрганилиб, умумюрисдикция судлари негизида фуқаролик суд ишларини юритишни жадаллаштиришга хизмат қилувчи ихтисослашган меҳнат судларини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** ихтисослашган меҳнат судлари, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар, фуқаролик суд ишларини жадаллаштириш, фуқаролик процесси, одил судлов, келиштирувчи судлар ҳамда хорижий тажриба.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар суд ишларини юритишнинг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштиришни, адолатли ва асосланган қарорлар чиқаришни, ишларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш орқали умумюрисдикция судлари негизида одил судлов самарадорлигини оширишни, бир сўз билан айтганда, суд тизимини жадаллаштиришга хизмат қилувчи ихтисослашган меҳнат судларини ташкил этишни тақозо этмоқда.

Бу борада, хорижий ва ҳамдўстлик давлатларининг судларни ихтисослаштиришга оид бўлган тажрибаларини ўрганиш, уларни илмий-амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Аксарият Европа мамлакатларида (Германия, Финландия, Буюк Британия, Франция, Австрия, Бельгия, Дания, Люксембург, Испания, Португалия, Швеция, Норвегия, Янги Зеландия ва Исроил) фуқаролик ишларини кўрадиган судлар ичида меҳнат низоларини ҳал этадиган, ихтисослашган меҳнат судлари ташкил этилган бўлиб, мазкур судларга айрим туркумдаги меҳнат низоларини кўриш ва ҳал этиш вазифаси юклатилган ҳамда улар шу орқали меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиб мамлакатда бозор иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашдилар.

Бир неча йиллар давомида (Францияда 200 йил аввал) фаолият кўрсатиб келаётган ихтисослашган меҳнат судлари ўзини ҳар томонлама оқлагани, ижтимоий-ҳуқуқий инфратузилманинг муҳим институти сифатида амалиётда нечоғлик зарур ва фойдали экани, меҳнат низоларини ҳал этишнинг самарали усули сифатида тарафларнинг ёки умуман жамоатчиликнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бериши ҳуқуқий адабиётларда ҳам таъкидланиб келинади.

Айтиш жоизки, ГФРда ихтисослашган меҳнат судлари бир мунча изчиллик билан ривожланиб, суд тизимида ўзига хос ўрин эгаллаган. Мазкур мамлакат суд тизимида бешта мустақил суд: умумий, маъмурий, меҳнат, молия ва ижтимоий судлар фаолият кўрсатиб келади.

Германияда ўзига хос мавқе ва алоҳида мақомга эга бўлган меҳнат ишлари бўйича ихтисослашган судлар тизими қуйидаги учта инстанциядан иборат:

1) ишларни мазмунан кўрадиган биринчи инстанция судлари;

2) куйи судларнинг ҳал қилув қарорларини апелляция тартибиде кўрадиган ер (земел) судлари;

3) меҳнат ишлари бўйича барча судларнинг қарорларини бекор қилишга ваколатли бўлган олий инстанцияси суди ҳисобланган меҳнат ишлари бўйича Федерал суди.

ГФРда жами бўлиб 94 та меҳнат ишлари бўйича биринчи инстанция судлари мавжуд бўлиб, ҳар бир федерал ерларда биттадан, айримларида эса иккита ёки учтадан меҳнат ишлари бўйича ер судлари фаолият кўрсатади. Ер судларининг умумий сони 19 тани ташкил этиб, ушбу тизимга ГФРнинг меҳнат ишлари бўйича Федерал суди бошчилик қилади.

Германияда меҳнат ишлари бўйича судларга қуйидаги ишлар тааллуқли ҳисобланади:

якка тартибдаги меҳнат низолари;

тариф келишувларидан келиб чиқадиган жамоа меҳнат низолари;

корхонада мавжуд бўлган кенгашларнинг фаолияти билан боғлиқ низоли ишлар.

Ҳозирги кунда мазкур судлар амалиётда кўплаб учрайдиган қуйидаги меҳнат низоларини кўриб чиқадилар:

1) меҳнат шартномаларини тузиш, амалга ошириш ҳамда бекор қилиш билан боғлиқ низоли ишлар;

2) меҳнат шартномаси тарафларининг бир-бирига нисбатан етказилган зарарларни ундириш тўғрисидаги низоли ишлар;

3) қасаба уюшмаси иштирокидаги низоли ишлар.

Германияда меҳнат ишлари бўйича олиб борилган суд жараёнлари фуқаролик процессининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам меҳнатга оид низоли ишларни ҳал этиш жараёнида ГФР Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли моддалари ҳамда “Германия суд тузилиши тўғрисида”ги Қонуни татбиқ этилади. Ўз навбатида, ушбу нормалар 1953 йилда қабул қилинган “Меҳнат ишлари бўйича судлар тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган қоидаларни тўлдиришга хизмат қилади.

Меҳнат ишлари бўйича биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорларининг дарҳол ижро этилиши маз-

кур туркумдаги низоли ишларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни кўриш ваколатига эга бўлган ихтисослашган меҳнат судларини ташкил этиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш борасида ривожланган Европа давлатлари катта тажрибага эга эканлигини эътироф этган ҳолда ҳамдўстлик давлатлари қонунчилик тажрибасида ҳам ихтисослашган меҳнат судларини ташкил этишга қаратилган тадбирлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Масалан, меҳнат ишларини кўрувчи судларни ислоҳ қилиш Россия Федерацияси Ҳукуматининг 1997 йил 26 февралдаги Қарори билан тасдиқланган (давлат Думасида маъқулланган) ва “1996-2000 йилларда Россия Федерациясида ижтимоий ислохотларни амалга ошириш Дастури” да назарда тутилган бўлиб, унга кўра, ислохотларнинг биринчи босқичида умумюрисдикция судларини ихтисослаштириш, иккинчи босқичида эса ихтисослашган меҳнат ишлари бўйича судларни ташкил этиш белгиланган эди. Лекин мазкур Дастурда белгиланган вазифалар бажарилмай қолди ҳамда ҳозирги кунда Россия Федерациясида ҳам ихтисослашган судларни ташкил этиш масаласи ўз долзарблигини йўқотмаган.

Айрим ҳуқуқий адабиётларда ишга тиклаш ҳақидаги низоли ишларни кўриб ҳал этиш келиштирувчи судлар ваколатига берилмаганлигининг мақсадга мувофиқлиги эътироф этилади ва бунинг асосий сабаблари сифатида келиштирувчи судларнинг мақсад ва вазифалари, ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинганлигини кўрсатадилар. Хусусан, В.М.Оробецнинг фикрича, келиштирувчи судлар одатда оилавий, маиший тусдаги ҳамда майда мулкий низоларни ҳал этиш ваколатига эга бўлиб, низолашувчи томонларни ўзаро манфаатли асосда муроасага келтириш орқали ишни тинч йўл билан ҳал этишга, низосиз ишни эса суд буйруғи бериш орқали ҳал этишга ҳаракат қиладилар. Дарҳақиқат, олимнинг фикрини давом эттириб, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, меҳнат низолари ўз мазмун ва моҳиятига кўра мураккаб бўлган фуқаролик ишлари тоифасига киради. Шунинг учун ҳам меҳнатга оид айрим низоли ишлар, масалан, ишга тиклаш, етказилган зарарларни (шу жумладан, маънавий зарарни) ундириш тўғрисидаги ишлар келиштирувчи судларда кўриб ҳал этилиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу эса келажакда меҳнатга оид низоли ишларни кўриб ҳал қилувчи ихтисослашган меҳнат судларни ташкил этишга ҳамда барча туркумдаги меҳнат низоларининг ушбу судлар томонидан кўрилишига замин яратади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунос олим В.М.Оробец Россия суд органларининг иш фаолиятлари ҳамда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини эътиборга олган ҳолда ихтисослашган меҳнат ишлари бўйича судларни ташкил этиш таклифини илгари сурган.

Юқорида ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда ҳамдўстлик давлатлари ҳуқуқшунос олимлари томонидан амалга оширилаётган тадқиқот ишларининг натижаларидан келиб чиқиб, шундай хулоса

қилиш мумкинки, одил судловнинг сифати ва самарасини оширишда ихтисослаштирилган меҳнат судлари муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, бу борада қонун ҳужжатларини такомиллаштириш нуқтаи назардан жаҳон тажрибасида қўлланилиб мамлакатимизда йиллар давомида синовдан ўтиб келаётган фуқаролик ишлари бўйича судлар негизида меҳнатга оид ишларни кўрувчи ихтисослашган меҳнат судларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Меҳнатга оид ишларни кўрувчи ихтисослашган судларни ташкил этиш бирмунча вақт талаб этишини ҳисобга олиб, қуйидагилар таклиф этилади:

1) меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар қошида меҳнат ишларини кўришга ихтисослашган профессионал ҳамда профессионал бўлмаган (жамоатчи) судья ҳамда иккита суд маслаҳатчисидан иборат таркибда ихтисослашган суд мажлисларини ташкил этиш;

2) меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўриш тартибини белгиловчи миллий қонунчилигимизни ва уни амалиётда қўллаш масалаларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ янги қонун ҳужжатларини тайёрлаш;

3) ишларни қайта кўриш ваколатига эга бўлган меҳнат ишлари бўйича апелляция ва кассация судларини жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда, ихтисослашган меҳнат судлари ижтимоий-ҳуқуқий инфратузилманинг муҳим институти сифатида фуқаролик судларида кундан-кунга кўпайиб бораётган ишлар ҳажми (юкламаси)нинг камайишида, умумюрисдикция судларида одил судлов самарадорлигининг ошишида, тарафлар ўртасидаги меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишни таъминлашда ва шу орқали суд ишларини юриштишни жадаллаштиришда, қолаверса, мамлакат бозор иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада, кўплаб ҳуқуқшунос олимлар ҳам ўз асарларида фуқароларнинг ҳуқуқларини суд воситасида ҳимоя қилишда ихтисослаштирилган меҳнат судларини ташкил этиш, уларни мутахассислар билан таъминлаш ҳуқуқий давлат тамойилларининг аниқ кафолати ҳисобланишини таъкидлаб ўтганлар.

**Ўткирбек ДАВЛЕТОВ,**

*Жамоат хавфсизлиги университети кафедра бошлигининг ўринбосари, ю.ф.б.ф.д (PhD), доцент.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Долганова Н.В. Судебная система Германии: некоторые особенности структуры судов. – 2020. – № 45 (335). – С 82-84.
2. Оробец В.М. Специализированные трудовые суды: зарубежный опыт и российское законодательство // Журнал российского права. 2003. -№ 9. <http://www.lawmix.ru/comm.php?id=107>
3. Костян И., Пискарев И., Шеломов Б. О специализированных судах по трудовым делам // Хозяйство и право. 2003. N 8. С. 30.
4. Свод Законов Российской Федерации. 1997. -№ 10. -1173 с.
5. Шорахметов Ш.Ш. Суд тизимини ислоҳ қилиш – давр талаби. Қонун номи билан. 1997. - № 3. - 41 б.
6. <https://www.Arbeitundleben-bhv.de/index.php/datenschutz-unten>.

# ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

*мақолада муаллиф фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки заруриятининг илмий асосларини кўрсатиб, унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишда иштирок этишининг мақсади, судда иштирок этишининг илмий назарий асослари, умумий ва махсус ҳуқуқлари, бу борадаги олимларнинг қарашларини таҳлил қилиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этган.*

**Калит сўзлар:** *фуқаролик суд ишларини юритиш, прокурор, прокурор мақсади, прокурорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, умумий ҳуқуқлар, махсус ҳуқуқлар.*

Прокурор – давлат вакили бўлган мансабдор шахс. У фуқаролик процесси субъекти сифатида алоҳида ўринга эга. Прокурорнинг вазифаси ҳуқуқий муносабатлар эгаларининг жамоат, шунингдек шахсий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Инсон ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий соҳаларида юзага келадиган кўплаб муаммолар фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда прокурор шахсининг аҳамиятини долзарблаштиради.

Илмий манбаларда прокурорнинг фуқаролик суд иши жараёнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари икки турга ажратиб кўрсатилади:

- биринчидан, судда фуқаролик ишини кўзғатиш ваколатига эга бўлган шахсларга бериладиган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар. Бирок, процессда прокурорнинг ҳуқуқий ҳолати низоли ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига қараганда бирмунча чекланганлиги билан ажралиб туради. Масалан, прокурор низоли-ҳуқуқий муносабат субъекти бўла олмайди, шу сабабли унга нисбатан жавобгар томонидан қарши даъво кўзғатилмайди, қолаверса прокурор келишув битими туза олмайди ва бошқалар.

- иккинчидан, махсус ҳуқуқлар ва мажбуриятлар. Прокурорга ўзи эгаллаб турган мансаб мавқеига кўра, шундай махсус ҳуқуқлар берилганки, ушбу процессуал ҳуқуқлардан процесснинг бошқа иштирокчилари фойдалана олмайди.

Шу жиҳатдан ФПКда мавжуд прокурорнинг ҳуқуқларини процессуал жиҳатдан умумий ва махсус ҳуқуқларга ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш ва ҳақозо. Махсус ҳуқуқлари сифатида эса, берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш ва бошқалар.

Суд амалиёти таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, прокурорнинг судга даъво ариза (ариза) келтириши ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун ҳар томонлама ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексига "... прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга" эканлиги кўрсатилган эди. Бош прокурорнинг "Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш ҳақида"ги 1998 йил 12 ноябрда қабул қилинган

16-сонли буйруғида ҳам прокурорнинг ўз ташаббуси билан бошқа тоифадаги ишлар кўрилишида ҳам иштирок этиши ижобий баҳоланиши кўрсатиб ўтилган эди.

2021 йил 12 январдаги ФПКга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра эса, "прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан кўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас", - дейилган.

Бундай ҳолатда ФПКга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар фуқаролик процессида прокурорнинг позицияси кескин ўзгаришларга дуч келганлигини кўрсатади, бу ҳолат эса прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этишдаги ҳуқуқларини чеклайди.

Ушбу қонданинг алоҳида эътиборга молик томони шундан иборатки, прокурорнинг бошқа шахслар томонидан кўзғатилган ишнинг муҳокамасида иштирок этишидан мақсади ёки манфаати шахсий эмас, балки давлат-жамият хусусиятига эгадир. Прокурор процессда қонунийликка қатъий риоя этилишига, процессуал нормалар, фуқаролар, ташкилотлар ва ҳокимликлар ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилмаслигидан манфаатдордир.

Бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари турлича. Жумладан, Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, прокурор фуқаролик жараёнида қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан ва одил судловни амалга оширишда судга кўмаклашиш мақсадидан бир қатор процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади. Прокурор қандай процессуал ҳуқуқларга эга бўлиши, унинг жараёнда иштирок этиш шаклига қараб белгиланади, яъни ўз ташаббуси билан ариза берса, ўз талабларини исботлашга мажбур ва даъвогар тарафнинг бир қатор процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади. Прокурор ишда қандай шаклда иштирок қилса ҳам, у ҳамма вақт суд фаолиятини эмас, балки судда қонуннинг бажарилишини назорат қилади ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахс бўлиб қолаверади.

В.Н.Шегловнинг ёзишича, "прокурор томонидан даъво кўзғатиш ва уни жараённинг исталган босқичида ишга кириш учун асос давлат ва жамият манфаатларини ёки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланган манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати ҳисобланади. Бирок, фақат прокуратуранинг мақсад ва вазифалари фуқаролик процессига кириш учун асос бўла олмайди".

М.В.Гадиятова таъкидлаганидек, "прокурорнинг жараёнда иштирок этишидан кўзланган мақсади унинг иштироки учун асос бўлиши мумкин эмас, чунки биринчидан, проку-



рорнинг процессда иштирок этишининг асоси прокурорнинг протуратура олдига кўйган мақсадларига эришиш учун ишда иштирок этишга бўлган хоши-иродаси билангина эмас, балки унинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган процессда иштирок этиши ҳолатлари, иккинчидан, ишда иштирок этишининг мақсади ҳисобланади”.

Т.Н.Маслованинг фикрича, “прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиши учун асослар тушунчасини аниқлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур: прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг асоси прокуратура унинг жараёнда иштирок этишдан кўзланган мақсад сифатида тушунилади, яъни қонунни ҳимоя қилишдир. Аниқроғи, прокурорнинг жараёнда иштирок этишининг ҳуқуқий асоси фуқаролик процессида прокуратуранинг иштирокини таъминлайдиган қонунлар бошқа ҳуқуқий нормалар деб тахмин қилиш керак”.

Бошқа илмий манбаларда, фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асоси прокурор зиммасига қонун билан юклатилган мақсад ва вазифалардан, яъни қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш муддаосидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштирокининг асосини унинг функцияси ташкил этади, деган фикрни илгари суради.

М.Мамасиддиқов эса, фуқаролик суд ишларини юритиш билан боғлиқ бўлган қонунларнинг бажарилиши юзасидан прокурор ваколатини таъминлаш мақсадида прокурор судларнинг мустақиллиги ва фақатгина қонунга бўйсунуш тамойилига қатъий риоя этиб, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан одил судловни амалга оширишга кўмаклашади деган фикрни билдиради.

Шундан келиб чиқиб, прокурор судларда фуқаролик ишлари кўрилишида иштирок этганда қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаришини илмий жиҳатдан таҳлил қиламиз.

Айтишимиз мумкинки, прокурор фуқаролик процессида иштирок этиши мумкин бўлган ишларнинг тоифалари чексиз эмас. Юқорида айтилганидек, айрим ҳолларда прокурор иштирокида муайян чегаралар мавжуд бўлиб, уларнинг иш юритишида давлат аралашувига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолатлар хусусий характердаги низоларни ўз ичига олади ва уларда етарлича жиддий сабабларсиз иштирок этиш мумкин эмас.

Шуни таъкидлаймизки, прокурор жараёнга фақат икки шаклда кириши мумкин:

- агар фуқаро соғлигининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга;

- фуқаролик процессуал кодексининг муайян нормалари билан бевосита прокурорнинг ваколатига кирадиган иш бўйича фикр бериш учун судга мурожаат қилади.

Мамлакатимиз қонунчилигида прокурорнинг даъво аризаси (аризаси)да манфаати кўзланган шахслар миқдори аниқ

кўрсатилмаган. Бундан тушуниш мумкинки, прокурор номуайян миқдордаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари бузилганлиги тўғрисида ариза билан суд органига шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Аммо, бошқа фуқаролик процесси иштирокчиларининг катта қисми бундай ҳуқуққа эга эмас.

Прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун суд органига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аммо, шунга қарамай қонунчилигимизда прокурорнинг суд органига қарши даъво билан мурожаат қилиш имконияти назарда тутилмаган.

Баъзида мустақил равишда судда ўз ҳимоясини амалга оширишга қодир бўлмаган фуқароларни ҳимоя қилиш мақсадида прокурорнинг қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиши мантиқан тўғри бўлар эди.

ФПКнинг 51-моддаси прокурорга, биринчидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга қарши даъво кўзғатиш имконини беради, иккинчидан агар қонун бузилишлар аниқланган бўлса, прокурор фикр бериш жараёнида фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисида бир фуқаролик иши доирасида дастлабки даъвогарга қарши даъво кўзғатишга ҳақли бўлар эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ФПКнинг прокурорнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритилган моддасини амалиётдаги мавжуд муаммолар ва процессда келиб чиқадиган ноаниқликларни бартараф этиш бўйича, айниқса, давлат ва жамият манфаатларига дахлдор ишлар юзасидан прокурор ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш лозим бўлади.

**Барно УМАРОВА,**

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи, юридик фанлари номзоди, мустақил изланувчи.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гадиятова М.В. Участие прокурора при рассмотрении гражданских дел судами. Дисс.канд.юрид.наук. Екатеринбург.2005.С.62.
2. Иванов С.А. Защита прокурором прав и законных интересов граждан в российском гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -М., 2009. -18 с.
3. Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве. Дисс. канд. юрид. наук. - Саратов, 2002. -14 с., 39 с.
4. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш масалалари // Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент, 2019.-10 б.
5. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. Тошкент.2010 й.122-124-Б.
6. Шеглов В.Н. Субъекты судебного гражданского процесса. Томск.1979. С. 99.
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т.“Адолат. 1997 й.22-Б.”
8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 16-сонли буйруғи. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази. Тошкент.1999 й. 191-197 Б.
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси//26.12.2023й., 03/23/887/0972-сон.
10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021й./03/21/661/0011-сон.

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯЛАРИДА ЙИГИЛИШ ҚАРОРЛАРИНИНГ ЎРНИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда йиғилиш қарорларининг ўрни ва аҳамиятига тўхталиб ўтилган. Бир қатор хорижий олимларнинг ушбу соҳадаги изланишлари ўрганилиб, уларнинг фикр ва хулосалари таққослаб чиқилган. Шунингдек, вояга етмаганлар масалалари бўйича ҳудудий комиссияларда қабул қилинган йиғилиш қарорларининг аҳамияти хусусида амалиётдаги аниқ мисолларга таянган ҳолда атрофлича таърифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** *Йиғилиш ва битим атамалари, йиғилиш қарорлари, Олий суд Пленуми, акциядорлик жамиятлари, вояга етмаганлар масалалари бўйича комиссия қарорлари.*

Бугунги кунда йиғилиш қарорини юридик фактлар тизимида расмийлаштириш унинг ҳуқуқий табиати ҳақида янги мунозаралар тўлқинига сабаб бўлди. “Йиғилиш қарорлари” атамасини ва унинг ҳуқуқий моҳиятини тушуниш учун “йиғилиш” сўзининг ўзига хос маъносига мурожаат қилиш зарур. Умумий лексик маъноси “бирлашма” сўзига яқин, яъни бирлашган (боғланган) шахслар тўпламини ифодалайди. Бирон муайян мақсадга эришиш учун саъй-ҳаракатлар амалга ошириш ва (ёки) мулкдан фойдаланиш, ушбу уюшманинг ҳар бир аъзоси учун бир хил даражада зарур бўлган, фуқаролигидан қатъи назар турли субъектлар бирлашмасидан таркиб топган уюшма сифатида бўлиши зарур. Бир қатор олимлар яъни, В.А. Белов, Г.В. Ломакин, А.Ю. Ганизев, В.К. Андреев, А.А. Маковская, Н.Б. Романоваларнинг фикрига кўра, йиғилиш қарорлари махсус юридик факт сифатида, битимдан фарқ қиладиган, принципиал ҳужжатдир. Рим хусусий ҳуқуқининг асосий тушунчалари корпоратив муносабатларга қўлланилмайди. Йиғилиш қарорининг юридик фактлар тизимидаги ўрни ва унинг ҳуқуқий масаласи нафақат назарий, балки амалий хусусиятга эга. Ҳозирда битим ва йиғилиш қарори ўртасидаги муносабатларнинг бир нечта турлари мавжуд: баъзи олимлар йиғилиш қарорини бир томонлама келишув деб ҳисобласалар айримлари йиғилиш қарорларининг ҳуқуқий моҳиятини кўп томонлама битим сифатида тан оладилар. Яна бир тоифа олимлар эса йиғилиш қарори мустақил юридик аҳамиятга эга бўлган юридик факт эканлигини таъкидлайдилар. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ва қонунчиликни тартибга солишда йиғилиш қарорининг таснифи узоқ вақт давомида мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу ҳуқуқий тушунчанинг аниқ таърифи йўқ эди.

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат ва бошқарув органларида, маҳаллий ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш органларида, корхона ҳамда ташкилотларда иш фаолиятини ташкил этиш, юклатилган вазифалар ижросини ва соҳага оид муҳим масалаларни ўзининг йиғилишларида кўриб чиқиш ҳамда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий таълимотимизда мавжуд бўлган юридик фактлар орасида йиғилиш қарорлари энг кам ўрганилганларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтдик. Табиийки, бунга сабаб йиғилиш қарорларига конкрет қонуний таъриф йўқлиги, уни тартибга солувчи нормалар етарлича мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Мажлислар, йиғилишлар қарорлари фуқаролик-ҳуқуқий аҳамиятга эга омиллар сифатида қаралади. Йиғилишда овоз бериш фуқаролик-ҳуқуқий жамият аъзосининг аниқ қарор қабул қилишдан манфаатдорлиги билан бевосита белгиланади.

Йиғилиш юридик шахсларнинг бошқарув органи бўлиб, унда иштирок этиш ва овоз бериш орқали улар юридик шахсни бошқариш имкониятига эга бўладилар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 243-моддасига мувофиқ болалар масала-

лари бўйича комиссиялар ўзларига тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни комиссия таркиби аъзоларининг (ҳокимият, ички ишлар, халқ таълими ва ҳ.к.) камида ярми мавжуд бўлганда кўриб чиқишга, ушбу кодекснинг махсус қисмида назарда тутилган маъмурий жазоларни ўзларига берилган ваколатлар доирасида қўллашга ҳамда оддий кўпчилик овоз билан қарорлар қабул қилишга ҳақлидир.

Шу ўринда вояга етмаганлар комиссияси билан боғлиқ мисолларга мурожаат этмоқчимиз. Хусусан, Фарғона вилояти туманларидан бирининг туман ИИБ томонидан комиссияга чиқарилган мурожаатларидан бирига кўра, вояга етмаган 16.03.2009 йилда туғилган фуқаро дарс машғулотларини мунтазам равишда қолдираётганлиги, юриш-туриши, хатти-ҳаракатида салбий ўзгаришлар бўлаётганлиги ва рухсатсиз яшаш хонадонидан мунтазам чиқиб кетаётганлиги сабабли туман комиссияси томонидан 2022-йил 18-октябрда яқка тартибда профилактик ҳисобга олинган. Вояга етмаганнинг хулқида ўзгариш бўлмаганлиги сабабли ота-онасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МҲТКнинг 47-моддаси бўйича маъмурий жазо чоралари қўлланилган. Вояга етмаганнинг оиласи кам таминланган, жанжалкаш оила бўлганлиги сабабли, маҳалла ҳамда мактаб томонидан амалий ёрдамлар бериб борилган. Ушбу ҳолат юзасидан туман ИИБ томонидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, вояга етмаган фуқаронинг назоратсизлигини, келгусида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида туман ИИБ томонидан вояга етмаганга жамоатчи тарбиячи тайинлаб бериш ва назоратига олиш сўралган.

**Баён этилганлардан келиб чиқиб, қонунчиликка қуйидаги тақлифларни бериб ўтмоқчимиз:**

1. *Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига йиғилиш қарорлари бўйича алоҳида модда киритилиши;*

2. *Жисмоний ва юридик шахслар учун муҳим бўлган йиғилиш қарорлари ва унинг ижроси оммавий ахборот воситаларида доимий ёритиб борилиши;*

3. *Йиғилишларда кўриладиган масалалар юзасидан жисмоний ва юридик шахслар томонидан билдириладиган тақлифларга эътибор қаратиш лозим.*

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, йиғилиш қарорлари муҳим фуқаролик-ҳуқуқий ҳужжат эканлигидан ҳамда унинг натижасида кўплаб ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда, бу соҳада изланиш олиб борган хорижий олимларнинг илмий изланишларидан ҳамда халқаро қонунчиликдаги мавжуд нормалардан ўрганишлар олиб бориш ва уни миллий қонунчилигимизга жорий этишга тақлифлар киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Сарвиноз Хасанова,**  
ТДЮУ мустақил изланувчиси.

# ХАЛҚ БУГУНИДАН РОЗИ БЎЛСИН

**Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2-модда**

Мамлакатимизда инсон кадрини улуғлаш, давлат органларининг халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиши ва барча бўғин мансабдор шахсларининг фуқаролар олдидаги масъуллиги Бош қомусимиз орқали белгилаб бериларкан, бугунги жараёнлар бунинг амалдаги ижобий натижасини ифода этиб бормоқда. Хусусан, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда, аҳолига намунали давлат хизматларини кўрсатишда янгича тартиб ва мезонларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани йиллар давомида ечимини кутиб келаётган муаммоларга барҳам беряпти. Биргина адлия тизимидаги ислохотлар натижаси ўлароқ бугунги ўзгаришлар таҳлил қилинганда соҳанинг давлат идоралари ва халқ ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажараётганини кўриш мумкин. Кўрсатилаётган ҳуқуқий кўмаклар ва давлат хизматлари натижалари эса фикримиз исботидир.

Мавзуни Қашқадарё вилояти мисолида таҳлил қиларканмиз, ўтган 2023 йил давомида вилоят адлия бошқармаси ва унинг қуйи бўғинлари томонидан аҳолига жами 1.057.412 та давлат хизмати кўрсатилган бўлиб, йил давомида 36 991 та тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказилди.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг туб мақсади инсонга муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Демократик давлатда эса инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинади, унинг муносиб ҳаёт кечириши учун давлат томонидан кўмак берилди. Буни мисоллар билан далиллайдиган бўлсак, янги ташкил этилган Кўкдала туманида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва расмий ҳужжатлар билан боғлиқ етарлича муаммолар мавжуд эди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан туманининг “Қанотли”, “Чорвадор” ва “Тошли” МФЙларида аҳолининг никоҳ, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни расмийлаштириш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этиш мақсадида ташкил этилган акцияда ҳудудда 1205 та давлат хизматлари кўрсатилиб, 110 та туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар, 109 та никоҳни қайд этиш гувоҳномалари расмийлаштириб берилди.

Ахборот асрида вақт ва ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишда, жорий этилаётган электрон хизматлардан фойдаланишда, албатта, аҳолидан бу борада етарлича тушунча ва билим талаб этилмасдан қолмайди. Шу боисдан ўтказилган “Ҳар бир уйга бепул ҳуқуқий маслаҳат билан” шиори остидаги ҳуқуқий акция доирасида фуқароларни “my.gov.uz” тизимидан фойдаланишни бепул ўргатиш мақсадида чекка ҳудудларда сайёр давлат хизматлари кўрсатилди. Ушбу тадбирларда жами 97.320 нафар фуқаро қамраб олиниб, онлайн хизматлар афзалликлари тушунтириб ўтилди.

Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида фаолият олиб бораётган Қарши шаҳри ва Шаҳрисабз тумани давлат хиз-

матлари марказидаги хорижга чиқиш биометрик паспортни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар қўшимча яна 10 та туман ДХМларида ҳам йўлга қўйилди.

Соҳадаги янгиликлардан бири бу ДХМларда жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган хизматларнинг алоҳида тоифаларга ажратилганлиги бўлди, дейиш мумкин. Яъни, ушбу амалиёт натижасида фуқароларнинг навбат кутиш вақти 2-3 ҳиссага камайишига эришилди.

Табиийки, фуқаролар ҳуқуқларининг қонуний ҳимояланишида уларнинг тегишли ҳужжатларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, туғилишни қайд этиш, ўз вақтида туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштириш кейинги жараёнларда фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан вилоятдаги ФХДЁ бўлимлари томонидан аҳоли ўртасида бу борада тушунтириш ишлари олиб бориш тизимли йўлга қўйилган.

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2023 йилда вилоятда 102 345 та туғилиш қайд этилган бўлиб, 554 ҳолатда туғилиш муддати ўтказиб қайд этилган. 4866 та ҳолатда оталикни белгилаш, 392 та ҳолатда фарзандликка олиш хусусидаги далолатномалар расмийлаштирилган.

Албатта, мазкур йўналишда ҳам аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида онлайн платформа орқали ҳужжатларни расмийлаштириш йўлга қўйилган бўлиб, 68 та туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома онлайн аризалар орқали расмийлаштирилиб, тегишли тартибда манзилига етказиб берилган.

**Нилуфар САТТАРОВА,**

*Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси  
Ҳуқуқий ахборот бўйича бош маслаҳатчиси.*

**Орзу-ҳавасингнинг  
меъёрини бил, очкўз-  
лик йўлига кирма. Ал-  
лоҳ марҳамат қилган-  
нида ризқ-бараканинг  
ниҳояси йўқдир.**

**Юнус ибн  
УБАЙД**

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Фуқаролик жамиятида сўз эркинлигини самарали таъминлаш қанчалар муҳим бўлса, суд мустақиллиги, судьялар дахлсизлигининг аҳамияти ҳам ундан кам эмас. Жамият ҳаётида очиқлик ва шаффофлик ўз ифодасини топар экан, медиа майдонида суд тизими фаолиятига оид ахборотлар салмоқли ўрин эгаллаши аниқ. Бундан ташқари, тизимдаги очиқлик ва шаффофлик инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Тизимда коррупциянинг олдини олишда ҳам айни омилнинг аҳамияти катта.*

Судьялар одоби кодексида қайд этилганидек, суд фаолияти самарадорлиги жамиятнинг унга бўлган ишончига ва суд томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳуқуқий асосларини тўғри тушунишига ҳам боғлиқ. Бунинг учун эса кенг жамоатчиликка судлар фаолияти тўғрисида ҳолис, ишончли ва тезкор ахборотлар бериб борилиши керак. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс. Шу боис, Судьялар олий кенгаши фаолиятини тартибга солувчи қонунда наинки Кенгаш, балки суд тизими фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга оид чора-тадбирлар кўриш мазкур конституцион органнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Мазкур қонунда шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликка оид норма ҳам ўз ифодасини топгани бежиз эмас.

Бу изчил давом этадиган жараён, самара шунда кўзга ташланади. Ҳар йили Кенгаш ташаббуси ва Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда журналист ва блогерлар учун бепул икки ҳафталик ўқув машғулоти ташкил қилиб келиниши ҳам аҳамиятли бўлиб, якунида уларга сертификат ва “Судлар фаолиятини ёритишнинг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос жиҳатлари” номли ҳуқуқий қўлланма тақдим этилади. Ўқув машғулотида шу пайтгача 120 нафардан зиёд журналист ва блогерлар иштирок этганликлари ва уларнинг сафи кенгаёётгани жамоатчиликни хурсанд қилади, албатта. Чунки суд ишларини ёритишнинг нозик ва ҳассос жиҳатлари бор. Бунда ишдаги тарафларнинг шаъни ва қадр-қиммати, шахсий ҳаётига оид маълумотлар муҳофазасидан тортиб, судга таъсир ўтказмасликкача бўлган омиллар жуда муҳим ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари, айниқса, ижтимоий тармоқлар биринчи навбатда мулоқот ва янгилик тарқатиш воситаси ҳисобланиб, жамоатчилик фикрини жуда қисқа вақтда шакллантириши исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Шу боис, судларда кўрилаётган ва ҳали ниҳоясига етмаган ишлар ҳақида олдиндан билдирилаётган муносабат ва турли башоратлар маълум босимлар пайдо қилиши, ҳатто якуний қарорга таъсир этиши эҳтимолини келтириб чиқаради. Судга таъсир ўтказиш учун ижтимоий тармоқлар имкониятидан фойдаланишга уриниш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Ваҳоланки, суд ишларига ҳар қандай кўринишда таъсир ўтказишга уриниш жиноий жавобгарликкача бўлган чоралар кўришга сабаб бўлиши қонунларда белгилаб қўйилган. Катта-кичик мансабдор шахслардан оддий фуқарогача судьяларни ҳурмат қилиши, уларни очикдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш мумкин эмаслиги хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Амалдаги процессуал қонунчилигимизда суд қарорига нисбатан шикоят бериш тартиби белгиланган. Норози тараф ўз

важларини кўрсатган ҳолда апелляция ва кассация инстанциясига ҳамда тафтиш тартибида судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Мазкур инстанцияларда ишлар очиқ (қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно) суд мажлисларида кўриб чиқилади, келтирилган барча важлар ўрганилиб, қуйи суд қарорларига ҳуқуқий баҳо берилади. Шунинг учун ҳам суд инстанциялари мавжуд. Яъни, қуйи суд қарорларига фақат ва фақат юқори суд инстанцияси ҳуқуқий баҳо беради. Бошқа бирор-бир жамоат ёки давлат ташкилоти ёхуд мансабдор шахс, фуқаро, журналист ёки блогер суд қарорига баҳо беришга ваколатли эмас.

Бундай ҳолатда судьяга раддия билдириш мумкин. Раддия тегишли тартибда кўриб чиқилади. Бундан ташқари, судьянинг ҳаракатидан норози тараф тегишли судьялар малака ҳайъати, Судьялар Олий малака ҳайъати ёки Судьялар олий кенгашига мурожаат қилиши мумкин. Шикоят тегишли тартибда, лозим топилган ҳолатларда хизмат текшируви ўтказиш орқали ўрганилади.

Аммо, шундай ҳолатлар бўладими, ҳали судда кўрилиши бошланмаган ёки ҳали ниҳоясига етмаган ишлар бўйича ахборотлар тарқатилаётган бўлади. Мазкур жараёнда муҳбир ёки блогер бир тараф манфаатига хизмат қилувчи ахборот тарқатиш, ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳақида гапириш, судьянинг шахсига нисбатан ҳурматсизлик қилиши қонунан мумкин эмаслигига урғу берилаётгани сабаби ҳам шунда. Ҳеч ким очиқлик ва ошкораликни суиистеъмол қилишга ҳақли эмас.

Қачонки суд қарори қонуний кучга киргач, тарафларнинг шаъни ва қадр қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлган ҳолда, журналист ёки блогер ўзи иштирок этган суд иши ҳақида ўз мулоҳазаларини шахсий фикри сифатида оммага билдириши мумкин. Келгусида, суд процесслари унда кўрилган низо, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар таҳлил қилиниб, бошқаларга сабоқ ва тегишли хулоса чиқарадиган ҳолда ёритиб борилса, бу жамият учун ҳам фойдали бўлар, табиийки, низолар ва жиноятларнинг камайишига олиб келарди. Шунинг учун ҳам суд процессларини ёритиш масаласига хусусий, кимнингдир манфаати нуқтаи назаридан эмас, балки умумманфаат нуқтаи назаридан қараш лозим бўлади. Бугун ўзини блогер ҳисоблаётганларнинг аксарияти ҳали якуний суд қарори чиқмасдан туриб, бир тараф манфаатида судга нисбатан турли шаклларда босим ўтказиш, судьялар шаъни ва қадр-қимматини камситиш, энг ёмони, судга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқарувчи асоссиз маълумотларни тарқатаётгани ноқонуний ва ачинарлидир. Бундай ҳолатлар бўйича Кенгаш томонидан прокуратура органларига бир нечта тақдимномалар киритилиши натижасида нафақат маъмурий ҳуқуқбузарликка оид, балки жиноят ишлари ҳам кўзгатилишига олиб келди.

**Барчиной ТУЙЧИЕВА,**  
Судьялар олий мактаби магистри.

# ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, таҳлил асосида амалдаги ер қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид таклиф ва ҳулосалар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ер участкаси, бўш турган ер участкаси, давлат кўчмас мулк объектлари, ер участкасини хусусийлаштириш, электрон онлайн-аукцион.

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилган ер муносабатларига оид ислохотлар натижасида ер участкаларини хусусийлаштириш, ерларни муҳофаза қилиш, ер билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи давлат органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш каби ердан фойдаланиш ҳуқуқининг янги шакллари вужудга келди. Бунинг натижасида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар бутунлай янги мазмун-моҳият касб этди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ер умуммиллий бойлик ҳисобланади. Бу эса мамлакат ер фондининг умумий тарзда давлат мулки эканлигини англатади. Бошқа табиий ресурслар каби ер ҳам давлат муҳофазасида бўлиб ундан оқилона, тўғри ва илмий асосланган тарзда фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига асосан ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ер кодексининг 18-моддасига асосан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари хусусийлаштирилганда, қонунчиликда белгиланган тартибда юзага келади.

Дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлигининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонунчиликда белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

2021 йил 15 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунининг 13-моддасида ер участкаларини хусусийлаштириш субъектлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари хусусийлаштириш субъектларидир. Чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, шунингдек давлат органлари, муассасалари ва корхоналари хусусийлаштириш субъектлари бўлмайди.

Ер қонунчилигига кўра, бугунги кунда ер участкалари Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хусусий мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида фойдаланишга берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган

юридик шахсларга эса, мулк ҳуқуқи, ижара ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида фойдаланишга берилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дунёнинг кўпчилик ривожланган давлатларида ер фуқаролик айирбошлаш объекти доирасига киритилишига қарамай, унга нисбатан умумий тартибда давлат мулкчилиги сақланиб қолади. Яъни, давлат юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки ҳисобланган ер участкаларининг сифати, улардан мақсадли фойдаланилаётганлиги, ерларнинг бўш ётмаганлиги каби ҳолатлар устидан доимий назорат олиб боради.

Ер участкалари мулкчиликнинг қандай шаклида бўлишидан ҳамда қандай мақсадда фойдаланилишидан қатъи назар инсонларнинг яшаш манбаи бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун ажратилган ер участкаларидан бир йил давомида, уй-жой ёки бошқа бино-иншоот қуриш учун ажратилган ер участкаларидан икки йил давомида фойдаланиш ишлари бошланмаса ушбу ер участкаси давлат томонидан олиб қўйилиши мумкин. Бугунги кунда хусусийлаштириладиган ерлар асосан аҳоли пунктларининг қурилиш ерларига тўғри келади. Шаҳар (посёлка) ва қишлоқ аҳолисининг яшаш ерлари мамлакатимиз бутун ер фондининг 0,5 % ини ташкил қилади. Энг асосийси эса, ер давлат ҳудуди ҳисобланади.

Мамлакатимизда ер муносабатларини тартибга солиш мақсадида кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон Фармони ҳамда 2021 йил 15 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йил 14 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 71-сон қарори қабул қилинди.

2021 йил 15 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунига кўра, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилмаган ёки ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ер участкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаси ҳисобланади.

Давлатнинг ер фондини бошқариш фаолияти ер участкаларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи жорий этилган шароитда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Шу сабабли давлат нафақат ер фондини бошқаришга ваколатли орган сифатида фаолият юритади, балки ер участкалари хусусий мулкдорларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя ҳам қилади. Шунингдек, давлат

ер участкалари фуқаролар ва юридик шахсларга қандай шаклда тегишли бўлишидан қатъи назар (улар хусусий ёки давлат мулкчилигида эканлигига қарамай) маъмурий-худудий бошқарувни амалга ошириш орқали уларга таъсир ўтказиши.

Мазкур Қонуннинг 11-моддасида ер участкаларини хусусийлаштиришга доир шаҳарсозлик талаблари белгилаб қўйилган. Унга кўра, ер участкаларини хусусийлаштириш аҳоли пунктларининг бош режаларига, аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларига ёки худудларни комплекс ривожлантириш ва режалаштириш бўйича бошқа ҳужжатларга ёхуд ер участкаларидан фойдаланишнинг рухсат берилган турларига мувофиқ амалга оширилади, бундан ушбу Қонун кучга киргунига қадар вужудга келган доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида хусусийлаштириш субъектларига тегишли бўлган ер участкалари, шунингдек хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкалари, мазкур ер участкаларидан фойдаланишнинг асосий мақсадига кўра шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқлангунига қадар сақлаб қолиш шарти билан хусусийлаштирилиши мумкин.

**Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаси сирасига кирадиган куйидаги ер участкалари ушбу Қонуннинг 12-моддасига кўра хусусийлаштирилмайди:**

*фойдали қазилма конлари жойлашган ер участкалари (бундан захиралари фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси ҳисобига олинмаган кенг тарқалган фойдали қазилмалар мустасно);*

*табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар таркибига кирувчи ер участкалари, шунингдек ўрмон ҳамда сув фондларининг, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг умумий фойдаланишидаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, скверлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари);*

*қонунчиликка мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки объектлари жойлашган ер участкалари;*

*шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қонунчиликда чекловлар ўрнатилган худудлардан фойдаланиш зоналарида жойлашган ер участкалари;*

*хавfli моддалар билан зарарланган ва биоген захарланишга дучор бўлган ер участкалари;*

*қонунчиликда белгиланган тартибда махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига тақдим этилган ер участкалари — махсус иқтисодий зона фаолият кўрсатадиган даврда;*

*кўп квартиралар уйлар жойлашган, шунингдек кўп квартиралар уйларга туташ ер участкалари;*

*давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, ижтимоий шериклик тўғрисидаги келишувлар ва шартномаларни амалга ошириш учун берилган, шунингдек юридик шахсларга жамоат эҳтиёжлари учун берилган ер участкалари.*

Ер участкаларини хусусийлаштиришда фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган тартибда ўзганиш ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи белгиланиши мумкин.

Ер участкаларини хусусийлаштириш юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзларига доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эга-

лик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини сотиб олиш ҳамда ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали сотиб олиш каби шаклларда амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ер ҳуқуқида мулк ҳуқуқи институти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у хорижий мамлакатлар ер ҳуқуқининг бошқа институтларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади ва шунга кўра, ушбу давлатлар ер қонунчилигида ва ер-ҳуқуқий адабиётларида ҳақли равишда марказий ўринни эгаллаган.

Ерга нисбатан мулк муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарияси ва амалиётига хорижий мамлакатларда ҳуқуқни оммавий ва хусусийга бўлиш аънанаси сезиларли таъсир кўрсатади. Хорижий мамлакатларнинг замонавий ер ҳуқуқида мулкнинг, хусусан ер мулкчилигининг “ижтимоий функцияси” назарияси кенг тарқалган ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиб, у ерга нисбатан мулкчилик муносабатларига давлат аралашувининг заруриятини асослайди ва ер мулкдорининг ҳуқуқлари доирасини оммавий манфаатлар нуктаи назаридан чеклашни кўзда тутаяди ва бу оммавий манфаатларнинг хусусий манфаатлардан устун туриши билан асослантирилади.

Ерга нисбатан давлат ва хусусий мулкчилик билан бир қаторда хорижий мамлакатларда ер ижараси шартномаси ва ижара муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга. Хорижий мамлакатлар ер қонунчилигида ер ижараси, ижарачиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ер участкаси ижарачиларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатлари масалалари атрофлича тартибга солинган.

Хорижий мамлакатлар ер ҳуқуқида ер муносабатлари субъектларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Ушбу институт нафақат ер, балки бир қатор бошқа ҳуқуқ соҳаларига ҳам таъсир этиши билан аҳамиятлидир.

**Шохназар БОБОКУЛОВ,**

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти.*

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алтеев А., Бобокулов Ш., Муқомов А. Ер мулкчилиги барқарорлигини ҳуқуқий таъминлаш, унинг ер ислоҳотини амалга оширишдаги роли ва аҳамияти. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 02 (2022) / ISSN 2181-1415
2. Бобокулов Ш., Абдулхаева Г. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш //Scientific progress. – 2022. – т. 3. – №. 1. – с. 579-586.
3. Ер ҳуқуқи. Дарслик // Холмўминов Ж. Т., Жўраев Й.О., Усмонов М.Б., Файзиёв Ш.Х. ва бошқалар. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Ж.Т.Холмўминов. – Т: ТДҶОУ, 2018. 248 б
4. Муқомов А. Ер участкасига мулк ҳуқуқини жорий этиш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари //Scientific progress. – 2021. – т. 2. – №. 2. – с. 1424-1430.
5. Узакова Г.Ш. Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш. Монография. – Тошкент: ТДҶОУ, 2020. – 119 бет.
6. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 2021 йил 21 апрелдаги УРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда.
7. Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” 2021 йил 15 ноябрдаги УРҚ-728-сон Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-“Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 6243-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида 71-сон қарори.
10. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

## ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШНИ КРИМИНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Жиноят қонунчилигида ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш, яъни қилмишларни жиноят деб топиш борасида қонунчилигимиздаги нормаларни босқичма-босқич баён этадиган бўлсак, судлар оғир жиноят содир этган шахсларга, уюшган гуруҳ ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига, муқаддам судланганларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини қўллашлари лозим. Бунда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилиш, порахўрлик, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ва қуроллар тарқатиш каби, шунингдек республика иқтисодиётига зарар етказувчи жиноятлар алоҳида хавф туғдиришини назарда тутиш керак. Бундай шахсларга нисбатан ён босишнинг ҳар қандай кўринишлари қонунийликни жиддий бузиш деб баҳоланиши лозим. Шу билан бирга оғир жазо чоралари, Жиноят кодекси 7-моддасининг 3-қисмига асосан бошқа чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган ҳолдагина тайинланиши мумкинлиги ҳам эътиборга олинishi керак.*

Жиноят кодексининг 36-моддасига мувофиқ гарчи, расмий жиҳатдан жиноят қонунида кўрсатилган бирор бир ҳаракатнинг аломатлари мавжуд бўлса ҳам, лекин ўзининг кам аҳамиятлиги сабабли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб ҳисобланмайди. Шу сабабли судлар ҳар бир муайян ишни кўриш пайтида, хатти-ҳаракатнинг жамоат учун хавфлилик даражаси масаласини батафсил муҳокама қилиб, аниқланган ҳолатларга қараб асослантирилган қарор қабул қилишлари талаб этилади.

Содир этилган жиноятнинг жамият учун хавфлилигини баҳолашда муайян жиноий хатти-ҳаракатни содир этишдаги барча ҳолатлар — айб шакли, жиноятни содир этиш усули, сабаби, вазияти ва босқичи, келиб чиққан оқибатнинг оғирлиги, жиноят иштирокчиларидан ҳар бирининг иштироки даражаси ҳамда хусусияти ва бошқаларга асосланиши керак. Судланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар жазонинг тури ва миқдорини белгилашда муҳим аҳамиятга эгалиги туфайли ҳар томонлама ва тўла текширилиши зарур.

Шунингдек, такроран жиноят содир этиш ёки илгари ҳам қасддан жиноят содир этганлик учун судлангандан сўнг янгидан қасддан жиноят содир қилиш куйидаги ҳолларда жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланмайди: агар биринчи марта содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса; судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланган ёки ўчган бўлса;

илгари содир этган жиноий хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик қонун билан бекор қилинган бўлса;

Жиноят кодексининг 65, 66, 66<sup>1</sup>, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган тақдирда.

Вояга етмаганларга жазо тайинлашда жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ каби жазоларнинг самарадорлигига эътибор бериш лозим. Шу билан бирга оғир жиноят содир этишда айбланган, муқаддам судланган, ҳуқуқни бузганлиги учун ички ишлар органларида ҳисобда турган вояга етмаганларга жазо тайинлашда қатъиятсизликка йўл қўйиб бўлмайди.

Жиноят кодексининг 51-моддасига биноан ўлим жазоси фақат айбни оғирлаштирувчи алоҳида ҳолатлар ва

шу билан бирга ўта оғир жиноят содир этган шахснинг мутлақ хавфлилиги уни қўллаш заруриятини тақозо этган тақдирдагина қўлланилади. Бундай жазони қўллаш чоғида судланувчининг руҳий жиҳатдан текширилганлигига судлар алоҳида эътибор беришлари лозим.

Ўлим жазосини қўллаш барча ҳолларда ҳам ҳукмда жиноятни содир этишнинг барча ҳолатларини; сабаб ва мотивини, шунингдек фақат судланувчини эмас, балки жабрланувчини ҳам тавсифловчи тўла маълумотларни эътиборга олган ҳолда асослантирилиши шарт.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судлари ҳукм чиқариш пайтида жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига риоя қилинганлигини, тайинланган жазо жиноятнинг оғирлиги ва маҳкумнинг шахсиятига мутаносиблигини, танланган жазо чораси тўғрисидаги ҳулоса ва жазо тайинлашда инobatта олинган муайян иш ҳолатларини ҳукмда баён этиш тартибини белгиловчи жиноят-процессуал қонунчилиги меъёрларига амал қилинганлигини синчиклаб текширишлари зарур.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди айблов ҳажми, жиноятни содир этишда маҳкумнинг айби ёки ижрочилик шакли, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги биринчи босқич судининг ҳулосаларини нотўғри деб топиб, шу муносабат билан ҳукмга ўзгартириш киритса (масалан, айблов эпизоди ёхуд бир ёки бир нечта жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар чиқарилса, шахс ижрочиликка шерик эмас, балки кўмакчи деб топилса, унинг ҳаракатида суиқасд эмас, балки жиноятга тайёргарлик бор деб эътироф этилса) маҳкумга нисбатан тайинланган жазони камайтириш масаласини муҳокама қилиши шарт ва фақат тегишли асослар келтирибгина уни ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

Апелляция, кассация ва назорат босқичи судлари ҳукмларни қайта кўриб чиқиш чоғида хавфли жиноятчилар, рецидивистлар ҳамда уюшган гуруҳларнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига нисбатан жазони асоссиз равишда камайтириш ёки бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириш ҳолларига чек қўйишлари лозим.

**Меҳрожддин ТУРСУНОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА СУДЛАРНИНГ ЎРНИ

**Янгиланган Конституциямиздаги ўзгаришларни йўналишлар кесимида қарайдиган бўлсак, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқлар борасидаги нормалар қарийб 3 баробар кўпайган.**

**Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари эса 3,5 баробаридан кўпроққа, оилага бағишлангани эса 2 баробарга кўпайганлигини кўришимиз мумкин.**

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 15 та нормасида давлат шарт-шароитлар яратиши, 16 та нормасида давлат кафолатлаши, 4 та нормасида эса давлат қайғуриши алоҳида алоҳида кўрсатиб ўтилатганлигининг ўзиёқ давлатнинг мақсади инсон ҳуқуқларини таъминлаш эканлигини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, 11-моддада “Давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади”, – дея қайд этилган.

Суд ҳокимияти муайян воситадир ва у билан ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатади.

Бу восита ягона эмас, лекин у изоли ҳолатларда энг кўп қўлланилади. Суд ҳокимияти инсонларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилар экан, биринчи навбатда адолат истайди.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда суд ҳокимияти нафақат суд ҳужжати чиқаргандан, балки ишни кўриш жараёнида ҳам мустақил бўлиши керак. Ишларни кўриш жараёнида судьялар томонидан қонунларни тўғри қўллаш ҳамда тарафларнинг ижтимоий ҳолатини ҳам инобатга олишлари лозим.

Аввало, ҳар қандай шахснинг ҳолати шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини тавсифлаб беради. Бу ҳолатлар инсоннинг табиий ҳуқуқи концепциялари билан боғлиқ, инсоннинг бу ҳуқуқи ажралмас бўлиб ва айни чоғда уни чеклаб ҳам бўлмайди. Шу сабабли инсон ҳуқуқи ва эркинлигини кафолатлаш ҳамда амалга оширишга юқори даражада аҳамият берилади. Булар жумласига энг аввало яшаш ҳуқуқини киритиш мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда инсоннинг (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий) ҳуқуқлари ва эркинликлари белгилаб берилган тарихий ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинган. Мазкур Декларация 30 та моддадан иборат бўлиб, унинг биринчи моддасида “Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин, улар бир-бирига нисбатан биродарларча муносабатда бўлишлари керак” деб, белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳуқуқларини таъминлашда суднинг ўрни алоҳидадир.

Давлатимиз раҳбари “Суд – ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларимизнинг бош вазифаси – бу суд ҳокимиятининг

чинакам мустақиллигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини, одил судловнинг мустаҳкам кафолатини таъминлашдан иборат” деб таъкидлаган.

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши умумэтироф этилган қоида ҳисобланади. Ҳуқуқий давлатда судьяларнинг мустақиллиги уларнинг фақат қонунга бўйсунуши билан ифодаланади. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ҳамда бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка асос бўлади.

Конституциявий нормалар давлат ҳокимиятини амалга ошириш, давлат билан фуқаролар ўртасидаги муайян турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва шу йўл билан жамиятни бошқариш мақсадида давлат томонидан ўрнатилган умуммажбурий ҳуқуқатвор қоидалари бўлиб, улар аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали амалга ошади ҳамда давлат томонидан таъминланади.

Конституциявий нормалар мажбурлов, рухсат этиш, тақиқлаш усуллари билан жорий этилади. Мазкур усулларни суд тартибиди ҳам қўллаш ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш мақсадини қўяр экан, бу борада, биринчи навбатда янгича фикрлайдиган, мустақил дунёқарашга эга бўлган, эркин тафаккурли, соғлом, баркамол ёшларни камол топдириб, тарбиялашни зарур деб, билади.

Улкан имкониятлар тамал тоши бўлган қомусимизнинг 50-моддасида “Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди”, деб белгилаб қўйилган.

Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, уларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлашга, уй-жойга ишга жойлашишга бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

**Ҳабибулло МАДАТОВ,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси.



# МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

**Ҳар бир инсон умри давомида имкон қадар маълум бир мулкларга эгалик қилади ва уларни қонун асосида тасарруф этади. Мулкка эгалик қилиш, уни бошқариш ва ижарага бериш каби муносабатлар инсониятнинг илк даврларидан унга йўлдош.**

Мулк – моддий ва маънавий неъматларнинг муайян кишилар эгалигида бўлиши ва улар томонидан ўзлаштирилишидир. Мулкка эгалик ҳуқуқи ҳамда мулк объектларига эгалик, уларни бўлиш, тақсимлаш бўйича кишилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Мулк манбаи ер ва ер ости бойликлари, корхона, бино, иншоотлар, машина ва ускуналар, тайёр маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар, санъат ва адабиёт асарлари, илмий ва техникавий ишланмалар ва бошқалар бўлиши мумкин. Моддий ва маънавий неъматларни амалда ўзлаштирувчилар мулк субъектлари, яъни эгалари ҳисобланадилар. Буларга айрим кишилар, оилалар, жамоалар ва давлат киради. Мулкдан амалда фойдаланиб, бундан наф кўриш мулкни иқтисодий тасарруф қилиш ҳисобланади. Мулк ва ундан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ҳуқуқи барча давлатларда бўлгани каби мамлакатимиз Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида акс этган. Ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ва ўз мол-мулкни ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги Бош қомус даражасида белгилаб қўйилган. Мамлакатимиз Асосий қонунининг 65-моддасига мувофиқ, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Шахснинг бошқа ҳуқуқлари каби мулк ҳуқуқи ҳимояси масаласи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан Конвенциялар, Пактлар ва бошқа ҳужжатлар билан ҳам кафолатланган. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация"сининг ўзида ҳам ҳар бир шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига эгалиги эътироф этилган. Қолаверса, "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактда ҳам шахсларнинг мулквий ҳуқуқлари масаласига эътибор қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, 1950 йил қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Европа Конвенциясини тўлдирувчи 1952 йилдаги 1-сонли Баённомасида ҳам кимнинг мулкка бўлган ҳуқуқи ифодаланган. Яна бир муҳим халқаро ҳужжат бу - Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенцияси (кейинги ўринларда Конвенция деб номланади) ҳисобланиб, ушбу халқаро ҳужжат бир неча Баённомалардан иборат бўлиб, улардан бири айнан мулк ҳимояси бўйича халқаро стандартларга бағишланган.

Демак мулк, унга бўлган ҳуқуқ шу қадар кенг, турли-туман ва барча дунё мамлакатларида бирдек аҳамиятга эга экан уни ҳимоя қилиш усуллари ҳам ранг-баранг бўлиши керак ва зарур.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 164-моддасида мулк ҳуқуқи, хусусан, хусусий мулкни ҳимоя қилишга қаратилган энг муҳим қоидалар белгиланган. Мазкур нормага мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш асоси ва кафолатларидан яна бири сифатида ФКнинг 207-моддаси 2-қисми ва 209-моддаларини эътироф этиш мумкин. Мазкур нормаларда хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги, қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, бу қоидалар хусусий мулк ҳуқуқи ва уни амалга оширишнинг муҳим кафолатидир.

ФКнинг 11-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқлари бир қанча йўллар билан ҳимоя қилинади. Мазкур усуллар хусусий мулкни ҳимоя қилишда ҳам ўзига хос ўринга эга. Ушбу усулларни назарий жиҳатдан қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Мулк ҳуқуқини ашёвий-ҳуқуқий усуллар билан ҳимоя қилиш. Бу усул мулк ҳуқуқини мутлоқ субъектив ҳуқуқ сифатида ҳимоялаб ҳеч қандай аниқ мажбуриятга боғлиқ бўлмаган ҳолатда мулкдорнинг ўзига тегишли бўлган ашёга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини тиклаш ёки ушбу ҳуқуқларни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни бартараф этишни назарда тутди. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ашёвий-ҳуқуқий усуллар жумласига мулкни бировнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олиш (виндикатсион даъволар), мулкдан фойдаланишда мулк эгасига қилинган тўсқинликларни бартараф этиш (негатор даъволар), мулк ҳуқуқини бузишга қаратилган гайриқонуний битимлар (шартномалар)ни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар кабилар киради.

**Виндикатсион даъво** – бу мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишдир. Яъни, унга кўра, мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли.

**Негатор даъво** – бунда мулкдорнинг ҳуқуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, яъни мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилишидир.

2. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг иккинчи усули фуқаролик ҳуқуқида мажбурий-ҳуқуқий усуллар деб номланади. Ушбу усулларга мисол қилиб, мулкдорга етказилган зарарни қоплаш, асоссиз ортирилган мол-мулкни қайтариш, шартнома бўйича олинган шартномани қайтариш (шартнома бўйича ашё маълум муддатга эгалик учун, омонат учун ва фойдаланиш учун берилган бўлса). Ушбу усулларнинг барчаси учун қуйидаги умумий қоида амал қилади, яъни улар асосини ташкил этувчи омиллар мулк ҳуқуқи эмас, балки бошқа ҳуқуқий институтларга ва ушбу институтларга тегишли субъектив ҳуқуқларга хосдир.

3. Хусусий мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кейинги усуллари мулк ҳуқуқини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг шундай усуллари кирадики, улар ашёвий ҳуқуқий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатларга алоқадор бўлмасдан фуқаролик ҳуқуқининг турли институтларидан келиб чиқади. Масалан, бедарак йўқолган ёки ўлган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келганида унинг мулквий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қоидалар, битим ҳақиқий эмас деб топилганда тарафларнинг мулквий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гаров сақловчининг жавобгарлиги ҳақидаги, мерос қилиб қолдирилган мол-мулкни сақловчи ёки васийнинг мулкни нобуд қилиши ва йўқотиши ҳақидаги қоидалар каби.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилишига қонун кафолат беради.

**Нурали ХОЛДАРОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



## КОРРУПЦИЯГА МОЙИЛ ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Юзаки қараганда коррупцион хулқ-атвор ўз оқибатларига кўра ҳуқуқий ва иқтисодий муаммо сифатида қабул қилинади, бироқ унинг келиб чиқиши психология билан ҳам чамбарчас боғлиқ.**

Коррупцион хулқ-атвор қоида шаклида маълум ижтимоий муҳитда мужассамланиб авлоддан-авлодга ўтса, кишиларнинг табиий ҳаётий талаблари асосида юзага чиқса ва натижада кўп маротаба такрорланиши натижасида улар одат тусини олади. Коррупцияга мойиллик одати жамият учун энг хавфли ҳолат ҳисобланади. Жамиятдаги бундай психологик ҳолатни бартараф этиш жуда катта муддатни ёки авлодлар алмашинувини талаб қилиши мумкин.

Махсус адабиётларда “оғишган хулқ” атамаси, кўпинча, девиант ахлоқ (*deviatio* – лотин тилида “оғишган”) синоними билан алмаштириб қўлланилади. Ўзаро бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи бу икки атамадан “оғишган хулқ” атамаси аниқ ва ўрганилган бўлгани сабабли кўпчиликка тушунарлидир.

Коррупциянинг маънавий – этник изоҳи очкўзлик, ҳасад, чексиз текин даромад орттириш ва лаззатланиш иштиёқи каби турли инсоний иллатнинг кўринишида намоён бўлиши билан характерланади.

Мазкур феноменнинг маданий жиҳати эса, у ёки бу жамият ва давлатнинг маданий хусусиятлари ҳамда анъаналари, шунингдек, ушбу халққа хос бўлган миллий феъл-атвор чизиқлари ва менталитет хусусиятларига боғлиқ.

Психологияда гуманистик йўналиш тарафдори бўлган Р.Мэй: “Инсоннинг хулқ-атворини тушуниш учун унинг мақсадини билиш керак”, – дейди. Шубҳасиз, коррупцияга мойил шахснинг хулқ-атворини тушуниш учун бу шахснинг ҳаракатларини тушуниш даркор. Бунда, энг муҳими, онтологик аспект, яъни “субъектнинг ҳаётий олами ва ҳаётий муносабатлари контекстидаги мазмунни кўриб чиқиш”, деб тан олинади.

Коррупциянинг жамият учун психологик оқибатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– коррупция инсонлар онгида муайян из қолдирганча, жамият учун нотўғри йўналиш беради; коррупция одамларнинг ҳокимиятга бўлганидай, бошқа инсонларга бўлган ишончини сўндиради; авлодларнинг дунёқарашига таъсир кўрсатади; коррупция мулкий нотенгликнинг кескин ортишига ҳисса қўшиб, химояга муҳтож қатлам миқдорини кўпайтиради;

– коррупция жамият ҳаётининг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, маънавий, маънавий аспектига ҳам дахл қилади; коррупция муҳим ижтимоий оқибатларга эга бўлибгина қолмай, одамларнинг ўзаро муносабатларида ҳам ўз аксини топади; коррупция давлат ва жамоатчилик, фуқаролар манфаатлари ўртасида адекват бўлмаган зиддиятни келтириб чиқаради.

Коррупцион хулқ-атворнинг шахсий детерминантларига қуйидагилар қиради: коррупцион хулқ-атвор – бу лавозимдаги шахснинг хизмат мақомини суиистеъмол қилиш йўли билан шахсий фойда олишга йўналтирилган хулқ-атвори; коррупцион босим – бу шахсий фойда олиш учун ҳокимлик ваколатларини суиистеъмол қилиш ёки ундан воз кечиш ўртасидаги танлов вазиятига олиб келувчи, лавозимдаги шахсга таъсир кўрсатишнинг ижтимоий ва психологик омиллари мажмуидир; коррупцияга мойиллик – бу коррупцион босим вазиятида коррупцион хулқ-атворни танлашга шахсий мойилликдир.

Психология нуқтаи назаридан коррупция билан ижтимоий феномен сифатида курашиш ўта мураккаб иш. Бу ҳалокатли кўриниш

билан курашишда муҳим натижаларга эришиш мақсадида унга мойиллиги бўлган шахсларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бундай вазиятда махсус ишлаб чиқилган психотерапевтик ва психопрофилактик технологиялар самарали бўлади. Зеро, қадимги грек мутафаккири Аристотель: “Ҳар қандай давлат курилишида энг асосийси – бу қонунлар ва бошқа тартиб-қоидалар воситасида ишни шундай йўлга қўйиш керакки, лавозимдаги шахсларнинг бойлик орттириши мумкин бўлмасин”, деганида айнан коррупцион хулқ-атвор шаклланишининг олдини олиш у билан курашишга қараганда самарали эканини башорат қилганди.

Коррупция муаммоси ҳозирги кунда нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам сиёсатчилар, иқтисодчилар, турли илмий фанлар, қонунчилик ҳокимияти, шунингдек, турли ижтимоий институтларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Ҳозиргача коррупция муаммоси ҳуқуқий, иқтисодий ёки ижтимоий муаммо сифатида кўриб чиқилган. Адабиётларда коррупция психологик назарий-услубий асослардан келиб чиқиб тадқиқ қилинган айрим манбалар мавжуд, бу эса ушбу ҳодисанинг тизимли характериға зиддир.

Коррупцияга қарши фаолиятнинг энг муҳим таркибий қисми – коррупциянинг олдини олишдир.

Коррупция тарқалишининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш унинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш билан боғлиқ бўлиб, фақат коррупцияга қарши қонунчиликни такомиллаштириш билан чекланмайди. Илмий ва амалий тадқиқотларнинг асосий вазифаси коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ижтимоий-психологик омилларини очиб беришдан иборат.

Ёшларнинг иқтисодий-ҳуқуқий онгини шакллантириш коррупцияга қарши курашнинг яна бир ижтимоий-психологик йўналишидир. Шахснинг иқтисодий-ҳуқуқий онги кундалик онг даражасида ривожланади, норасмий равишда орттирилган характерга эга бўлиб, ҳуқуқий нормалар, ижтимоий стереотиплар, кўрсатмалар ва қадриятлар тизимини ўз ичига олади. Иқтисодий ва ҳуқуқий тасаввурлар асосида ёшларнинг ўзларига ва жамиятга бўлган муносабатлари шаклланади, улар ўз кечинмаларининг моҳиятини, идрокнинг ўзига хос хусусиятларини, ташқи таъсирларга хулқ-атвор реакцияларини, воқеликка бўлган субъектив тарзда баҳоланадиган ва онгли равишда танланган муносабатлар тизимининг сифатини белгилайди.

Етарли даражада шакланган иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар мажмуаси туфайли ёшлар, кўпинча, иқтисодий ва ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг деструктив таркибий қисми бўлиб хизмат қиладиган коррупция ва коррупция билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни нотўғри талқин қилишади. Иқтисодий-ҳуқуқий тасаввурлар аввалги тажриба асосида ҳам ҳозирги замонни ўтмиш билан ҳиссий жиҳатдан боғлайдиган, ҳам маҳсулдор тасаввур шароитида, ўтмиш ва ҳозирги замонни келажак билан боғлайдиган ҳолда шаклланади, бу шахснинг ички уюшганлиги, хулқ-атвори ва фаолиятини тартибга солишга имкон беради.

**Ақбар АЗИМОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

# ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АДВОКАТ МАҚОМИ ВА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ ИСЛОҲОТЛАРИ

**Сўнги йилларда адвокатура институтини янада ривожлантиришга, адвокатларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга, уларга қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар берилиши орқали фаолиятлари самарадорликларини янада оширишга давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда.**

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 – 2026 - йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонида адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш вазифасини бажариши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида адвокатура институтига конституциявий мақом берилиб, адвокатурага бағишланган алоҳида боб киритилди, адвокатлар фаолияти мустақиллигининг конституциявий кафолатлари кучайтирилди.

Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 142-моддасида, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашилганга йўл қўйилмаслиги, адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва ҳоли учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар билан таъминланиши адвокат, унинг шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлиши ва қонун билан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилди ва бу талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида асосан жиноят процессида ҳимоячининг мақомини кучайтириш мақсадида, адвокатларга суриштирув ва дастлабки терговда исталган вақтда жиноят ишини кўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарорлардан нусха олиш;

**Гўзал ахлоқ дунё  
ҳавасларидан сени  
асрайди. Кибр  
эса сени гуноҳга  
бошлайди.**

**Яҳё ибн МУАЗ**

кўрсатмаларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) учун судга тўғридан-тўғри илтимоснома киритиш;

терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсларга малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида терговга қадар текширув жараёнида ҳимоячи мақомида иштирок этиш;

иш бўйича шартнома асосида суд экспертизалари ўтказилишини ва зарур билимга эга мутахассислар жалб қилинишини таъминлаштириш;

жиноят иши бўйича маълумотларга эга шахсларни сўровдан ўтказишда уларнинг розилиги билан махсус техника воситаларидан фойдаланиш каби қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар берилди.

Мазкур ваколатлар жиноят процессида адвокатларнинг ҳуқуқларини кенгайтириб, судларда тортишув институти тамойилининг тўлақонли амалга оширилиши ҳамда ҳимояси остидаги шахсларни тўлиқ ҳимоя қилишига қўшимча замин яратилиши орқали одил судловни таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Адвокат томонидан тайинланадиган суд экспертизанинг афзаллиги шундаки, бунда адвокат шахсан ҳал этилиши лозим деб топган саволларни экспертлар олдида қўйиш ва ушбу саволлар асосида ҳулоса олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса, судда, тортишув институти тамойилининг тўлақонли амалга оширилиши ҳамда янада қўшимча далилларнинг ортиши орқали одил судловни таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашда адвокатнинг ролини кучайтиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши ҳамда суд жараёнида тортишув тамойилининг юзага келиши ва жиноятни фош қилиш жараёнларини адвокатсиз амалга оширишнинг имконияти йўқ.

Ҳулоса сифатида адвокатура институтининг ривожлантирилиши уларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш ва уларга берилаётган ваколатлар адвокатларга масъулият бериши лозим. Адвокат юқори ҳуқуқий билим ва тажрибага эга бўлгани ҳолда қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш тамойилларига риоя этиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиши, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш орқали ҳуқуқий давлатимиз ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшмоқлари лозим.

**Нурбек ЭШКОБИЛОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКА ДОИР НИЗОЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИДА КЎРИЛИШИ

*Маълум бир нарсага, айтмайлик турар жой биноси, буюм ёки бирон техника воситасига бўлган ҳуқуқ кўпчилиги инсонларга хос деб оладиган бўлсак, шундай ҳуқуқлар борки у ҳаммага ҳам тааллуқли бўлавермайди. Хусусан, интеллектуал мулк ҳуқуқи шундай ҳуқуқлар жумласидандир.*

Айтиш мумкинки, интеллектуал мулк тушунчаси ва уни ҳимоя қилиш институти ҳуқуқ институтлари ичида нисбатан кенжаси ҳисобланади. Инсоният тараққиёти шиддат билан ривожлангани сайин ҳуқуқнинг ушбу тури билан боғлиқ жараёнлар ҳам кўпаймоқда. Ҳозирги даврда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борадаги кафолат Бош қомусимизда ҳам, халқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Бу борада Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) нинг ўрни катта. У 1967 йил 14 июль кунини Стокгольм шаҳрида имзоланган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги конвенция асосида юзага келган ҳуқуматлараро халқаро ташкилотдир.

Бугунги кунда дунёнинг 180 дан ортиқ давлати БИМТнинг аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон 1991 йил 25 декабрдан мазкур ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир ва БИМТнинг 14 та халқаро ҳужжатини тасдиқлаган.

Дунёнинг ҳар қандай мамлакати каби Ўзбекистонда ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлган мамлакатимизда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ўта муҳим фуқаролик ҳуқуқларидан бири сифатида тан олинди. Бу эса ҳар бир инсоннинг ўзи муаллифи ҳисобланган илмий, адабий ва бадиий фаолият натижаларига нисбатан маънавий ва моддий манфаатлари муҳофаза қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллигини билдиради. Кейинги йилларда интеллектуал мулк билан боғлиқ низоларнинг нафақат халқаро даражада, балки Ўзбекистонда ҳам кўпайиб бораётганлигига гувоҳ бўляпмиз. Бу эса қонунчилигимизда уни ҳимоя қилиш билан боғлиқ жиҳатларни ривожлантириш талабини юзага келтирмоқда. Шу боис мамлакатимизда унинг ҳуқуқий асосларини яратиб алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 2021 йил 20 августдаги “Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлатимизда интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоясининг қонуний таъминлинишига хизмат қилмоқда.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1040-моддасида белгиланган. Унга кўра интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя

қилиш ФКнинг 11-моддасида назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади. Интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни ҳимоялашнинг бир неча тури мавжуд. Хусусан: 1) фақат суд томонидан; 2) ҳуқуқий муносабат иштирокчиси томонидан мустақил равишда қўлланадиган усуллар орқали; 3) ҳам суд органларининг ёрдами билан, ҳам мустақил тартибда қўлланадиган усуллар ёрдамида.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни муҳофаза қилиш усуллари ичида суд орқали ҳимоя қилиш муҳим ўрин эгаллайди ва у қонун билан кафолатланади.

Таҳлиллардан аён бўладики, мамлакатимиз судларида кўрилатган интеллектуал мулк билан боғлиқ ишлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Кузатишларга кўра интеллектуал мулк билан боғлиқ масалаларни кўриб чикувчи судларнинг амалиётида асосан икки тоифадаги муаммолар кўзга ташланади. Биринчиси, субъектив омиллар билан боғлиқ, яъни, судларда мазкур тоифадаги ишларнинг барчасини ҳам кўриб ҳал этиш бўйича тажрибанинг мавжуд эмаслиги ва иккинчи объектив сабаби сифатида судга мурожаат қилувчиларнинг аксарияти ўз ҳуқуқларини тўла англаб етмаганлиги билан боғлиқ муаммони айтиш мумкин.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ масаланинг адолатли ечим топиши учун, бизнингча қонунчиликда ва суд-ҳуқуқ соҳасида айрим ўзгаришларни амалга ошириш зарурати мавжуд. Бинобарин, Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўлмали суд-ҳуқуқ ислохотлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, иқтисодиётда маъмурий-бўйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан воз кечилиб, бозор ислохотлари босқич-ма-босқич амалга оширилгани интеллектуал мулк соҳиблари учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилмоқда. Бу эса биринчидан, интеллектуал мулк билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишга ихтисослашган судларни ташкил этиш заруратини келтириб чиқармоқда. Чунки бизда яқиндагина фаолияти йўлга қўйилган Оилавий низоларни ҳал қилишга ихтисослашган судлар каби Ўзбекистон Республикаси Олий судида Интеллектуал мулк билан боғлиқ низоларни кўришга ихтисослашган судлар фаолиятини ҳам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, интеллектуал мулк ҳимояси билан боғлиқ барча қонунчилик меъёрларини ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш зарур ва тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим. Айнан интеллектуал мулк билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган механизмлари ва тартиботларининг ишлаб чиқилиши натижасида судьяларнинг ҳам ихтисослашувига эришган бўлар эдик. Бу ҳам интеллектуал мулк низолари билан боғлиқ муаммоларнинг адолатли ечим топишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

**Бахрилло БАҒОЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## **БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИ ВА УЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИ)НИ ҚОНУНГА ХИЛОФ ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДАГИ НИЗОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

*Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 36-моддаси тўртинчи қисмига биноан, “Божхона органи ҳодимининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлди деб ҳисобловчи жисмоний ёки юридик шахс ушбу ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли” деб кўрсатилган.*

Божхона кодекси 409<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмига кўра, “Ваколатли шахслар божхона органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ушбу Кодексда ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли”лиги ва мазкур кодекс 409<sup>7</sup>-моддасининг тўртинчи қисмига биноан, “Божхона органларининг қарорлари, мазкур органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга берилган шикоятлар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва ҳал этилади”, деб қайд этилган.

Шу ўринда нима учун Божхона органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолардан кўра, божхона органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ни қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги низолар сони ошиб бормоқда?, деган савол тугилади.

Албатта буни биринчи навбатда божхона органларининг қарорларини қабул қилиш тартиби Божхона кодексига аниқ белгиланганлиги, лекин божхона органлари мансабдор шахсларининг божхона қонунчилигини тўғри қўллаш билан боғлиқ ҳаракатларини амалга оширишда айрим ноаниқликлар ва божхона қонунчилигига амал қилмаслик ҳолатлари билан изоҳлаш мумкин.

Мисол учун, Хитой Халқ Республикасидаги корхона ҳамда мамлакатимизда фаолият юритадиган МЧЖ ўртасида 2018 йил 17 сентябрда тузилган 2-сонли шартномага асосан МЧЖ томонидан ХХРдан олиб келиниши мўлжалланган қамишдан ДСП ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод ва унинг таркибий қисми ҳисобланган технологик асбоб-ускуналар, техникалар учун тўловлар АТ “Агро банк” агентлигида Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорация маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Мазкур шартномага кўра, заводнинг ажралмас қисми сифатида қамишни автомашинага ортиш ва тушириш, заводга киритишда фойдаланиш учун мўлжалланган нархи 69.060 АҚШ доллари бўлган “ENSIGN” маркали 2 дона фронтальный погрузчик ҳам олиб келиниши белгиланиб, ушбу техника воситаси 2019 йил июнь ойида темир йўл орқали Хитойдан Ўзбекистонга олиб келинган.

Божхона органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2013 йил 20 мартда 2436-тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказган ва бугунги кунга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари ҳамда Божхона кўмитасининг “Ўзбекистон

Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги Қўшма қарори асосида тасдиқланган рўйхатнинг 27-тартиб рақамида ТИФ ТН код 8429 5199 00 “ковшининг ҳажми 5 метр кубдан кам бўлган бошқа фронтал бир ковшли юк ортувчилар” — бурилмайдиган ва буриладиган ағдаргичли бульдозерлар, грейдерлар, режалаштирувчи ўзиюрар йўл катоклари импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинганлиги кўрсатилгани ва МЧЖ томонидан тақдим этилган 22005/03.06.2020/ рақамли божхона юк декларациясида олиб келинган товар коди 8429 5199 00 эканлигига, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 апрелдаги “Ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 297-сонли қарори қабул қилиниб, унинг 6-бандида 2022 йил 1 январга қадар ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан олиб кириладиган ёғоч қириндили плиталар ва унинг муқобил турларини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, асбоб-ускуналар, уларнинг бутловчи ҳамда эҳтиёт қисмлари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилиши белгилаб қўйилгани, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази унитар корхонасининг ижобий хулосаси инобатга олинмасдан божхона имтиёзи қўлланилмасдан 2019 йил 2 октябрда рад жавоби берилган. Бу ҳолатда МЧЖнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилган деб ҳисоблаб, божхона органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишга асос бўлади.

Хулоса қилиб айтганда Божхона органларининг ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарадиган қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ни қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги низоларнинг ҳуқуқий асослари норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ва Божхона кодексининг алоҳида бобида кўрсатилган.

**Сара КАРАМАТДИНОВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## СУДЛАР ТОМОНИДАН ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ОГИРЛАШТИРУВЧИ ВА ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР

*Жамиятда одил судловнинг таъминланганлиги ҳар бир ҳуқуқий демократик давлатнинг ўта муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Қонунчилик бўйича айбдорга содир этган жинояти учун қонунда назарда тутилган жазо қўлланилади. Шунингдек, енгилроқ жазо қўллашга қилмиш ва айбдор шахснинг айби даражаси ва шакли, унинг жиноят содир этгунга қадар ва ундан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларининг жами асос бўлади ва суднинг ҳукмига кўра мазкур ҳолатларда айбдорни тузатиш, жиноятнинг олдини олишга эришиш учун мазкур жиноят учун қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинланади.*

Бу қоида ЖКнинг 57-моддасида кўрсатилган. Унда “Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларини эътиборга олиб, алоҳида ҳолатларда ЖК махсус қисми моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам қамроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин” деб баён қилинган. Қонун чиқарувчи орган ЖК махсус қисмининг диспозиция ва санкцияларини тузиб чиқар экан, ҳар бир жиноят учун ундаги ҳолатлар, вазиятлар, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни тўла эътиборга олмайди. Айрим ҳолларда суд санкцияда кўрсатилган жазонинг энг кам қисмини тайинлаганда ҳам жазо қаттиқ бўлиб қолиши ва ЖКнинг 42-моддасида назарда тутилган жазонинг мақсадига жавоб бермаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун суд буни жазо тайинлашда эътиборга олади. Содир этилган жиноятда ана шундай вазиятларнинг бўлиб қолиши мумкинлигини инобатга олиб, қонун чиқарувчи орган ЖКнинг 54-моддасида назарда тутилган қоидалардан истисно тариқасида, яъни санкция доирасида жазо тайинлаш қоидасидан четга чиқиб, ЖКнинг 57-моддасида кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш қоидаси киритилган, аммо қонунда фақат фавқулодда ҳолатларда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи, енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, жазо тайинлашнинг умумий қоидаларидан бундай четга чиқишга йўл қўйилади.

Бугунги кунда судлар амалиётда ЖКнинг 55-моддасида белгиланган ва белгиланмаган енгиллаштирувчи бир нечта ҳолатлар мавжудлигини эътиборга олиб, агар қилмишда оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса енгилроқ жазо тайинлашни қўлламоқдалар. Бунда судлар енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбдорнинг жамият ва давлат олдидаги хизматларини, кексалиги, ёшлиги, соғлигининг ёмонлашганлиги, қарамоғида ёш болалари, меҳнатга яроқсиз ота-онаси борлиги ва бошқаларни ҳисобга оладилар.

Судлар жиноят ишларини кўришда энг аввало жиноят содир қилиш билан боғлиқ бўлган барча ҳолатларни, уни содир қилган шахсни, қилмишда жиноят қонунда кўзда тутилган барча белгиларнинг

мавжудлигини тўла ва батафсил аниқлаши, жиноятни тўғри квалификация қилишлари, қонунийлик ва адолатлилик принципига риоя қилишнинг асосий шартидир. Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар маълум даражада қилмишнинг ижтимоий хавфлиликни белгиловчи мезон бўлиб ҳам ҳисобланади. Яъни, содир этилган жиноятнинг ва жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи ҳамда енгилроқ жазо тайинлаш учун асос бўладиган ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади.

Қонунчилигимизга асосан, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очишга фаол ёрдам бериш; етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш; оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш; мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлиги сабабли жиноят содир этиш; жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорати ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш; зарурий мудофаанинг, охириги заруратнинг асосли чеғарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш; вояга етмаганнынги жиноят содир этиши; ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши; жабрланувчининг ғайриқонуний ёки аҳлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш қабилардир.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати қатъий бўлмай, суд жазо тайинлаш вақтида бу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатларни ҳам ишнинг вазиятига қараб енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг роли ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар енгиллаштирувчи ҳолатлар айбнинг даражасига таъсир қилади деса, бошқа бирлари суд томонидан тайинланадиган жазони енгиллаштиради деб ҳисоблайдилар. Яна бошқалари эса енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар

қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилайди, деб ҳисоблайдилар.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар фақатгина жазони енгиллаштиришнинг ўзи учун асос бўлмасдан, балки жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш учун ҳам асос бўлиши мумкин. Жумладан, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш, жавобгарликдан озод қилиш ёки содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаслиги ёки жиноят унча оғир бўлмаслиги керак. Агар содир этилган жиноят оғир ёки ўта оғир бўлса ва ЖКнинг 55-моддаси "а" бандидаги ҳолат мавжуд бўлса, суд енгиллаштирувчи ҳолат деб жазо тайинлаши мумкин.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар куйидаги хусусиятларни ўз ичига олади. Жумладан, ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатлар ЖК махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг жиноят таркибидан ташқарида бўлиб, қилмишни квалификация қилиш учун таъсир қилмайди, квалификацияни ўзгартирмайди;

бу моддада кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар қилмишни ЖКнинг махсус қисми моддаси бўйича квалификация қилиш учун зарурий белгиси сифатида кўрсатилган бўлса, жазо тайинлаш вақтида яна 55-моддага мурожаат қилинмай, ўша модданинг санкцияси доирасида жазо тайинланади, чунки қонун чиқарувчи орган 55-моддада назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатни ЖКнинг махсус қисмида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатиб, шунга мувофиқ равишда санкцияни ҳам енгиллаштирган.

Демак, ЖКнинг 55-моддасида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолат махсус қисмининг барча моддаларида кўрсатилган жиноятлар учун махсус қисмининг муайян бир моддасида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолат фақат шу модданинг ўзи учунгина аҳамиятлидир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, одил судлов самарадорлигини оширишга оид ислохотларнинг асосий мақсади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, шахснинг конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини кафолатлаш орқали том маънода жамиятда инсон кадрини юксалтиришга қаратилгандир.

**Бекзод БАХРИНОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

## СУД МАЖЛИСИНING ТАЙЁРЛОВ ҚИСМИДА ҲАЛ ҚИЛИНАДИГАН МАСАЛАЛАР

**Жиноят иши бўйича иш ҳолатларининг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширилишини таъминлаш, жиноят содир этилиши сабаблари ва унга имкон яратган шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида жиноят ишларини биринчи инстанция судида тайёрлаш ва муҳокама қилишда процессуал қонун нормаларига қатъий риоя этиш талаб этилади.**

Суд мажлисининг тайёрлов қисми жараённинг илк босқичи ҳисобланиб, бунда раислик қилувчи жиноят иши доирасида тарафларнинг суд мажлисида қандай ҳуқуқий мақомда иштирок этаётганлигини белгилаб бериш билан бир қаторда уларнинг суд олдидаги мажбуриятларини ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятини тушунтириш босқичи ҳисобланади.

Жиноят иши судьянинг иш юритувига ўтган вақтдан бошлаб, якуний қарор қабул қилинишигача бўлган босқичда судья куйидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширади.

- Жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаш.

- Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш (агар асослар мавжуд бўлса).

- Суд мажлисининг тайёрлов қисми.

- Суд тергови.

- Тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзи.

- Қарор қабул қилиш.

Суд мажлисининг тайёрлов қисмида жиноят иши бўйича барча ҳолатларнинг синчковлик билан, тўлиқ, ҳолисона текширилишини таъминлаш ва ҳақиқатни аниқлаш мақсадида қонун судда раислик қилувчига муайян ваколатлар юклаган.

Суд мажлисининг тайёрлов қисмида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддаси талабидан келиб чиқиб куйидаги ҳолатларга яъни:

1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;

3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

4) жиноят тўғрисидаги ёки эри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишоним оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;

5) айбланувчи ёки судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларни синчковлик билан текшириб чиқишга эътибор бериш белгилаб кўйилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, раислик қилувчи суд мажлисининг тайёрлов қисмида замонавий технологиялардан кенгроқ фойдаланиш билан бир қаторда жиноят ишини ўз вақтида кўрилишига, ортиқча сарф харажатларни ва фуқаролар сарсонгарчилигининг олдини олишга ҳамда коррупциявий омилларни бартараф этишга шунингдек, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш ва албатта судларнинг ҳолислигини амалда таъминлашга эришган бўлади.

Муҳокама давомида айблов ёки ҳимоя тарафида бўлмаслиги ва уларнинг ҳеч қандай манфаатларини ифодаласлиги, балки ҳолислик ва бегаразлиқни сақлаган ҳолда, тарафлар ўз процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериши ва таъминлаши лозимдир.

**Ҳусан КАЮМОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

## ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК МЕЪЁРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

*Далил тушунчаси ҳақида сўз юритар эканмиз унда айрим жиҳатларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Яъни, қандай манбадан олинганлиги, келажакда янги жиноятларнинг очилишига хизмат қилиш-қилмаслиги каби. Чунки, кейин содир этилувчи жиноятларнинг очилишига хизмат қилувчи маълумотлар ҳам далил саналади, бундан ташқари исбот қилишга жалб этилувчи шахсларнинг маълумотлари ҳам жиноят ишини ҳал этишда салмоқли ўринни эгаллайди.*

Мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

Исбот қилиш жараёнида суриштирув, тергов органлари ва судларнинг далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиши муҳим ўрин тутаяди.

Далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши, фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши, далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши, далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилиши — мақбул далил ҳисоблаш учун асос бўлади.

Далиллар мақбуллигига тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг мақбул эмас деб топилишига асос бўлади.

Бу борада халқаро тажрибага тўхталадиган бўлсак, АҚШда суд баҳсининг предмети бўлган ҳаракат ёки ҳодиса тўғрисидаги ахборотларни ўзида мужассам этмаган материаллар кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди. Исботлаш предметиға алоқадор деб топилган факт ўз навбатида жиноят процессида мақбул, деб ҳам эътироф этилиши шарт. Ҳуқуқий процедураға амал қилинган ҳолда, яъни қонуний манба ва усуллардан олинган далиллар мақбул деб топилади. Агар судья томонлар тақдим этган фактни исботлаш предметиға алоқадор эмас ёки номақбул деб топса, у ушбу фактни суд муҳокамасидан чиқариб ташлашға ҳақлидир. Судья, ҳимоячи ва айбловчи ўртасида маълум жиноят иши бўйича қайсидир далилнинг мақбуллиги масаласида мунозара юзаға келса, судья мунозара вақтида маслаҳатчиларни суд залидан чиқариб туриши мумкин, чунки АҚШ қонунчилигида маслаҳатчилар фақат мақбул далилларни баҳолашда иштирок этишлари лозимлиги таъкидланган.

Буюк Британияда номақбул далиллар деганда асосан миш-мишлар, бошқа кишилардан эшитганлари асосида берилган кўрсатувлар тушунилади. Ҳар қандай ҳужжатдан фақат ўша ҳужжатни тузган шахс далил сифатида фойдаланиши мумкин. Буюк Британияда далилларнинг мақбуллигини ривожлантиришда шундай тенденция юзаға келганки, унга кўра суд полицияда берилган кўрсатувлар ва техник воситалар ёрдамида эшитиб турилган ёзувларни бир биридан фарқламайди – асосийси, бу ёзув аниқ бўлиб, овозни солиштириш ва мазмунини тушуниш имконини бериши етарли ҳисобланади.

Германияда исботлашни тақиқлаш (Beweisverbote) тушунчаси амалда бўлганда, олинган далиллар номақбул ҳисобланади. Масалан, судда тегишли ҳокимият органларидан махсус рухсатнома олмадан туриб, давлатнинг мансабдор шахслари гувоҳ сифатида қандайдир давлат ёки хизмат сирини фош этиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида сўроқ қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, сўроқ қилишнинг тақиқланган методларини қўллаш натижасида олинган далиллар ҳам номақбул деб топилади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилиға кўра фактик маълумотлар қонунға хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ЖПК талаблари бузилган, шу жумладан жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда олиниши, фактик маълумотларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан олиниши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояға бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда олиниши, жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалға ошириш ҳуқуқиға эға бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида олиниши, номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан олинган бўлиши, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олиниши — далилларнинг мақбул эмас деб топилишиға асос бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, далилларнинг мақбуллиги бўйича баҳолашда уларнинг иш учун аҳамиятға эға ёки эға эмаслигини баҳолаш ҳам мақсадға мувофиқдир. Зеро, далилнинг аҳамиятлилиги бўйича баҳолаш масаласида ЖПКнинг 82-моддасида кўрсатилган айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларға мурожаат қиладиган бўлсак, ишни айблов ҳуқуқаси ёки айблов далолатномаси билан судға юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эғри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари, айбланувчи ёки судланувчи шахсини тавсифловчи ҳолатлар исботланган бўлиши кераклиги белгиланган.

Агарда бир жиноят кесимида ушбу асосларнинг ҳаммаси бўйича алоқадор, мақбул ва ишончли далилларнинг барчаси тўпланадиган бўлсада, уларнинг бир нечаси далилларнинг алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик талабиға жавоб беришидан қатъий назар иш учун аҳамиятсиз бўлиб чиқиши мумкин. Масалан, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар юзасидан тўпланган далиллар алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик талабиға жавоб берса-да, улар айрим жиноят ишлари бўйича айблаш ва ҳукм қилиш учун асос бўлмайди. Айнан шу мисолға ўхшаш вазиятларда тўпланган далиллар агарда улар айблаш ва ҳукм қилиш учун аҳамиятсиз бўлса, уларни текшириш каби ортиқча ҳаракатларни бажариш мақсадға мувофиқ эмас.

Шу боис, ҳар бир далил алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилигидан ташқари аҳамиятлилиги бўйича ҳам баҳолиниши мақсадға мувофиқдир.

**Сирожиддин МАХМУДОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*



## ТАРАФЛАРНИНГ HOXIШ-ИРОДАСИГА BOГЛИҚ БЎЛМАГАН ХОЛАТЛАРГА КЎРА МЕХНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ

**Мехнат қонунчилигида мехнат шартномасини бекор қилиш деганда белгиланган асослар бўйича ходим ва иш берувчи ўртасидаги яқка тартибдаги мехнатга оид муносабатларни тугатиш тушунилади. Мехнат шартномасини бекор қилиш асослари нотўғри қўлланилса ёки белгиланган асослардан четга чиқиб мехнат шартномаси бекор қилиниши оқибатида қонун бузилиши кузатилса, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи кўриб чиқилади.**

Мехнат шартномасини бекор қилиш асосларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
2. Тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда мехнат шартномасини бекор қилиш;

Мехнат қонунчилигида, мехнат шартномаси бевосита тарафларнинг хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ҳам бекор бўлиши мумкин. Масалан, ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кирса ушбу ҳукм юридик факт сифатида мехнат шартномасини ходим билан бекор қилишга асос бўлади.

Тарафларнинг хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда вужудга келадиган юридик фактлар ҳисобига мехнат шартномасининг бекор бўлиш асослари Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 168-моддасида қатъий равишда белгилаб қўйилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мехнат шартномасини бекор қилиш белгиланган нормаларга таянган ҳолатда асосли ва қонуний бўлиши лозим. Мехнат шартномасини қонуний тарзда бекор қилиш учун қуйидаги учта ҳолатнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлиши талаб этилади:

*биринчидан, мехнат шартномасини бекор қилиш асосининг қонунда мавжудлиги;*

*иккинчидан, ушбу асос билан мехнат шартномасини бекор қилиш тартибига риоя қилинганлиги;*

*учинчидан, мехнат шартномасини бекор қилувчи юридик фактнинг мавжудлиги.*

Мехнат шартномасини бекор қилиш асосларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда ходим билан тузилган мехнат шартномасини бекор қилиш учун бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган юридик фактларнинг мавжудлиги инобатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 168-моддасида назарда тутилган асосларни қўллаб мехнат шартномасини бекор қилишда унда кўрсатилган ҳолатларнинг ҳақиқатда юзага келганлигини исботлаш талаб этилади, негаки бунда бошқа ҳуқуқ соҳаси қонунчилик нормасини қўллашга зарурат туғилади. Ушбу асосларни қўллаган ҳолда мехнат шартномасини бекор қилиш ходимда мехнат муносабатларини давом эттириш имкониятини амалда йўқотади. Ушбу моддада келтириб ўтилган асосларда иш берувчи ва ходимда мехнат муносабатларини бекор қилиш ташаббуси мавжуд бўлмайди. Лекин, тарафларнинг хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатда юзага келадиган ҳолатлар мавжудлиги, яъни ходимнинг ҳарбий хизматга учинчи шахслар томонидан чақирилиши, учинчи шахснинг ишга тикланиши ва шу каби учинчи тарафнинг хохиш-иродаси ёки бирор бир ташқи вазиятнинг мавжуд бўлиши мехнат шартномасини ходим ва иш берувчининг ташаббусисиз ҳам бекор қилинишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам 168-моддада келтирилган асослар тарафларнинг хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар эканлиги амалдаги Мехнат кодексидан келтириб ўтилган. Демак, тарафлар хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар – бу ходим ва иш берувчининг мехнат шартномасини бекор қилишга бўлган хохиш-иродасини истисно қилувчи ва маълум бир юридик фактнинг мавжуд бўлишини тақозо қилувчи ҳолатлардир.

Эндиликда яна бир масала вужудга келиб, тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган асосларда мехнат шартномасини бекор қилиш

мехнат шартномасини бекор қилишнинг бошқа асосларидан қай тартибда фарқланади? – деган савол туғилиши табиий. Ушбу ҳолатда тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатда мехнат шартномасини бекор қилишнинг ўзига хос белгилари қуйидагилар:

*биринчидан, тарафларнинг ташаббусига боғлиқликнинг мавжуд эмаслиги;*

*иккинчидан, бошқа қонунчилик соҳалари билан алоқадор бўлиб, нормалар мувофиқлаштирилган тартибда қўлланилади, яъни Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси 168-моддасини қўллаш учун бошқа қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга муражаат қилишга тўғри келади;*

*учинчидан, мехнат муносабатларининг тугатилиши ходимнинг ҳам, иш берувчининг ҳам хатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлмайди. Бунда ходим фақат қонун доирасидагина мехнат муносабатларини давом эттириш имконига эга бўлиши мумкин.*

Айрим олимларнинг фикрича, мехнат шартномасини тарафларнинг хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолларда бекор қилиш – бу учинчи шахсларнинг ёки учинчи шахс сифатида давлат органининг ташаббуси билан мехнат шартномасини бекор қилишдир. Масалан, давлат ўзининг ваколатли органлари: ҳарбий комиссариат, мехнат инспекцияси ёки суд орқали иштирок этади. Лекин, мехнат шартномасини тарафлар хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган асослар билан бекор қилиш ҳар доим ҳам учинчи шахсларнинг ташаббуси билан бўлмайди балки ходимнинг вафот этиши ва унинг вафотини тасдиқловчи гувоҳноманинг мавжудлиги, у билан тузилган мехнат шартномасини бекор қилишга асос бўлувчи юридик фактнинг мавжудлиги мехнат шартномасини бекор бўлишига асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, мехнат шартномасини тарафларнинг хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиш учун ҳуқуқни тўхтатувчи сабабларни тасдиқловчи тегишли ҳужжат (акт)нинг мавжудлиги етарлидир. Бундан келиб чиқадиги, тарафлар хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг амалда мавжуд бўлиши эмас, ушбу ҳолатларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг иш берувчида бўлиши ходим билан тузилган мехнат шартномасини бекор қилишга асос бўлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, тарафларнинг хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда мехнат шартномасини бекор қилишда қонунчиликни қўллаш амалиёти Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги 26-сонли қарори билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу қарорда мехнат шартномаси тарафларнинг хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган асослар билан ҳам, яъни шартнома тарафларида уни бекор қилиш истаги бўлмаган ҳолда, ваколати давлат органи аралашуви ёки бошқа объектив хусусиятга эга бўлган ҳолатлар туфайли бекор қилиниши мумкинлиги қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, мехнат шартномасини тарафларнинг хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра бекор қилишда мехнат қонунчилиги нормаларининг тўғри қўлланилиши ходимларнинг ҳуқуқлари таъминланиши орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**Чарос УРАЗОВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА СУД ТОПШИРИҚЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ БЕРИШДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД

*Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексига суд топшириқлари ҳақида алоҳида нормалар берилган бўлиб, унга кўра суд топшириқлари судьянинг кўриб чиқилаётган низога доир далилларни бошқа туман ёки шаҳар ҳудудидаги судларнинг процессуал ҳаракатлари орқали далилларни олишни амалга ошириши назарда тутилган. Бунда суд топшириқлари фақат судларга топширилиши мумкинлигига эътибор қаратилиши лозим. Суд топшириқларини беришдан кўзланган асосий мақсад суд ўзига керакли бўлган далилга эга бўлишидир.*

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 91-моддасига кўра, ишни кўраётган суд бошқа туман ёки шаҳар ҳудудидаги далилларни олиш зарур бўлган тақдирда, тегишли судга муайян процессуал ҳаракатларни бажаришни топширишга ҳақли. Суд топшириғи тўғрисидаги ажримда кўрилатган ишнинг мазмуни қисқача баён қилинади, аниқлашни лозим бўлган ҳолатлар, топшириқни бажарадиган суд тўплаши керак бўлган далиллар кўрсатилади. Суд топшириғи тўғрисидаги ажрим топшириқ берилган суд учун мажбурий бўлиб, ажрим олинган пайтдан эътиборан ўн беш кунгача бўлган муддатда бажарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 247-моддасида эса иқтисодий судлар айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки қонунида белгиланган тартибда чет давлат судлари томонидан ўзига берилган топшириқларни (чақирув қоғозларини ва бошқа ҳужжатларни топшириш, ёзма далиллар олиш, экспертиза ўтказиш, жойни кўздан кечириш ва ҳоказо) бажариши белгиланган. Бунда халқаро шартномалар устуниги принцигига асосланган ҳолда, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги кўп томонлама ёки икки томонлама халқаро шартномалар ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари чет давлатлар судларига ёки чет давлатларнинг ваколатли органларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги суд топшириқлари билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки қонунида белгиланган тартибда мурожаат қилиши ва бундай зарурат туғилганда, процессуал жиҳатдан мурожаат шакли илтимоснома, топшириқ, сўровнома тарзда бўлиши мумкин.

Суд топшириқлари институтининг халқаро ҳуқуқда муҳим ўрин тутишининг сабабларидан бири унга қўлга киритиш мушкул бўлган далилларни олиш ва ўрганиш механизми сифатида қаралишидир. Яна бир сабаби, бу институтнинг ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқлари амалга оширилишининг кафолати сифатида, шу жумладан, судда эшитилиш ҳуқуқи, процессуал жиҳатдан имкониятларнинг тенглиги кафолати сифатида баҳоланишидир.

Бундан ташқари, суд топшириқлари ёрдамида одил судловни амалга оширишда суд идораларининг ўзаро ва бошқа ҳокимият идоралари билан ҳамкорлигининг амалий механизми яратилиши мумкин.

Суд топшириқлари қўлланилишининг доираси чекланганлиги, етарли даражада ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги ва бу жараённинг амалга оширилишида вақт талаб қилиниши иқтисодий ишларни кўришда ва ҳал қилишда у қадар оммалашмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Т.Сорокина ўзининг суд топшириқлари бўйича ёзган тадқиқот ишида бир хулосани асослантиришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, давлат ички ва халқаро миқёсдаги фуқаролик ва иқтисодий (арбитраж) процессида қўлланиладиган “фуқаролик суд иши юритувида суд топшириқлари” тушунчаси бир маънони англатади.

Суд топшириқларини ижро этиш пайтида чет давлат ҳуқуқини қўллаш зарурати юзага келиши мумкин. Шу сабабдан, жараёни борича чет давлат ҳуқуқига ҳавола қилиш эмас, балки унинг муайян бир нормаларини қўллаш масаласи ҳақида ҳам гап кетиши мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, суд топшириқларини ижро этиш миллий қонунчиликка ҳамда халқаро шартномаларга асосланади. Халқаро фуқаролик ва иқтисодий процессуал ҳуқуқда халқаро шартномалар мавжуд бўлмай туриб, бир давлат бошқа бир давлатнинг суд топшириғини қабул қилиш мажбуриятини келтириб чиқармайди. Лекин шундай бўлсада, суд топшириғини ижро этишни рад қилиш кўпинча халқаро ҳушмуомалалик тамойилининг бузилишига ва дўстона бўлмаган фикрларни келтириб чиқариши мумкин.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, шахснинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг устувор вазифаси эканлиги боис, давлатлараро ёки халқаро шартномалар орқали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича шартномавий муносабатлар йўлга қўйилмаган бўлса ҳам суд топшириқлари ижро қилиниши керак. Чет давлатнинг суд топшириқларини ижро этишни рад қилиш учун ягона, қатъий асос – бу суд топшириғининг ижро этилиши шу давлат жамоат тартибига қарши қаратилганлигидир.

Суд топшириқлари уларнинг мазмунига кўра турларга ажратилиши мумкин. Масалан, бевосита процессуал ҳаракатларни ва ташкилий-процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ суд топшириқлари. Биринчи турга тарафларни ва учинчи шахсларни сўроқ қилиш, ашёвий ва ёзма далилларни кўздан кечириш, текшириш, ёзув намунасини олиш ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Иккинчи турга ишда иштирок этувчи чет эллик шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маълумотларни аниқлаштириш, электрон алоқа воситалари орқали сўралган маълумотларни юбориш ва ҳоказо.

Чет давлат суд топшириғини ижро этишда давлатнинг ўз ички миллий қонунчилигида белгиланган умумий қоидалар қўлланилади. Юқорида келтирилган умумий қоидалар чет давлат судининг топшириғини ижро этишда ҳам қўлланади. Ваколатли давлат суди томонидан чет эл судларига юборилган суд топшириқлари ҳам шу тарзда, яъни суд топшириғи ижро қилинаётган давлат миллий қонунчилиги қоидалари асосида ижро этилиши лозим.

Суд топшириқларини ижро қилишда жаҳонда бир амалиёт йўлга қўйилган. Агар чет давлат суди суд топшириғини ижро этишни махсус бир кўринишда амалга оширилишини сўраётган бўлса, агарда у қонунга ва жамоат тартибига зид бўлмаса, бундай илтимос имкон қадар қаноатлантирилади. Бу ҳолда чет давлат процессуал ҳуқуқи нормаларини қўллаш эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси 247-моддасининг биринчи қисмида судларнинг айрим процессуал ҳаракатларни бажариши назарда тутилган. Айтиш керакки, бу рўйхат тугал бўлмай, иқтисодий судлар чет давлатлар судларининг топшириқларида сўралган бошқа процессуал ҳаракатларни ҳам бажаришларга тўғри келиши мумкин.

**Акмал ХАКИМОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гараева А.Р. О порядке исполнения иностранных судебных поручений в международном гражданском процессе. “Научно-практический электронный журнал Аллея Науки” №6(22) 2018 Alley-science.ru
2. Т.В.Сорокина. Институт судебных поручений в гражданском судопроизводстве Российской Федерации.
3. <http://www.dslib.net/civil-process/institut-sudebnyh-poruchenij-v-grazhdanskom-sudoproizvodstve-rossijskoj-federacii.html>

# ЕРГА ОИД НИЗОЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

*мақолада ер низолари, ер ҳуқуқбузарлиги, ерга оид низоларининг турлари, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига нисбатан муайян ҳуқуқлар эътироф этилишининг ҳуқуқий оқибатлари хусусида фикр юритилган.*

**Калит сўзлар:** *ер, ер низолари, ер ҳуқуқбузарлиги, ўзбошимчалик, мулк ҳуқуқи, ижара ҳуқуқи.*

Мамлакатимиз иқтисодиётига бозор муносабатларининг жорий этилиши кўплаб янги ер-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмоқда. Бу ўз навбатида ерга оид низоларнинг кўпайишига, уларнинг турли хил шакллари келиб чиқишига, ер низоларини кўриб чиқиш механизмларининг мураккаблашувига сабабчи бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 89-моддасига асосан, ер низолари судлар томонидан кўриб чиқилади. Ерга оид низоларни суд орқали ҳал қилиш бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг энг самарали йўли сифатида намоён бўлмоқда. Яъни, ер низоларининг судгача бошқарув органлари ёки мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқиши талаб этилмайди.

Ер низолари суд ишларининг энг қийин тоифаларидан биридир. Сабаби, бир томондан ер табиий объект сифатида бебаҳо, умумиллий бойлик ҳисобланса, иккинчи томондан иқтисодий қийматга эга бўлган мулк сифатида майдонга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 25-моддаси биринчи қисмига асосан иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда тарафлар бўлган фуқаролар (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар иқтисодий судларга тааллуқлидир.

Статистик маълумотларга кўра, иқтисодий судлар томонидан 2021 йилда 735 та, 2022 йилда 1 580 та, 2023 йилда 2 085 та ер билан боғлиқ низолар кўрилган.

Иқтисодий судларда ўтган йил давомида ерга оид низолардан асосан ноқонуний қурилган қурилмаларни бузиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларини қайтариш, тадбиркорлик субъектига етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш, ер ижара шартномасини бекор қилиш ва ерни давлат захирасига қайтариш ҳақидаги низолар кўриб чиқилган.

Захира ерлари доимий эгаллаш ва фойдаланишга берилмаган ер майдонларидир. Бундай ерлар жумласига эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, ижарага олиш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи бекор қилинган ерлар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 20.11.2023 йилдаги “Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 28-сонли Пленум Қарори билан эндиликда даъво аризасида ер участкасини олиб қўйиш (ер ижара шартномасини бекор қилиш) талаби билан бирга ушбу ер участкасини захирага олиш (захирага қайтариш) талаби ҳам қўйилган бўлса ёки алоҳида талаб сифатида ер участкасини захирага олиш (захирага қайтариш) талаби берилган бўлса, қонунчиликка кўра ер участкаларини захирага олиш (захирага қайтариш) судларнинг ваколатига кирмаслиги сабабли ушбу талаб бўйича иш юритиш тугатилиши лозимлиги белгиланди.

Фикримизча, ерга оид низолар аксарият ҳолларда ер ҳуқуқи қонунчилиги талабларига риоя қилмаслик, яъни ер ҳуқуқбузарлиги натижасида вужудга келади.

Ер муносабатлари соҳасида энг кўп тарқалган ҳуқуқбузарлик турларидан бири ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишдир.

Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳуқуқбузарлигининг содир этилиши учун ер участкасини эгаллаб олишнинг ўзи етарлидир, бунда айбдор фойда олиш ёки олмаслиги аҳамиятсиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги “Аҳоли пунктларини қуришда шаҳарсозлик ва ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга, шунингдек тадбиркорлик мақсадлари учун ер ажратиш тартибини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 467-сон қарори билан “Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Низомда ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби белгиланди.

Бирок, кўрилатган чораларга қарамай, ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларида кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмаган яқка тартибдаги уйлар қурилиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги ПФ-5421-сон Фармонида асосан 621 580 нафар фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасида қурилган уй-жойларига нисбатан эгаллик ҳуқуқи эътироф этилди.

Бирок, “бир марталик акция” доирасида 126 мингдан ортиқ ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга ҳуқуқларни эътироф этиш ишлари охирига етмаган.

Шу боис, Адлия вазирлиги томонидан “Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида” қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳада ерга нисбатан ижара ҳуқуқи, бино-иншоотга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши назарда тутилмоқда. Хусусан:

2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ҳужжатда кўрсатилган майдондан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;

2021 йил 8 июнга (ҳокимларнинг ваколати бекор қилинган) қадар туман (шаҳар) ҳокимлари қарори билан ажратилган, лекин вилоят ҳокими ёки халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланмаган ер участкаларига;

боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги турар жойлар ҳамда улар эгаллаган ер участкасига;

кичик саноат зоналари ҳудудига 2020 йил 9 мартга қадар жойлаштирилган тадбиркорларнинг ер участкаси нисбатан ҳуқуқлар эътироф этилиши белгиланмоқда.

Фикримизча Қонун лойиҳаси бир томондан ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларига нисбатан муайян шартлар асосида ижара ҳуқуқи ҳамда уларда қурилган уй-жой, бошқа бино-иншоотларга нисбатан ҳуқуқи расмийлаштирилишига, аҳолининг ижтимоий (прописка, моддий ёрдам, мактаб, боғча) ҳамда бино ва иншоотларни коммунал тармоқларга улаш бўйича юзага келадиган муаммоларининг ҳал этилишига имкон беради.

Иккинчи томондан, гарчи Қонун 2028 йил 1 январга қадар амал қилиши назарда тутилган бўлсада, келажақда яна шу каби қонунлар қабул қилиниши мумкин, деган ваз билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзбошимчалик билан ер участкаларининг эгаллаб олиниши ҳамда рухсатнома олмасдан қурилиш ишларини амалга ошириш эҳтимолини юзага келтиради.

**Хилола СУЛАЙМАНБЕКОВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## ОММАВИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

*Ҳар бир давлат оммавий мулк ҳуқуқлари, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш ва бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни ўзининг иқтисодий тараққиётида ижтимоий заруратларини инобатга олган ҳолда амалга ошириб боради ва натижада ўзининг мулкка бўлган муносабатларини ҳам ўзгартиради.*

Шунингдек, давлат мулки давлатнинг халқ олдидаги ижтимоий соҳага оид бирламчи вазифалар (соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ҳуқуқ-тартиботни, тинчлик, хавфсизликни сақлаш ва бошқалар)ни қондириш учун бирламчи манба ҳисобланганлиги сабабли, халқнинг умумижтимоий эҳтиёжларига йўналтириладиган мазкур мулкларни иқтисодий жиҳатдан сақлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳар доим ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб келган.

Мамлакатимизда 1990 йил 31 октябрида “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган вақтда ушбу қонуннинг 4-моддаси 1-қисмида фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулки, коллектив (ширкат) мулки, шу жумладан оилавий, маҳалла, кооператив мулк, ижарага олинган корхона мулки, акциядорлар жамияти, давлат корхонаси жамоасининг, концерн (консорциум)ларнинг, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар мулки, турли ҳўжалик бирлашмалари ва уюшмалар мулки, юридик шахс ҳисобланган бошқа жамоалар мулки, жумҳурият, жумҳуриятлараро, Қорақалпоғистон Республикаси, маъмурий-территориал тузилмалар (коммунал) мулкидан иборат давлат мулки, аралаш мулк, қўшма корхоналар, ажнабий фуқаролар, ташкилотлар ва давлат, шунингдек ажнабий юридик шахслар мулки каби мулк шаклларида бўлиши назарда тутилган.

Кейинчалик, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 851-ХII-сонли Қонуни билан “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг 5-моддаси 1-қисмида Ўзбекистон Республикасида: хусусий мулк, ширкат (жамоа) мулки, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкидан (коммунал мулкдан) иборат давлат мулки, аралаш мулк, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкидан иборат мулк шакллари бўлиши белгиланди.

1997 йил 1 мартдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (1-қисми) 213-моддаси 1-бандига кўра, республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулк эканлиги, 216-моддаси 1-қисмига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши назарда тутилди.

Фуқаролик кодексига янги нормалар кириб келганига 26 йил ўтган бўлишига қарамасдан, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонунига “оммавий мулк” тушунчаси татбиқ қилинмади, ундаги “коммунал мулк” тушунчаси “муниципал мулк”, “аралаш мулк” тушунчаси эса “умумий мулк” тушунчаларига ўзгартирилмади.

Оммавий мулк ҳуқуқий режимини тадқиқ этишнинг аҳамияти оммавий мулкнинг турлари ҳисобланган муниципал мулк ва республика мулкларининг доирасини талқин этишда ва уларни бошқаришда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишда янада ошади. Гарчи бу борада Ўзбекистон Республикаси “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Қонунининг 16-17-моддаларида республика мулки ва муниципал мулкнинг турлари белгилаб берилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сонли қарорига 3-илова сифатида тасдиқланган муниципал мулк объектларини белгилашнинг мезонлари кўрсатиб ўтилган бўлса-да, мазкур мулкларни бошқариш механизмини амалга ошириш тартибини батафсил белгилаб бериш имконини яратадиган қонуности ҳужжатлар ҳалигача қабул қилинмаган.

Мазкур йўналишдаги хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Россия Федерациясида хусусий, давлат, муниципал ва бошқа мулк шакллари тенг равишда тан олиниши ва ҳимоя қилиниши, ер ва бошқа табиий ресурслар хусусий, давлат, коммунал ва бошқа мулк шаклларида бўлиши мумкинлиги, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳолининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларини мустақил равишда ҳал қилиши, муниципал мулкка эгалик қилиши, фойдаланиш ва тасарруф этишни таъминлаши белгиланган.

Россия Федерациясининг оммавий мулк ҳуқуқий режимидаги ўзига хос муҳим хусусиятлари шу билан ифодаланадики, Федерация таркибидаги субъектларнинг аксарияти республика даражасидаги ва унга тенглаштирилган маъмурий ҳудудий бирликлар бўлиб, Федерация ва унинг субъектлари ўртасидаги муносабатлар махсус Қонун билан тартибга солинганлиги сабабли, муниципал мулк шаклининг ҳуқуқий мақоми давлат мулки доирасига кирмайди, унинг асосий қисмини таълим соҳасидаги мулклар (халқ таълими муассасалари) ташкил этадики, муниципал мулкни бошқариш ва тасарруф этишда муниципал мулк бошқарувчиларига кенгроқ ваколатлар берилган, уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларда мазкур мулкни бошқарувчиларнинг розилиги асосида ёки суд тартибида низолашиш асосида амалга ошириш мумкинлиги билан ажралиб туради.

Хитой Халқ Республикасида социалистик оммавий мулк дахлсизлиги, давлат социалистик мулкни ҳимоя қилиши, ҳар қандай ташкилот ёки жисмоний шахснинг ҳар қандай воситалар асосида давлат ёки жамоа мулкни ўзлаштириши ёки уларга зарар этказиши тақиқла-

ниши белгиланиб, мамлакатда 2007 йил 16 мартда қабул қилинган “Мулк ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонуннинг 45-52-моддаларида қонунга мувофиқ давлат мулки ҳисобланган мол-мулк давлат мулки, яъни оммавий мулк ҳисобланиши, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши давлат номидан иш юритиб, давлат мулкига нисбатан мулк ҳуқуқини амалга ошириши кераклиги белгиланиб, ер қаъри, сув ва денгиз бўшлиқлари, шаҳарлар ерлари, ўрмонлар, тоғлар, ўтлоқлар, ишлов берилмаган ерлар, кумли қирғоқлар, ёввойи табиатнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, радиочастоталар спектри, маданий ёдгорликлар, давлат мудофаа объектлари, темир йўллар, автомобил йўллари, электр тармоқлари ускуналари, телекоммуникация ускуналари, нефть ва газ қувурлари ва бошқа инфратузилма объектлар давлат мулки ҳисобланиши кўрсатилган.

Беларусь Республикасининг оммавий мулк боразидаги ҳуқуқий режимда давлат мулки ва давлатнинг мутлақ ҳуқуқига тегишли фаолиятлар каби аралашган ҳуқуқий мақом марказий ўринни эгаллайди, оммавий мулк тушунчаси эса мамлакат ҳуқуқий амалиётида мавжуд эмас. Давлат мулки тоифалари бевосита фуқаролик муомаласида тақиқланган ёки чекланган объектлар билан аралашган ҳолда қонунчиликда ўрнатилган, бундан ташқари фуқаролик муомаласида мулк ёки муайян бир моддий қимматлик мақомига эга бўлмайдиган, баҳоланмайдиган давлат сирлари ёки стандартлар ҳам давлатга тегишли объектлар сифатида талқин қилинишига сабаб бўлаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, оммавий мулкнинг ҳуқуқий режимини тадқиқ этишдан англашиладики, ҳар бир давлат ўз манфаати ва ривожланиш стратегиясини кўзлаб, оммавий мулкдан иқтисодий тараққиётида юқори натижага эришишни таъминловчи драйвер сифатида, ҳуқуқий жиҳатдан эса фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг муносабатларини тартибга солиш, тадбиркорлик фаолиятини ва инвестицион, ишбилармонлик муҳитини рағбатлантиришда ҳуқуқий институт сифатида фойдаланади.

**Ҳаёт РИЗАЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хитой Халқ республикасининг “Мулк ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонуни, 2007 йил 16 мартда қабул қилинган.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги ЎРҚ-152-XII сонли Қонуни, 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган. Ҳужжат 1990 йил 23 ноябр ҳолатида.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 851-XII-сонли Қонуни, 1993 йил 7 майда қабул қилинган.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (1-қисми), 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги ЎРҚ-821-сонли Қонуни, 2023 йил 9 мартда қабул қилинган.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сонли қарори, 2023 йил 24 мартда қабул қилинган.

## МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА БОШҚА ШАХСЛАР ИШТИРОКИ

**Назарий-ҳуқуқий жиҳатдан маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг асосий гуруҳини ишда иштирок этувчи шахслар ташкил қилади. Уларни ишнинг натижасидан манфаатдор бўлишига қараб, қуйидаги 2 гуруҳга ажратиш мумкин:**

1) ўзининг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар. Ушбу шахсларга тарафлар ва учинчи шахслар киритилади;

2) процессда бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар. Мазкур шахслар қаторига бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш ваколатига эга бўлган прокурор, давлат органлари ва бошқалар киритилади.

Айни пайтда, мазкур иккита гуруҳнинг ҳар бири, айниқса давлат органлари ва бошқа шахслар маъмурий суд ишларини юритишда ўзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, маъмурий суд ишларини юритишда давлат органлари ва бошқа шахслар ҳуқуқий мақомининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш нафақат маъмурий ишларнинг тўғри ҳал қилинишига, балки шу орқали пировард мақсад – маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларини самарали бажаришга ҳам хизмат қилади.

Лекин, маъмурий суд ишларини юритишда давлат органлари ва бошқа шахслар иштироки билан боғлиқ масалаларга шу кунгача илмий жиҳатдан кам эътибор берилган. Муҳокама этилаётган мавзунинг у ёки бу жиҳатлари қисман тадқиқ этилган. Масалан, М.У.Ешимбетов маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан келиб чиқувчи низоларни судда кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш масалаларини, Е.Т.Хожиев маъмурий жараён ва унинг илмий-назарий жиҳатлари, мавжуд муаммолар, ислоҳ этиш йўллари, Ф.Т.Ҳақимов Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг муаммоларини, Ж.Н.Нематов маъмурий суд иш юритиши масаласини, Ш.Шайзаков маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий ҳуқуқий асосларини ва Д.Р.Артиков идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этганлар.

Хорижий олимлар П.Халлберг, Ш.Хироши, М.Штайнер, Ф.Ж.Пеине, М.Столпеис ва бошқалар томонидан маъмурий одил судлов, оммавий-ҳуқуқий муносабат ва низо, суд томонидан маъмурий актлар қонунийлиги текширилишининг айрим жиҳатлари, маъмурий судлов принциплари тадқиқ этилган. Сўнгги йилларда қатор россиялик ҳуқуқшунос олимлар (масалан, Соловьёв А.А., Колобова Т.В., Зайков Д.Е., Кулакова В.Ю., Афанасьева Т.И., Павлова М.С. Спиридонов П.Е. в.б.) томонидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштироки билан боғлиқ айрим масалаларига эътибор қаратиб борилмоқда.

Мавжуд адабиётлар шарҳидан маъмурий суд ишларини юритишда давлат органлари ва бошқа шахслар иштирокининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда процессуал-ҳуқуқий асосларини тизимли таҳлил қилишни тақозо қилади, деган хулосага келиш мумкин. Айни пайтда, давлат органлари ва бошқа шахсларнинг маъмурий суд ишларини юритиш жараёнидаги бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи субъект сифатидаги иштирокини ҳамда ушбу йўналишдаги мавжуд муаммоларни процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан тизимли таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади. Албатта, бу ўз навбатида ушбу соҳадаги амалдаги қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тақлиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурий шарт сифатида ҳам хизмат қилади.

**Азат ИМАТОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН АЙРИМ МУАММОЛАР

**Статистик таҳлиллар натижаси жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш орқали уларни ахлоқан тузатиш самарали эканлигини кўрсатмоқда.**

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб доимий равишда такомиллаштирилиб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли Қарори билан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларни назорат қилиш тизими такомиллаштирилди. 2019 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузурида Пробация хизмати ва тегишлича унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди.

Пробация – бу озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ижро этишга қаратилган, назоратдаги шахсларни ижтимоий ва психологик ўрганиш, уларда қонунга итоаткор хулқ-атворни ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширувчи, назорат остидаги шахсларни ахлоқан тузатиш ва ижтимоий мослашуви мақсадига эришишга қаратилган тарбиявий-ахлоқий, педагогик-психологик, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа фаолият йўналишларини ўз ичига қамраб олган тузилмадир.

Пробация хизматининг бир нечта турлари бор. Хусусан:

Судгача пробация - суд томонидан ҳукм чиқарилаётганда ҳисобга олинмаган муайян жиноятчининг психологиясини ва унинг ижтимоий хусусиятларини ўрганишдан иборат (Буюк Британия, Венгрия, Словакия).

Пенитенциар пробация - жазони ўташнинг якуний босқичида маҳкумни озодликка тайёрлаш мақсадида уни қайта ижтимоий тузатиш бўйича пенитенциар муассасалардаги тадбирлар мажмуасини ташкил этади (АҚШ, Швеция, Латвия).

Ижроия пробация - озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахсларни назорат остига олиш ҳамда суд томонидан унга юклатилган вазифаларни бажармаганлиги учун пробация назоратини бекор қилиб, жазони ҳақиқатдан ўташи учун қамоқхонага юбориш (Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Хитой, Латвия, Нидерландия, Словакия, АҚШ, Франция, Финляндия, Швеция, Швейцария, Эстония, Япония).

Постпенитенциар пробация - жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни жамиятга қайта мослаштиришдан иборат. Шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилинганларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам олишда, уларга нисбатан маъмурий назоратни маҳаллий полиция хизмати инспекторлари амалга оширишда ёрдам беради (Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Хитой, Латвия, Нидерландия, Словакия, АҚШ, Франция, Финляндия, Швеция, Швейцария, Эстония, Япония).

Мамлакатимизда янги ташкил этилган Пробация хизмати озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларни назорат қилиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш,

бандлигини таъминлаш, ўқишга ва ишга жойлаштириш, назорат остидагиларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш, энг асосийси, шахсни тарбиялаш масалаларига эътибор қаратади.

Пробация хизматини янада такомиллаштириш ва ҳуқуқий мақомини кучайтириш, назоратдаги шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш учун 2020 йил 1 мартдан бошлаб назорат остидаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирлик ва идоралар, хусусан, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад назорат остидаги шахсларда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, жамиятга, меҳнатга, мавжуд турмуш қоидалари ва аънаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдир.

Пробация бўлими ходимлари белгиланган вазифани амалга ошириш ва назоратда турган шахслар томонидан қайта жиноятларнинг олдини олиш мақсадида, назорат остида турган шахсларни тузатиш йўлига ўтган, жиноят содир этишга мойил ва ижтимоий хавфи юқори бўлган шахслар тоифаларига ажратган ҳолда тарбиявий профилактик ишларни амалга оширмоқдалар.

Тоифалар билан ишлашда асосий эътибор назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштиришга, уларни ўқиш ва ишга жойлаштиришга ҳамда қайта касбга йўналтиришга қаратилиб, назорат остидаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш учун унинг ижтимоий-психологик портрети тузилиб, шу асосида тарбиявий-профилактик таъсир чоралари олиб борилмоқда.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни таъсирчанлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида назарда тутилган жазолар тизими енгилидан оғирга қараб шакллантирилган бўлиб, бунда озодликни чеклаш жазоси жазо тизимида озодликдан маҳрум қилиш жазосидан олдин жойлаштирилган бўлиб, бу билан қолган озодликдан маҳрум қилиш жазоларидан мавқеи бўйича оғир эканлиги белгиланган. Дарҳақиқат, озодликни чеклаш жазоси шахснинг маълум бир ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи жазо ҳисобланади.

Озодликни чеклаш жазоси мунтазам назоратни талаб қиладиган жазо тури ҳисобланади ва бу назоратнинг бир лаҳза йўқолиши жазодан қутилган натижани олиб келмаслиги мумкин. Шу мақсадда ЖИКнинг 44<sup>3</sup>-моддасида озодликни чеклаш тарикасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ, амалиётда бу каби электрон кузатув воситалари аксарият маҳкумларга қўлланилмасдан фақатгина назорат қилувчи орган ходимларининг шахсий назоратида қолмоқда. Бу эса ўз навбатида назорат қилувчи орган ходимларида қийинчилик ва ошиқча харажатларни келтириб чиқаради.

Шу сабабли озодликни чеклаш жазосини ижро этишда хорижий тажриба ва илмий техник ютуқлардан фойдаланган ҳолда маҳкумларни электрон кузатув воситалари орқали назорат қилиш жазодан қутилган натижа ва ходимнинг иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

**Рустам КОРАБАЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

# ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ: ЗНАЧЕНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ

## АННОТАЦИЯ:

*в статье автор анализирует практику применения технологии искусственного интеллекта при организации работы судов и отправлении правосудия, а также рассматривает перспективы и риски ее более широкого использования.*

**Ключевые слова:** право, искусственный интеллект, новые технологии, технологический прогресс, правосудие, суд, судья, судопроизводство, электронный документооборот.

Основной задачей судей является отправление правосудия. При этом, законодательство гарантирует независимость судей и их подчинение только закону при отправлении правосудия.

Анализ деятельности судов по гражданским делам за последние 4 года выявил существенный рост искового и иного производства. Например, если количество рассмотренных дел в 2019 году составлял 276.937 дел, то в 2022 году этот показатель составлял 863.883 дел. В условиях подобной загруженности даже самый благонамеренный и профессиональный судья попросту лишен возможности вникать в суть дела, изучение и исследование доказательств, заслушивать свидетелей, вникать в доводы сторон потому и использует шаблонные подходы, как в судебном заседании, так и при подготовке решения.

Использования Искусственного Интеллекта (далее по тексту-ИИ) приведет к быстрому решению вопроса загруженности судов. Практическое применение технологий с использованием специальной программы-алгоритма с ИИ, способен обработать большое количество различной правовой (и не только) информации, и в итоге – выдать прогноз о наиболее вероятном исходе ситуации, возможном решении суда.

Настоящее время наиболее активно идет внедрение технологии искусственного интеллекта в организационную деятельность суда, уже введены электронный документооборот, электронное правосудие обеспечивается через соответствующую подсистему «АДОЛАТ» также задействованы информационные системы «Электронные судебные услуги» в которой можно найти услуги от подачи заявлений и до получения решений в электронном виде. Для расширения возможностей использования электронного правосудия разрабатываются новые программы которые будут базироваться на технологии так называемого слабого искусственного интеллекта.

Согласно Указа Президента от 16 января 2023 года за № 11 одной из приоритетных задач обеспечения правосудия является цифровизация деятельности судов, внедрение технологий искусственного интеллекта, улучшение межведомственного обмена электронными данными, расширение возможностей дистанционного участия в судебных заседаниях.

Благодаря разрабатываемым новым программам предусматривается возможность участия в судебном заседании с использованием технологии вебконференции из офисных или жилых помещений. Будет обеспечена внедрением в судебную деятельность технологии биометрической аутентификации участника судебного процесса по лицу и голосу.

Краткосрочная Стратегия поднятия на качественно новый уровень судебной системы на 2023 — 2026 годы утвержденная Указом Президента от 16 января 2023 года за № 11 подразумевает принятие мер по внедрению технологий искусственного интеллекта в деятельность судов по оказанию правовой помощи гражданам, автоматической подготовке судебных актов и анализу судебных решений.

Исходя из вышеизложенного основной задачей разрабатываемых для судов программ станет автоматизированное составление проектов судебных актов на основе анализа текста процессуального обращения и материалов судебного дела.

